

И
III-73



Ш. ШОМУҲАМЕДОВ


**МАЛИКУШШУАРО
БАҲОР**

У.
м-87

Ш. ШОМУҲАМЕДОВ

МАЛИКУШШУАРО БАҲОР

(Ҳаёти ва ижоди)



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1967

Эрон адабиётининг классик шоири маликушшуаро Баҳор улкан олим, бутун ҳаётини ўз халқининг эрки учун, тинчлик ва демократия учун курашга сарф этган жамоат арбоби, кўп янгиликлар кашф этиб, эрон шеъриятида алоҳида мактаб ярата олган новатор адибдир.

Баҳор фақат XX асрдагина эмас, эрон адабиёти тарихининг сўнгги уч-тўрт асри давомида ўтган шоирлар орасида беқиёс санъаткордир.

Баҳор ҳақида биринчи бор нашр этилаётган бу китобда унинг воқеаларга бой ҳаёти ҳақида маълумотлар берилади ва кўп қиррали ижоди таҳлил қилинади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Шомуҳамедов Ш. М.

Маликушшуаро Баҳор. Т., «Фан»,

1967.

115 бет.

Тиражи 15000.

1. Баҳор, унинг ҳақида.

Шомуҳамедов Ш. М. Малек-ош-шоара

Бахар (Жизнь и творчество).

И(Эрон)

адабиёти тарихида Ироқ ҳамда Хуросон ёки Туркистон услуби деб аталган содда, равон, аммо мазмундор услубда (кўпроқ Хуросон услубида) ижод этди.

Эрон адаби ва улкан адабиётшунос олими Али Акбар Деҳхудо: «Баҳор Хуросон услубининг вакили ва ҳозирги замоннинг энг йирик шоиридир. Айтиш мумкинки, кейинги тўрт аср давомида бу услубда шундай катта истеъдод ва бадий завқ билан ижод қилган шоир бўлмаган эди», (68, 119)¹— дейди.

Баҳорга санъаткорлик ҳам, маликушшуаро унвони ҳам ота-боболаридан мерос қолган. Висол авлоди бўлган Баҳорнинг аجدодлари — отаси, бобоси, амакиси озми-кўпми элда машҳур бўлган шоирлар эди. Баҳор бу соҳада фақат меросхўр бўлибгина қолмади. Баҳорнинг фавқуллодда таланти ва тинимсиз меҳнати уни ҳақиқий шоирлар шоҳи — маликушшуаро даражасига кўтарди. Шунинг учун Баҳорнинг ҳаёти ҳақидаги материалларни йиғиб, илк бор китоб ҳолига келтирган Абдулҳамид Урфоний асарига муқаддима ёзган адабиётшунос олим, Эрон-Покистон адабий жамиятининг раиси доктор Нозирзода Кермоний «Охирги асрларда эрон адабиёти чўққисида Баҳордан кўра ёруғроқ гавҳар нур сочгани йўқ эди. У форс адабиётининг асримизда охирги, энг улуғ ва энг қудратли классиги ҳисобланса бўлади» (68, аввалги. саҳифа),— деб ёзади.

Баҳор биринчи шеърларининг асримиз бошларида матбуотда кўриниши, унинг ижоди, айниқса, 1906—1911 йилларда Эронда юз берган демократик революциядан кейин чет эл эроншуносларининг ҳам диққатини ўзига жалб этди.

1928 йилда проф. Бертельс ўзининг «Форс адабиёти тарихи очерки» асирида Баҳор Эрон поэзиясига шаклий янгиликлар билан кириб келаётганини қайд қилади ва унинг افکار پریشان (Паришон хаёллар) шеърини келтиради (86, 165-166). К. И. Чайкин эса ўзининг форс адабиётига бағишланган китобида Баҳорга ҳозирги Эроннинг энг йирик шоирларидан бири (111, 57) деб баҳо беради.

Техронга бориб Баҳор билан шахсан танишган ва унинг суҳбатида бўлган совет эроншунос олими

¹ Қавс ичидаги биринчи рақам асарнинг ушбу китоб охирида келтирилган рўйхатдаги тартиб рақамини, иккинчиси эса саҳифасини кўрсатади.

Ю. Н. Марр ҳам ўзининг эсдаликларида Баҳор талантига юқори баҳо берган эди.

Инглиз эроншунос олими Эдуард Броун ўзининг *The «press and poetry of modern Persia*. (Ҳозирги эрон матбуоти ва поэзияси) номли асарида Баҳорнинг биографиясидан дастлабки маълумотларни беради-да, ҳеч қандай таҳлилсиз, ўн учта шеърини келтириш билан чекланади. Ҳинд олими Муҳаммад Исҳоқ, Эрон адабиётшуносларидан Рашид Ёсимий, Муҳаммад Зиё Ҳаштрудий, Абдулҳамид Холҳолий, Бузрук Алавий, Бурғайи ва бошқалар ўз китоблари, антологияларида Баҳор ҳақида жуда қисқа маълумот бериш ёки бир неча шеърини келтириш билангина чекланадилар. Яқин кунларгача бу улкан шоирнинг шеърӣ асарлари китоб ҳолида нашр ҳам этилмас эди. Ўзи тайёрлаган девоннинг нашр этилишига полиция назорати йўл қўймаган эди. Баҳор вафотидан кейингина унинг китоблари нашр этила бошлади ва у ҳақда айрим китоблар ҳам босилди.

Бу китобларнинг бири Нику Ҳиммат тарафидан ёзилган икки китобдан иборат *زندگی و آثار بهار* («Баҳорнинг ҳаёти ва ижоди», Кермон, 1955) асари бўлиб, у Баҳор ва унинг ҳаёти, Баҳор билан учрашган шоир ва адиблар ҳақидаги бир-бирига боғланмаган қисқа-қисқа мақолалар эди.

Иккинчи китоб эса Абдулҳамид Урфонийнинг *شرح احوال و آثار ملك الشعر محمد تقی بهار* («Баҳорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди, Техрон, 1956) китоби бўлиб, бунда автор фақат фактик материалларни келтиради ва Баҳор асарларидан намуналар беради.

Ҳар икки китобда ҳам Баҳор ижодининг таҳлили жуда кам, бўлганда ҳам ҳаққонийлик билан ёндошилмайди. Айниқса, Нику Ҳиммат Баҳор биографиясидаги фактларни ҳам, ижоди аҳамиятини ҳам сохталаштиришга ҳаракат қилади. Масалан, Баҳорнинг умри охирида жуда берилиб тарғиб қилган ғоялари беркитилди, ҳатто, тинчлик учун олиб борган кураши, ўзи учун муқаддас билган иши унинг адашиши деб талқин қилинади.

Баҳор тўғрисида жиддийроқ асар ёзган киши эрон шоираси Жола бўлди.

Аммо унинг кандидатлик диссертацияси темаси жуда кенг ва биринчи иш бўлганлиги туфайли, ҳали Баҳор

адабиёти тарихида Ироқ ҳамда Хуросон ёки Туркистон услуби деб аталган содда, равон, аммо мазмундор услубда (кўпроқ Хуросон услубида) ижод этди.

Эрон адиби ва улкан адабиётшунос олими Али Акбар Деҳхудо: «Баҳор Хуросон услубининг вакили ва ҳозирги замоннинг энг йирик шоиридир. Айтиш мумкинки, кейинги тўрт аср давомида бу услубда шундай катта истеъдод ва бадий завқ билан ижод қилган шоир бўлмаган эди», (68, 119)¹— дейди.

Баҳорга санъаткорлик ҳам, маликушшуаро унвони ҳам ота-боболаридан мерос қолган. Висол Авлоди бўлган Баҳорнинг аждоглари — отаси, бобоси, амакиси озми-кўпми элда машҳур бўлган шоирлар эди. Баҳор бу соҳада фақат меросхўр бўлибгина қолмади. Баҳорнинг фавқуллодда таланти ва тинимсиз меҳнати уни ҳақиқий шоирлар шоҳи — маликушшуаро даражасига кўтарди. Шунинг учун Баҳорнинг ҳаёти ҳақидаги материалларни йиғиб, илк бор китоб ҳолига келтирган Абдулҳамид Урфоний асарига муқаддима ёзган адабиётшунос олим, Эрон-Покистон адабий жамиятининг раиси доктор Нозирзода Кермоний «Охирги асрларда эрон адабиёти чўққисида Баҳордан кўра ёруғроқ гавҳар нур сочгани йўқ эди. У форс адабиётининг асримизда охирги, энг улуғ ва энг қудратли классиги ҳисобланса бўлади» (68, аввалги. саҳифа),— деб ёзади.

Баҳор йиллари шеърларининг асримиз бошларида матбуотда кўриниши, унинг ижоди, айниқса, 1906—1911 йилларда Эронда юз берган демократик революциядан кейин чет эл эроншуносларининг ҳам диққатини ўзига жалб этди.

1928 йилда проф. Бертельс ўзининг «Форс адабиёти тарихи очерки» асарида Баҳор Эрон поэзиясига шаклий янгиликлар билан кириб келаётганини қайд қилади ва унинг افکار پریشان (Паришон хаёллар) шеърини келтиради (86, 165-166). К. И. Чайкин эса ўзининг форс адабиётига бағишланган китобида Баҳорга ҳозирги Эроннинг энг йирик шоирларидан бири (111, 57) деб баҳо беради.

Техронга бориб Баҳор билан шахсан танишган ва унинг суҳбатида бўлган совет эроншунос олими

¹ Қавс ичидаги биринчи рақам асарнинг ушбу китоб охирида келтирилган рўйхатдаги тартиб рақамини, иккинчиси эса саҳифасини кўрсатади.

Ю. Н. Марр ҳам ўзининг эсдаликларида Баҳор талантига юқори баҳо берган эди.

Инглиз эроншунос олими Эдуард Броун ўзининг *The «press and poetry of modern Persia*. (Ҳозирги эрон матбуоти ва поэзияси) номли асарида Баҳорнинг биографиясидан дастлабки маълумотларни беради-да, ҳеч қандай таҳлилсиз, ўн учта шеърини келтириш билан чекланади. Ҳинд олими Муҳаммад Исҳоқ, Эрон адабиётшуносларидан Рашид Ёсимий, Муҳаммад Зиё Ҳаштрудий, Абдулҳамид Холҳолий, Бузрук Алавий, Бурғайи ва бошқалар ўз китоблари, антологияларида Баҳор ҳақида жуда қисқа маълумот бериш ёки бир неча шеърини келтириш билангина чекланадилар. Яқин кунларгача бу улкан шоирнинг шеърӣ асарлари китоб ҳолида нашр ҳам этилмас эди. Ўзи тайёрлаган девоннинг нашр этилишига полиция назорати йўл қўймаган эди. Баҳор вафотидан кейингина унинг китоблари нашр этила бошлади ва у ҳақда айрим китоблар ҳам босилди.

Бу китобларнинг бири Нику Ҳиммат тарафидан ёзилган икки китобдан иборат *زندگی و آثار بهار* («Баҳорнинг ҳаёти ва ижоди», Кермон, 1955) асари бўлиб, у Баҳор ва унинг ҳаёти, Баҳор билан учрашган шоир ва адиблар ҳақидаги бир-бирига боғланмаган қисқа-қисқа мақолалар эди.

Иккинчи китоб эса Абдулҳамид Урфонийнинг *شرح احوال و آثار ملك الشعر محمد تقى بهار* («Баҳорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди, Техрон, 1956) китоби бўлиб, бунда автор фақат фактик материалларни келтиради ва Баҳор асарларидан намуналар беради.

Ҳар икки китобда ҳам Баҳор ижодининг таҳлили жуда кам, бўлганда ҳам ҳаққонийлик билан ёндошилмайди. Айниқса, Нику Ҳиммат Баҳор биографиясидаги фактларни ҳам, ижоди аҳамиятини ҳам сохталаштиришга ҳаракат қилади. Масалан, Баҳорнинг умри охирида жуда берилиб тарғиб қилган ғоялари беркитилди, ҳатто, тинчлик учун олиб борган кураши, ўзи учун муқаддас билган иши унинг адашиши деб талқин қилинади.

Баҳор тўғрисида жиддийроқ асар ёзган киши эрон шоираси Жола бўлди.

Аммо унинг кандидатлик диссертацияси темаси жуда кенг ва биринчи иш бўлганлиги туфайли, ҳали Баҳор

ижодининг ҳамма қирраларини чуқур таҳлил қилишга имкон бўлмади. (55). Бундан ташқари, мазкур асар тўлалигича нашр этилмаган. Кейинги йилларда совет эроншунослари томонидан Баҳор ҳақида бир қанча мақолалар ёзилди, ҳозирги замон эрон адабиёти ҳақидаги китобларда Баҳор ижодига тўхталиб ўтадилар.

Ўзбек китобхонлари ҳам бу ажойиб шоир ва унинг ижодидан намуналар билан эллигинчи йиллардан бери «Шарқ юлдузи» ва бошқа китоб, журналлар орқали танишлар.

Аммо Баҳорнинг ижоди жуда кенг, ранго-ранг ва кутилмаган турли ҳодисаларга бой. У ўзининг 65 йиллик (1886—1951) изланишларга тўла умрида жуда кўп зафар қувончи ва мағлубият аламларини кўрган. У кўп янглишишларга, муваффақиятсизликларга қарамай, яна курашни давом эттирган шоир, олим ва жамоат арбобидир. Унинг ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббати, эрон халқининг озодлиги учун курашга бўлган жазми ва азми абадий ҳамда мустаҳкам эди.

Баҳор ўз халқини озод қилиш йўлларини кўп излади ва умр баҳори, энг азиз ёшлик йилларини, ғайрат ҳароратини ҳам, ёшлик жасорати ва ақлга тўлган кексалик даврини ҳам шу курашга сарф этди.

Аммо Баҳор ҳамма вақт ҳам тўғри йўлни топа олди, деб айтиб бўлмайди. Албатта, унинг кураш ва ҳаяжонга тўла ҳаётида адашишлар ҳам, тўғри йўлни топа билмаслик ҳоллари ҳам, халқ кучига ишончни йўқотиб қўйиш пайтлари ҳам бўлди.

Шоир ҳаётининг охириги йилларида Совет Иттифоқининг самимий дўсти бўлди. Буни унинг ўзи ҳам, сўзи ҳам, иши ҳам, унинг ижоди билан танишган ҳар бири киши ҳам эътироф этади. Баҳор ҳақида кандидатлик диссертацияси ёзган Жола, эрон адабиётида совет темаси ҳақида китоб ёзган озарбайжон олими Б. Хусейнов, эрон адабиётида Ленин образи ҳақида ёзган Г. Михалевич ва бошқалар ҳам буни эътироф этадилар. Аммо бу асарларда фақат эътироф этилади, холос. Баҳор ижодини чуқур марксистик таҳлил қилиш вазифаси эроншуносларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Улкан санъаткор Баҳор ижодининг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг санъати доим халқ билан боғлиқ бўлди, у тор сарой доирасида ҳам, ўз дунёқараши

доирасида ҳам сиқилиб, чекланиб қолмади. Баҳор эрон жамияти ҳаётидаги энг актуал масалаларга доим ҳо-зиржавоб бўлиб турди ва кейинги ярим аср давомида Эронда юз берган воқеаларни ўз ижодида инъикос эттирди.

Баҳор халқини эркин ва бахтли, ватанининг равна-қини кўришни истаб, ўспиринлик чоғлариданоқ жорий тузум иллатларига қарши курашга бел боғлаган бўлса-да, шохпарастлик ғоясидан батамом қутулолмаслиги унинг ҳаётида катта хатоларга, янглишиш ва умидсиз-лик кайфиятларига олиб келган вақтлар кўп бўлди.

Бунга унинг буржуа дунёқараши сабаб бўлди. Аммо Баҳор умрининг охирида Совет Иттифоқи халқлари ўтаётган тарихий тараққиёт йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тушунди. Шу йўлни тарғиб ва тавсиф қилди. XX асрнинг ўрталари учун энг муҳим ва энг улкан ҳа-ракат бўлган тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракатига қўши-либгина қолмай, бутун таланти ва қудратини тинчлик ва демократия учун кураш ишига сарфлади. Эронда тинчлик тарафдорлари жамиятини ташкил этди ва ум-рининг охиригача унга бошчилик қилди.

Баҳор шеърятда форс классиклари ижодида ривож топган кўп асрлик анъаналар инсонга меҳрибонлик, дўст-лик ва ҳамкорлик, илмга интилиш, меҳнатга муҳаббат каби гуманистик ғояларни давом эттирди, юксак бадий асарлари билан кишилар дилини мунаввар қилишга му-ваффақ бўлди.

Қўлингиздаги бу китобча Маликушшуаро Баҳор ҳа-қида Совет Иттифоқида алоҳида нашр этилаётган би-ринчи асар. Бунда Баҳор улкан ижодининг барча томон-лари батафсил таҳлил қилинмаса-да, унинг ижодидаги асосий прогрессив томонлар, ўз халқи ва башарият учун қилган хизматлари бир қадар кўрсатиб берилган.

Мирза Муҳаммад Тағи Баҳор 1886 йилнинг 29 декабрида форс шеърятининг бешиги ва маркази бўлган Хуросоннинг катта шаҳарларидан бири Машҳадда туғилди.

Баҳорнинг отаси Сабурий ҳам ўз замонининг машҳур шоири Висол авлодидан бўлиб, Насриддин Шоҳ (1848—1896) даврининг кўзга кўринган маданият арбобларидан эди. Мирза Муҳаммад Козим Сабурий Машҳаддаги имом Ризо мақбарасининг шоири сифатида шуҳрат қозонган ва маликушшуаро унвонини олишга муваффақ бўлган эди.

Баҳор мана шу оилада шеърят ва адаб муҳитида ўсди. Баҳорнинг отаси унга яхши билим беришга ҳаракат қилар экан, аввало ўз қўл остида унга форс адабиёти ва шеър илмини, аруз ва қофия илмини ўргатди. Бу унинг ёшлигиданоқ шеърхон бўлиб ўсишига, бадий завқининг тарбияланишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Баҳор ўз отасидан ўша давр мактабларида ўқитиладиган бошқа фанларни ҳам ўрганди.

1903 йилда Баҳорнинг отаси вафот этди. Отадан ёш етим қолган Муҳаммад Тағи ўз даврининг етук олими, файласуф шоир Адиб Нишобурий ва машҳадлик файласуф, математик Абдураҳмон Бадрийлар қўлида илм таҳсил қилди.

Баҳор кейинчалик ўз ота-онаси ҳақида ёзар экан, отаси анча асабий ва талабчан бўлганлигини, онаси эса юмшоқ табиат ва меҳрибон бўлиб, улар доим жуда иноқ яшаганларини алоҳида қайд қилади¹. У одобли ва меҳнаткаш оилада ўсди.

¹ Баҳор ҳафталик «Нав Баҳор» газетасининг бир неча сониди «Шоир қалби» номи билан бир қатор автобиографик очерклар бостирган эди. Бу биография шоир девонининг 2 жилдида ҳам нашр этилган.

Баҳор ўз автобиографиясида жуда ўйчан, кўп ўқиб, кўп ёзадиган, аммо камгап бўлиб ўсганлигини, кўп кишиларга ёққан нарсалар унга ёқмаслиги, ўз оила аъзоларига, дўстларига нисбатан муҳаббати самимий эканлиги ҳақида, хассос дилида ҳеч кимда кўрилмаган ҳистуйғулар туғён қилганлиги ҳақида ёзади (40, ج—ق бетлари). Бу сифатлар кейинчалик мавжуд тузумдан норози бўлишга ва гоҳ актив, гоҳ пассив курашда турли кўринишларда намоён бўлди.

Баҳор ёш етим қолар экан, унга отасининг шуҳрати ва маликушшуаро унвони мерос бўлиб қолди. Аммо шу билан бирга, катта ўғил сифатида оилани боқиш ташвиши ҳам 18 ёшли ўспирин йигит бўйнига тушади. Баҳор энди тинмай меҳнат қилиши, ўқиб-ўрганишига тўғри келди. У араб тилини яна қайта чуқур ўрганишга киришди. Миср газета ва журналларини мунтазам ўқиб, улар орқали Европа маданияти, Англия, Франция, Германия ва бошқа давлатларда бўлаётган воқеалар билан ҳам танишади. Кейинчалик илмий ишлари учун паҳлавий тилини ҳам ўрганади.

Баҳорнинг отаси унинг шоирлик истеъдодини эътироф этса-да, «энди замон ўзгарди, шоирлик ва илму ҳикмат қадрига ҳеч ким етмайди», деб ўғлини савдогар бўлишга ундар эди. Аммо Баҳор кўп қийинчиликлар кўрганда ҳам шеърятдан қайтмади.

Баҳор номаълум бир шоир номидан ёзган автобиографик характердаги очеркида: «Тасаввур қилайликки,— деб ёзган эди,— худо шоирни яратганда унинг қалбига ҳеч нарса солмади, кейин шоир ўрнидан тургач, худо уни нуқсонли кўрди, шунда унинг дили шикаста бўлмасин, ҳаётга бир қадар ҳозир бўлсин ва тасалли олиб турсин учун унга бир ҳадя берди. Ва у ҳадя ёлғиз шеър истеъдоди эди...» (40, ز).

Шоир ва жангчи Баҳор шеърнинг бундай вазифаси ҳақида — سكوت شب («Кеча сукути») номли аса-рида ҳам Масъуд Саъд Салмондан тазмин қилиб дейди:

Ҳолимга ярашиқ келтирай бир байт,
Уни демиш баланд таъбли Саъд Салмон.
«Гардун ўлдирарди қийноқда мени,
Ҳамдамим бўлмас бу назми жонон².
(38, 340).

² Шеърлар таржимони — китоб автори.

Дарҳақиқат, Баҳорнинг кўп қийинчиликлар кўрган ҳаётида ёлғиз овитувчиси ҳам, кураш қуроли ҳам шеъри бўлди.

Баҳорнинг қизи Моҳ Малик хоним بهار پلرم («Отам Баҳор») деган мақоласида отасининг ёшлиқдан жуда кўп қийинчилик кўрганлигини ёзиб: «Тоқат қилиб бўлмайдиган оғир меҳнат, кам иш ҳақи, унинг йўлига интизор турган оила, олий ҳимматлик ва баланд таъб отамни ёшлик йилларидан, ҳаётининг бошиданоқ ҳассос ва чидамли қилиб етиштирди. Шу вақтдан бошлаб умр ўтказиш йўлида тортган машаққат ва қийинчиликлари таъсирида отам зулм, зўрлик ва қашшоқликка қарши кураш йўлини танлаб олишга қарор берган эди. Уни ҳеч ким, ҳеч нарса бу йўлдан қайтаролмасди» (120, 62) дейди. Бу ҳақда Баҳорнинг ўзи ҳам «Бахтдан шикоят» шеърида:

غم زمانه بسختی گرفته دا مانم
ز بیو فائی این بخت سست پیامانم
به بسته بود بمن بخت این چنین میثاق
که من بخوابم و او خود بود نگهبانم
کنون بخرفته مرا بخت و من چومشاقان
نشسته بر سر اولای لای میخوانم
چو بخت شوم مرا چرخ بیند اندر خواب
بروی غم، غم دیگر نهد فراوانم
(38, 117)

Мазмуни:

Замона ғами этагимни қаттиқ ушлаб олган,
Мен ухлайману, у менинг соқчим бўлади.
Энди менинг бахтим уйқуда-ю, мен унга муштоқлардек
Унинг бошида ўтириб алла айтаман.
Чарх менинг шум бахтим уйқуга ботганини кўриб,
Ғамим устига яна бисёр ғам келтиради,—

дейди.

Машҳад одатига кўра, шиа имомлари ўлган куни ўтказиладиган диний мотам маросимларида шоирлар қасида ва марсиялар ёзиб, халқ орасида ўқишлари ке-

рак эди.— Маликушшуаро унвонли шоир эса бундан четда қолиши асло мумкин эмасди.

Маликушшуаро Баҳор ҳам, ҳали ёш йигит бўлишига қармай, бу маросимларда қатнашди. Бу унинг учун ўзига хос мушоира ҳам эди. Бу мусобақада Баҳордан ўтолмаган рақиблари унинг устидан шикоят қўзғаб, ўз даврининг ўқимишли шаҳзодаларидан бўлган Хуросон валиси ёнига боришди ва бу ёш йигит маликушшуаро унвонига лойиқ эмас, унинг ўқиб юрган қасидалари отасидан қолган, дейишди. Вали синов ўтказишга қарор қилди. Шоир вали томонидан тайинланган энг қийин вазнлардан бирида қасида ёзиши керак эди. Баҳор бу синовдан муваффақиятли ўтди. Бу вақтда энди 21 ёшга чиққан Баҳор қасидалари эшитувчиларга маъқул бўла бошлади. Мазкур қасида шундай бошланар эди:

Туннинг икки ярми ўтиб кетган чоғ,
Содда киши келди, нуқра нур, чироқ.
Чехраси қуёшли кундуздек равшан,
Тун каби тим қора сочлари бироқ.
Тепамга ўтириб менга пичирлар
«Тур, ҳақиқий шоир, тургил эртароқ!»

(38, 105)

Қасида юқори баҳо олди, аммо Баҳорнинг рақиблари буни эҳтимол бошқа бир киши ёзиб бергандир, онаси ёзиб берган бўлиши ҳам мумкин, уни фил бодиҳа³ шеър айтириб синаб кўриш керак, дейишди.

Баҳорни яна имтиҳон қилишади. Унга мазмунан бириридан узоқ бўлган тасбеҳ, чироғ, туз ва чинор сўзларини айтиб, шуларни тўрт мисрада келтириб рубойи ёзишини талаб этадилар. Шу ониеқ шоир қуйидаги рубойини ўқийди.

Хирқамда тасбеҳ-ла кўриб, деди ёр:
«Зухд чироғи қилмиш қуёш ошкор».
Туз кондан ширинлик топганми ҳеч ким,
Қимга мева инъом этибдир чинор?!

(38, 105)

Шунингдек, бошқа берилган сўзларга ҳам ҳозиржавоблик билан яна учта рубойи тўқиб берган шоир энг қийин имтиҳондан муваффақиятли ўтади. Аммо биз юқоридаги қасидага қайтамыз.

Келтирилган мисраларда Баҳор ўз поэтик истеъдо-

³ Ҳеч қандай тайёргарликсиз, қўққисдан шеър айтиш.

дидан хабар беради ва ухлаб ётган катта талантини тезроқ ўйғотиб, намоён қилиш лозим эканлигини ўзи ҳам тушунади. Бу талант ўз жабҳасини тополмагани учунгина кул тагидаги чўғдек мудраб ётмоқда эди. У чўғни алангалатган шамол тез орада Эронда эса бошлади. Бу — Эронда конституция учун курашни бошлаб берган 1905—1911 йиллар буржуа революцияси эди.

Маълумки, Баҳор туғилган йилларда, XIX асрнинг охирида Эрон ижтимоий ҳаётида анча ўзгаришлар бўла бошлаганди.

Европа империалистлари Эронга кўз тикиб, инглиз империалистлари ва чор Россияси Эронни мустамлака қилиб олиш пайига тушган эди.

Насриддин шоҳ даврида (1848—1896) Эрон бойлиги турли йўллар билан чет эл империалистлари қўлига ўтиб кетмоқда, халқ орасида эса норозилчк тобора кучайиб бормоқда эди. Норозилик шундай тусга киради-ким, ҳатто шоҳ Эрондан четга тамаки чиқариш ва қайта ишлаб сотиш ҳуқуқини батамом инглизлар қўлига бериб қўйган тамаки шартномасини 1891 йил 28 декабрида бекор қилишга мажбур бўлади.

Аммо иш бу билан тугамади, шоҳ ҳукумати халқнинг илгор кучларига қарши қувғин уюштира бошлади. Бунга жавобан шоҳни ўлдиришни олдига мақсад қилиб қўйган яширин ташкилот тузилди.

Баҳор ўн ёшга тўлган йили — 1896 йил 1 май кунин Насриддин шоҳ ўлдирилган эди. Унинг ўрнига ўғли Музаффариддин тахтга ўтирди.

Мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий вазияти ёмонлашса ёмонлашдики, асло тузалмади.

Музаффариддин ўзининг Европа сафарлари учун Англия ва чор Россиясидан кўплаб қарз ола бошлади.

Бу даврда мамлакат жанубидаги нефтлар инглизлар қўлида эди. Эндиликда таможнядан, почта — телеграфдан келадиган маблағлар ҳам чет эл капиталистлари чўнтагига тушадиган бўлди.

Фақат 1901—1902 йилларда шоҳ чор Россиясидан 32.500 сўм қарз эди.

Шоҳаншоҳ банки инглизлардан ҳам катта маблағлар олиб, уларга жанубий портларни топшириб қўйган эди.

В. И. Ленин таъбири билан айтганда, Эрон асримиз бошларига келиб «Ўндан тўққизга мустамлака» (82,

364) ҳоли тушган эди. Мамлакатда хорижийлар ўзларини хўш кўриш учун йинлардек тутар эдилар.

Эрон тарихчиларидан Донишпур ўзининг «Ярим асрлик иқтисодий қўллик» деган асарида бу давр ҳақида: «Инглизлар алдов, маккорлик, иккиюзламалик ва пора бериш йўли билан виждон ҳамда ахлоқнинг барча асосларини таллаб, мамлакат иқтисодининг асосий тармоқларини ўз қўлларига олдилар» (93, 10),— деб ёзади.

XIX аср охири — XX аср бошларида Эронда инглизлар ва чор Россияси қаторига Герман империализми ҳам қўшилди, Эронни батамом бўлиб олишга ва ўз ҳукмронликларини қонунлаштириб, эрон халқини асоратга туширишга жиддий киришилди.

«Мамлакат миллий бойликларининг асосий қисми монополиялар қўлига ўтди» (94,2). Аммо эрон халқи бунга индамай қараб туравермади. Эроннинг илғор кишилари орасида ҳам, ўрта ҳол савдогар табақалар ва руҳонийлар орасида ҳам чет эл империалистларига нисбатан нафрат ғазабга айланаётган эди. Мамлакатда буржуа революцияси пишиб етилмоқда эди.

Бу давр маликушшуаро Баҳорнинг ижодий шаклланиш йиллари бўлди. Ўша вақтларда Баҳор ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиб, турмуш мактабини ўта бошлади.

Эронда революция пишиб-етилиб турган эди, 1905—1907 йиллар рус революцияси бунга катта туртки бўлди. Бу ҳақда В. И. Ленин «1905 йилги рус ҳаракатидан кейин демократик революция бутун Осиёга — Туркия, Эрон, Хитойга ёйилди... Жаҳон капитализми ва 1905 йилги рус ҳаракати Осиёни тамоман уйғотди. Ўрта аср турғунлиги остида эзилиб ёввойилашган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва одамнинг элементар ҳуқуқлари учун курашга уйғонди деган эди (81, 70-71).

Бошқа Шарқ мамлакатлари қатори Эронда ҳам йирик революцион тўлқин мавж уриб кетди. Мамлакатдаги революцион ҳаракат 1905 йилда бошланиб 1911 йилгача узлуксиз давом этди. Революция Эроннинг барча жойларида бир хилда бўлмади, аммо мамлакатда норозилик ҳаракати ёйилмаган бирорта ҳам қишлоқ қолмаган эди. 1905—1911 йилги революция чет эл империализми ва маҳаллий қожорлар ҳукмронлигига қарши қайнаб тошган халқ ғазабининг ёрқин намоёниши бўлди.

Эрон халқи уйғона бошлади. Бу уйғониш албатта

адабиётда ҳам ўз аксини топди. Агар форс адабиёти-нинг минг йиллик тарихида адабиёт асосан шоҳлар саройида ривожланган бўлса, энди революция даврида шоирлар бундай улкан воқеадан четда қололмадилар.

Революция арафасида, XIX аср охирларидаёқ Эронда вақтли матбуот ташкил қилиниб, ёш адиблар ва шоирлар авлоди етишиб чиқмоқда эди. Революция ғоялари бир қатор ёш қаламкашларга қаттиқ таъсир кўрсатди.

Али Акбар Деҳхудо, Саид Ашраф Гилоний, Ориф Қазвиний, Фарруҳий Яздий, Адибулмамолик Фарахоний, Воҳид Дастгардий, Маликушшуаро Баҳор, «Қонун» газетасининг редактори Мирзо Малкомхон, «Хаблул матин» газетасининг редактори Муайядулислом, «Сури Исрофил» газетасининг редактори Мирзо Жаҳонгирхон ва бошқалар революцион ғояларни тарғиб қила бошладилар.

Шоир, ёзувчи, журналистларнинг шеър ва ҳикоялари, қўшиқ ва таснифлари, публицистик чақириқлари халқда инқилобий онгни уйғотар, ватанпарварлик ҳисларини қитиқлаб, чет эл империалистларига қарши қаҳр-ғазабини алангалатар эди. Булар ўз ижодлари билан халқ орасига чиқар эканлар, аста-секин форс адабиётида реализм йўлини ҳам тиклаб бордилар. Революция ғалаба қилган даврларда улар сўз эркинлигидан фойдаланиб, зулм ва адолатсизликни фош қилдилар, меҳнаткаш халқнинг аянч аҳволини қаламга олдилар, чет эл империалистлари ва ички реакцияни фош этувчи асарлар ёздилар.

Аммо уларнинг кўпчилиги майда буржуазия вакиллари эканликларини ҳам унутмаслигимиз керак. Бу эса революцион ҳаракатга, уларнинг революция ва ундан кейинги пайтлардаги хатти-ҳаракатлари ва адабий ижодларига таъсир қилди ҳамда турли қарорсизликларга, алангаланиш ва сўнишга сабаб бўлди.

1905 йилдан 1911 йилгача давом этган Эрон буржуа-демократик революцияси мамлакатдаги чет эл империалистлари паноҳида жон сақлаётган феодал ҳокимияти билан эрон халқи, ёзувчилар билан эзилувчилар, деҳқонлар ҳунармандлар, майда савдогарлар, руҳонийлар, шунингдек, чет эл империалистлари билан миллий буржуазия ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб кетиши натижасида юзага келган эди. Мамлакат ҳаётида ўзга-

лиз ваколатхонаси ҳовлисига кириб олиб, баст эълон қилдилар. Бозор ҳамда дўконлар бекилган, шаҳар сув қуйгандек жим-жит ва холи бўлиб қолган эди.

Музаффариддин шоҳ Айнуддовлани бош министрлик лавозимидан бўшатишга мажбур бўлди. Аммо қўзғолонлар бу билан босилмади. Намойишчилар энди мажлис (парламент) чақиришни, конституция тузуми жорий қилишни талаб эта бошладилар. Натижада 1906 йилнинг 5 августида мащрута — конституция ҳақида фармон чиқди. 1906 йил 5 октябрда биринчи мажлис очилди.

Қўп ўтмай Музаффариддин шоҳ вафот этди (1907 йил 9 январь) ва тахтга Муҳаммад Али шоҳ ўтирди. У ўз салтанатининг бошиданоқ тескаричи гуруҳлар ва чет эл мустамлакачилари кучига таяниб, тўнтаришга тайёрлана бошлади, аммо бу режаларини бирдан амалга ошириш учун пайт пойлашга тўғри келди. Рус чоризми ўз мамлакатигаги революцияни бостириш билан банд эди. 1907 йилда биринчи рус буржуа-демократик революцияси бостирилгач, 1908 йил 23 июнда Ляхов қўмондонлигидаги казаклар бригадаси Техронга ҳужум қилиб марказни эгаллаб олди. Мажлис биноси тўпга тутилди, мажлис вакиллари бўлган барча инқилобчилар қамоққа олинди, Техронда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Шу билан Эрон конституциясининг биринчи даври тугаб, иккинчи давр бошланди.

Энди бу ҳаракат том маъноси билан катта революцияга айланди. Бу даврда инқилобий кучлар партияларга ажралиб ҳар бир синф ўз талаби билан чиқа бошлади. Инқилобга кенг халқ оммаси, деҳқонлар, косиблар, ҳунарманд ва ишчилар қўзғалиб чиқа бошлади. Аввало Россияга яқин бўлган Озарбайжон, Гилон, Мозандарон, Астробод, Хуросон каби шимолий районларда, кейин Кермон, Балужистон, Исфаҳон каби жанубий районларда инқилобий ҳаракат алангаланиб кетди.

Тавриз инқилобчилари Сатторхон ва Бағирхон раҳбарлигида Муҳаммад Али шоҳга қарши қўзғолон кўтардилар.

Шоҳ бир неча бор қўшин юбориб, уларни бостира олмади. Кейинчалик Тавризни чоризм қўшинлари ишғол қилдилар.

Айни ўша вақтда Гилонда ҳамда бошқа шимолий районларда Кавказ инқилобчиларининг ёрдами ва ҳам-

корлиги билан эрон инқилобий кучлари тўпланиб, Техронга юриш бошладилар. Улар Муҳаммад Али шоҳ аскарларини тор-мор келтириб, Техрон яқинида қўзғолоң кўтарган Бахтиёрлар қабила гуруҳлари билан қўшилдилар ва 1909 йилнинг 23 июнида Техронга кириб келдилар. Муҳаммад Али шоҳни тахтдан тушириб ҳонимият-ни ўз қўлларига олдилар.

Шоҳни инглизлар Россияга қочириб юборишга муваффақ бўлдилар.

Мажлис йиғилди ва Муҳаммад Али шоҳнинг 14 ёшли ўғли Аҳмад тахтга ўтқазилди. 1910 йил июнида чор ҳукуматидан пул ва қурол олиб, шайланиб олган Муҳаммад Али шоҳ Эронга қайтди.

Туркман кўчманчи қабилаларини қуроллантириб, ўшалар кучи билан Техронга ҳужум қилди. Аммо яна тор-мор келтирилди ва 1910 йилнинг сентябрида Россияга қочишга мажбур бўлди.

1911 йил охирида Эрон тупроғига шимолдан чор ҳукуматининг аскарлари, жанубдан эса инглиз қўшинлари киритилди. Эронда конституция тузуми тугатилди. Уларнинг кучи билан Техронда қора кучлар ғалаба қилди. Бу давр воқеалари ҳақида бир неча бадий асарлар ва илмий тадқиқотлар ёзилган⁵, биз бунда воқеаларни схематик равишда жуда қисқа баён этиб ўтдик.

Эрон халқи тарихидаги энг буюк инқилобий ҳаракатлчилари Хуросонга бориб етганида Баҳор маликушшуаролик унвони учун имтиҳонлардан эндигина ўтиб номи чиқиб келаётган ёш шоир эди.

Баҳор ўқиш давридаёқ шеърлар ёза бошлайди ва тез кунда халқ ичида танилган шоир бўлиб етишадди. Лекин Баҳор ҳақиқий шуҳратини 1906—1911 йилларда Эрон революцияси даврида, аниқроғи конституция учун кураш даврида топди.

Буюк тарихий ҳаракат таъсири натижасида революциягача асосан сарой адабиётидан иборат бўлган эрон адабиётида ҳам гражданлик оҳанглари жаранглай бошлади.

⁵ Масалан, Муҳаммад Саид Ўрдубадийнинг «Думанли Тавриз» романи, Русчаси М. С. Ордубади, Тавриз туманний, ч. I, Баку, 1958, ч. II, Баку, 1959; Панахи Макули, Саттархон (роман), китоби I, II, СП., М., 1963. Илмий ишлардан энг мукаммали совет олими Михаил Сергеевич Ивановнинг тадқиқотларидир. М. С. Иванов, Иранская революция 1905—1911 г., М., Изд-во ИМО, 1924.

Ҳаётида кўп қийинчиликлар кўриб, эрк ва озодлик ҳақида кўп ўйлаб, мулоҳаза юритиб келган Баҳор ўз ўрни инқилобчилар орасида эканини тез пайқаб олди ҳамда инқилобий ҳаракатда фаол қатнашди. У халқ ҳаётидан ажралиб қолган тор адабий муҳитни ташлаб ўз талантини революция ишига бағишлади. Шоирнинг руҳий ва ақлий ўзгариши унинг «Эронга худо ёрдир» деган машҳур асарида ифодасини топди.

Подшо билан эрк ҳақида сўз юритмоқ хатодир

Эрон ёри худодир.

Шоҳ мазҳаби бизниқидан бегонадир, жудодир

Эрон ёри худодир.

Шоҳ масту, мир масту, шайх масту, шаҳрнёр

кетдику қўлдан диёр.

Бундай расво мастликдан ҳар томонда ғавғодир

Эрон ёри худодир.

(40, 481).

Ушбу шеър тез орада кенг тарқалиб Баҳорга шуҳрат келтирган эди. Баҳор диний ғоялардан озод бўлиб, материалистик позицияга ўтиб олмаган бўлса-да, унинг ижодида феодал тузумига қарши кураш мотивлари пайдо бўла бошлагани кўринади, ана шундан бошлаб Баҳорнинг кўпгина қасида ва таснифлари халқ орасида кенг ёйилди. Бугина эмас шоирнинг ўзи ҳам инқилобий ҳаракатларда фаол қатнашади ва маҳаллий революцион комитетлардан бирининг аъзоси бўлиб сайланади. У бир гуруҳ ҳамфикрлари билан «Хуросон» номли яширин газета чиқаради. Газетанинг ношири «Раисаттолиб» («Студентлар раиси») деб имзо қўяр эди.

Эрон поэзиясида ўша вақтда энг кўп тарқалган жанрлардан бири «ватания» эди. Бу жанрда ёзилган шеърлар ўқувчида ватанпарварлик, халқпарварлик, инқилобий туйғуларни уйғотар эди. Баҳор «ватания» жанрининг илғор намоёндаларидан бири бўлиб қолади.

Баҳор фақат қалам билангина эмас, балки шахсан ўзи ҳам курашларда қатнашади. 1908 йилда Баҳор Закавказьенинг илғор фикрли кишилари билан боғлиқ бўлган «Саодат» деган яширин ташкилотнинг аъзоси эди. 1910 йилда эса машҳур инқилобчи Ҳайдархон Омуғли Машҳадда демократик партия комитетини тузади, Маликушшуаро ҳам бу партияга аъзо бўлиб киради ва унинг область комитети аъзолигига сайланади. У шу йилнинг ўзида «Нав Баҳор» газетасини чиқара бошлади. Аммо газета империалистларга қарши мақолалар босганлиги учун 1911 йилдаёқ чор Россиясининг Техрондаги элчи-

хонаси тазйиқи билан ёпилади, шундан кейин шоир Маш-ҳаддан чиқиб кетишга мажбур қилинади.

Йирик буржуазия вакиллари ва руҳонийлари шоҳ-нинг айрим ваъдаларига кўра, революцияга хиёнат қиладилар. Реакция ҳужумга ўтади. Демократик кучлар қувғинга учрайдилар. Прогрессив газета ва журналлар ёпилади. Демократик ёзувчи ва шоирларнинг кўпи зиндонларга солинади ёки бадарға қилинади. Чет эл империализмининг ёрдами билан революцион ҳаракат бостирилади.

Эронда 1905 — 1911 йиллардаги демократик ҳаракат маҳв бўлгач, биринчи жаҳон уруши даврида кўп шоир-лар довдираб қоладилар, ким билан бўлишларини бил-май, баъзилари панисломизмдан, баъзилари эса Кай-зер Германиясидан паноҳ изладилар. Худди ана шу пайтда Россиядан Улуғ Октябрь социалистик револю-цияси ҳақида хабарлар кела бошлайди. Германияни эрон халқига озодлик олиб берувчи куч деб тушунган ва германпарастлик руҳида бир неча шеърлар ёзган Баҳор буюк Октябрь ва Совет ҳукумати ҳақидаги хабар-ларни қандай кутиб олди? Кўп тадқиқотчилар бу ҳақда етарли маълумотлар сақланиб қолмаган дейдилар. Аммо шуни айтиш керакки, ўз халқининг озодлигини жон-дил-дан истаган шоир бундай революцияни шодлик билан кутиб олиши аниқ эди. Баҳор ижтимоий фаолиятидаги баъзи фактлар буни тасдиқлайди. Масалан, Баҳорнинг «Қожорлар сулоласининг инқироzi ё сиёсий партиялар-нинг қисқача тарихи» асарида Совет Россиясининг би-ринчи вакиллари Эронга келганида, ҳукумат уларга ту-зук қарамаганлигини ҳамда Баҳорнинг «Эрон» ҳамда — «Тоза баҳор» газеталарида Россия билан алоқа боғлаш-га чақирганлигини, вакилларга эҳтиром кўрсатганлиги-ни кўрсатувчи маълумотлар бор (68, 85-86).

Аммо Россиядаги буюк воқеалар ҳақида Эронга турли-туман чалкаш, кўпинча бир-бирига зид овозалар келар эди. Рус чоризмини ҳам, инглиз империализм-ини ҳам эрон халқининг жаллоди деб билган ва жонидан ёмон кўрган Баҳор бу овозаларга жуда эҳтиёткорлик билан қарайдики, бу табиий бир ҳол эди.

Лекин шунинг билан бирга, биз Баҳор фаолиятига чуқурроқ назар ташлар эканмиз, унинг яна руҳланиб кетганлигини ва сиёсий-журналистик фаолиятининг ак-тивлашиб кетганлиги, унинг бу воқеаларга, умуман, ижо-

бий қараганидан, ҳатто энг яқин қўшни мамлакатдаги буюк революцион ҳаракатдан ўз халқи билан бирга руҳланган деган хулосага ҳам келишимиз мумкин. Баҳор нечоғлик эҳтиёткорлик қилмасин, тез орада Улуғ Октябрь революцияси меваларидан эрон халқи ҳам баҳраманд бўлди.

1919 йил 9 августда бош министр Восиқуддовла мажлиснинг ижозатисиз Англия билан шартнома тузди. Бу шартнома Эронни батамом инглизлар қўлига топшириб қўяр эди. Шартномага биноан, инглизлар Эрон ҳисобидан Эроннинг ҳамма давлат ва саноат муассасаларига ўз маъмурларини юбориш ҳуқуқини олган, армияга ўз офицерларини юборган Эрондаги бутун молия ишлари устидан ўз маъмурлари назорат қилиши кўзда тутилган, Эронда темир йўллар қуриш, таможня ишларини ҳам ўз қўлларига олган эдилар. В. И. Ленин бу аҳволни бир жумла билан жуда аниқ қилиб «Англия Эронни олиб қўйди» (83, 474) деган эди.

Эрон халқи бошига инглизлар шундай кулфатлар солиб турган бир пайтда, Советлар Россияси бутунлай янгича, давлатлар тарихида ҳали кўрилмаган қўшничилик алоқаларини бошлаб юборди. Бу икки хил муносабатнинг оқибатини амалда кўрган Эрон прогрессив жамоат арбоблари ва илғор фикрли газеталар инглиз шартномасига қарши чиқдилар. Совет Иттифоқи ҳам бу шартномага қарши норозилик билдирди. Эрон халқига шартноманинг ҳақиқий моҳияти тушунтириб берилди (104, 67—71). Совет давлатининг Эронга нисбатан юрита бошлаган сиёсати таъсирида 1919 йил инглиз шартномаси барбод бўлди ва Эрон Англия асоратидан қутулиб қолди.

Совет давлати 1921 йилда имзолаган шартномага биноан, Эроннинг чор Россиясидан бўлган бутун қарзларини кечиб юборди. Россияга қарашли Шимолий Эрон территориясидаги темир йўллар, тош йўллар, телеграф-алоқа воситалари, Каспийнинг жанубидаги Энзели порти ва бошқаларни эрон халқига қайтариб берди (104, 74-79).

Эрон халқининг озодлик учун курашган жамоат арбоблари, шоир ва журналистлари энди эски Россия билан революцион янги Россия орасидаги фарқни тушуна бошладилар. Улар ўз асарларида янги Россия ҳақида, революция доҳийси В. И. Ленин ҳақида фикрлар айта

бошладилар. Масалан, шу даврда Эрон демократик ҳаракатининг фаол қатнашчиларидан шоир Ориф Қазвиний ўз шеърларидан бирида В. И. Ленинни «Раҳмат фариштаси», большевикларни «Нажот йўлининг ҳизри» деб атайди ва халқни уларга эргашишга чақиради:

Золимлик йўқолсин десанг дунёдан,
Ҳеч қолмасин десанг жаҳолатдан из,
Янги замон Ҳизри кетидан эргаш,
Қўлида ярқирар, эрк сочар юлдуз.
Раҳмат фариштаси меҳрибон Ленин,
Кел, шаҳар қишлоғим кутади сени.
Кўз қорачиғини айлай маконинг,
Сиеқинг абадий қалбимда менинг.

Эроннинг забардаст шоирларидан яна бири Воҳид Дастгардий ҳам рус революциясини аср бошланиши сифатида табриклайди ва бу асрни бошлаб берган, зулмни таг-томири билан қўпориб ташлаган В. И. Ленинга мадҳиялар ўқийди.

Яна бир шоир Мирзо Муҳсин Дастгардий эса «Конституция ойнаси» номли дoston ёзиб, унда В. И. Ленинга бағишланган жўшқин мисраларда доҳийнинг улуғвор ишларини таърифлаб беришга интилди.

Бу даврда Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш таъсири ҳақида кўп бадий асарлар ёзилди. Унинг таъсир кучи Эрон учун ҳали ҳам каттадир. 1965 йилда «Дунё» журналида Мирза Аҳмад Деҳқон Қирмоний 1300 йил мезон (1921 сентябрь)да ёзилган «Хуросон халқ кўзғолонига Эрон Шарқи ҳадяси» номли мухаммас қасидасини таҳлил қилган. Абдул Ҳусейн Огаҳийнинг «Хуросон миллий кўзғолони ва унга Октябр инқилоби таъсири мадҳидаги бир қасида» деган мақоласини босган. Шеър ва унга бағишланган мақоладан бу даврда Эроннинг илғор ватанпарвар ва тараққийпарвар кучлари буюк Октябр революциясининг прогрессив таъсирини тўғри ҳис этиб, уни кўтаринки руҳ билан васф этганлари яққол кўриниб турибди (114, 74-80).

Баҳор илғари чор Россиясига қарши бир неча шеърлар ёзган, уларда эрон халқи миллий озодлик ҳаракати жаллодларидан бири рус чоризмини қоралаган эди.

У «Рус тўпи» шеърида ўз ҳукуматига норозилик билдириб, масжидга кириб ўтирган қуролсиз халқни ёш болалар ва аёллар аралаш тўпга тутган чор жандармчи казакларига қарши ғазабли мисралар айтган эди. (38, 299). Совет халқининг эрон халқига нисбатан хо-

лис ниятларини сеза билган Баҳор чоризмнинг тахтдан ағдарилишини қувонч билан кутиб олади. У ўзининг «Подшоҳнинг ўлими» қасидасини «Хомуш бўлма бу кун, келди баҳор, баҳор!» деган хитоб билан бошлайди. Бунда шоир рус ерларига баҳор келганига, золим Николайнинг тахти қулаганига ўзининг шодлик ҳиссиётларини изҳор қилади ва кимки халққа зулм қилса, оқибат халқ нафратига учраб Николай подшоҳ тушган кунга тушади, дейди (38, 298-300).

Маликушшуаро Баҳор «Эронда сиёсий партияларнинг қисқача тарихи» китобида русларнинг софдиллиги ва тўғрилиги ҳақида шундай дейди: Мен руслардан кўра самимийроқ, дўстона кишиларни ҳеч учратмаган эдим. Тўғрисини айтсам, рус кишилари кўринишда бир оз дағалроқ кўринсалар-да, аммо уларга адолат билан қаралса, яхшилик, очиқ кўнгиллик, самимийлик ва инсоний дўстликда уларнинг тенги йўқ». Октябрь революцияси ҳақида ҳам биз бу китобда қуйидаги сатрларни учратамиз: «Россияда революция бўлди. Чор солдатлари Эрондан чиқиб кетдилар ва Эронда озодлик учун курашчилар биродарига айландилар. Бир куни шоҳ масжидига демократлар йиғилди. Мен демократик партия маҳаллий комитети топшириғига мувофиқ, уларга нутқ билан мурожаат қилдим. У нутқимда шундай бир мисол келтирдим. Бир кишининг бўйнига икки душман арқон ташлади. Ҳар қайсиси арқонни ўз тарафига тортди ва бечорани бўғиб ташлашга ҳаракат қилди. Шунда бири арқонни қўйиб юбориб: «Эй маъсум, биз сен билан биродармиз»,— деди. Шундай қилиб, бечора ўлимдан қутулиб қолади. Бизнинг бўйнимиздан сиртмоқни олган киши бўлса, у — Ленин» (14, 27).

Бундан кўриниб турибдики, Эрон демократлари Октябрь революциясини, унинг доҳийси В. И. Ленин ва у тузган Советлар давлатини қутлаб қарши олганлар. Улар энди Совет Россияси эски чор Россиясидан тамом бошқа, у мазлум Эроннинг нажоткори эканлигини тушунганлар ва буни омма орасида тарғиб-ташвиқ ҳам қилганлар.

Бундай тарғибот ишларида Маликушшуаро Баҳор тингловчи эмас, қизғин нотик сифатида актив қатнашганлиги ҳам юқорида келтирилган парчадан кўриниб турибди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин эрон халқининг озодлик учун курашида янги давр бошланди. Бу даврда маликушшуаро Баҳор ҳам ўз сиёсий фаолиятини қизитиб юборди. Тақиқланган газетасини қайтадан нашр эта бошлади. Газета саҳифаларида инглиз империалистларига ва ўз ватанини уларнинг оёғи остига ташлаб қўйган сотқин сиёсатчиларга қарши мақолалар, шеърлар билан чиқди. Бунинг натижасида газета яна ёпилди. Бунда жавобан Баҳор:

Токи Рей устида жавлонман,
Шикастаю ғамгину нолонман...

(38, 304)

деб бошланувчи машхур қасидасини ёзди. Инглиз империалистларига қарши ўткир тил билан ёзилган, ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган бу асар эрон халқининг энг севимли шеърларидан бири бўлиб қолди. Бу шеър сўнгги йилларда «Паёми нав» журналининг 1947 йил 11—12 сонида қайта босилиб чиқди.

1918—19 йилларда Баҳор «Донешкаде» («Билимхона») номли тарихий адабий журнал нашр қилди.

Журнал 1915 йилда пайдо бўлган «Донешкаде» адабий анжуман органи эди. Бу анжуманда ўша даврда ўз ижодини инқилобга бағишлаган, кейинчалик катта ёзувчи, олим бўлиб танилган кишилардан Аббос Иқбол Оштиёний, Саид Нафисий, Рашид Ёсимий кабилар иштирок этишар эди. Мазкур жамият адабиётни янгилаш, уни халққа яқинлаштириш, адабиётда гражданлик мотивларини ривожлантириш, мазмун ва шаклга янгилликлар киритишда катта роль ўйнади. Жамият аъзолари ва умуман «Донишкаде» журнали содда ва аниқ халқ тили учун, реализм учун курашди. Журналнинг биринчи сони 1918 йил апрелида чиқди. Унга Баҳор томонидан ёзилган сўз боши **مدلوله** (Бизнинг мақсад) деб аталар эди. Унда автор дунёда ҳамма нарсa ўзгарувчанлигини таъкидлаб, адабиёт ҳам ўзгаради деб кўрсатади ва асосий мақсад — янгиланиш. Аммо анъанага таяниб, классиклар ишлаб чиққан услубга асосланиб, янги давр талаблари ва форс тили хусусиятларини ҳисобга олиб, янги усул ва услублар, янги йўналишлар ишлаб чиқиш вазифасини қўяди (4, 1-7). Журналда классиклар асаридан намуналар, янги шеър ва ҳикоялар, адабиёт-

шуносларнинг тадқиқотлари ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан таржималар чиқиб туради.

Бироқ 1920—21 йилларда Баҳор ижодида яна бир адашиш рўй беради. У ўз идеали — эрон халқининг озодлиги учун курашдан қайтгандек бўлади. Бу йилларда Баҳор Эронда бирдан-бир ёпилмай қолган газета, ҳукуматнинг расмий органи — «Эрон» газетаси редакциясида бошлиқ бўлиб ишлаб, инглизпараст Восиқуддавлани мақтаб шеърлар ёзади. Кейинчалик бу ишидан ўзи ҳам ор қилади. Бу даврдаги шеърларини девонига ҳам киритмайди. Унинг ҳоким синфлар билан



Маликушшуаро Баҳор ва унинг сафдошлари: А. Деҳхудо, ҳинд адабиётшуноси Муҳаммад Исҳоқ ва С. Нафисий.

келишуви, илгариги хатолари билан узвий боғланган эди. Баҳор озодлик учун курашга эрон халқи қобил эканлигига ишончини йўқотади. У эрон халқининг қатор революцион ҳаракатида етакчи кучни кўролмасдан, умидсизликка тушади ва курашдан тўхтади.

Баҳорнинг 1920—21 йиллардаги ижоди ўз халқиға ишончсизлик ва чуқур умидсизлик туйғулари билан тўла. Бу эса шоирнинг катта руҳий кечинмаларидан, чуқур изланишларидан дарак берарди. Бундай пессимизм форма жиҳатдан моҳирона ёзилган «Демовандия»

номли асарида ҳам якқол сезилиб туради. Унда Демованд тоғидан отилиб чиққан вулқонга мурожаат этиб, Эрондаги фосид жамиятни, алдов ва адолатсизликка қурилган давлатни, ҳатто, бутун тирик жонни куйдириб нобуд қилишни орзу қилади ва шундай мудҳиш воқеа тасвирини чизиб беради.

1921 йил Эрон парламентининг қўйи палатаси — мажлисга сайловлар даврида Баҳор ҳам депутат қилиб сайланди ва ўзининг «Навбаҳор» газетасини чиқара бошлади, аммо тез кунда бу газета яна тақиқланди.

Реакция кучлари қайтадан Баҳорга ҳужум бошлайдилар. Озодлик учун курашган ҳар бир киши қувғин ва қийноқларга дучор қилинган даврда Маликушшуаро Баҳор ҳам таъқиб этилди ва қамоқларда ўтирди, Баҳорга суиқасд уюштирилди. Барча эрон тарихчилари ва адабиётчилари Маликушшуаро мажлис биносига кириб кетаётганида унга ўқ узилганлигини, лекин Баҳор деб ўйлаганлари бошқа киши — Воиз Қазвиний бўлиб чиққанлигини ёздилар.

Аммо Воиз Қазвинийнинг ўзи ҳам инқилобчи шоир бўлган, у «Насиҳат» деган газета нашр қилган. Бу газета Эронда энди уюшиб келаётган компартия органи эди. Газета Ризо Шоҳга қарши ўткир мақолалар билан чиқар, Лохутий шеърларини босар эди. Ризо Шоҳ газетани ёпишга буйруқ берган. Воиз Қазвиний мажлисга шикоят қилиб, газетани қайта очиш учун кетаётган эди. Шунинг учун баъзилар Баҳор ўрнига янглишиб Воизнинг отилганлигига эътироз билдирадилар.

Жоланинг ёзишича, бу вақтда полиция қўлига ўлдирилиши керак кишилар рўйхати берилган экан. Уша рўйхатда Баҳорнинг ҳам, Воизнинг ҳам номлари бўлган⁶. Воиз Қазвиний мажлис биносига кириб кетаётганида отиб ўлдирилган, сўнг калласи узиб олинган. Баҳор эса суиқасддан четда қолган, аммо уни зиндонга ташлайдилар. Баҳор IV ва V чақириқ мажлисларга депутат қилиб сайланган эди. У мажлис ваколоти тугаши биланоқ қамоққа олинди. Шундай бўлса-да, уни яна VI мажлисга ҳам сайлашди.

1921 йил Совет давлати билан Эрон ҳукумати ўртасида дипломатик алоқа тикланганидан кейин, Баҳор

⁶ Жолабаде, Малек-ош-шоара Бахар, Жизнь и поэтическое творчество, кандидатская диссертация, стр. 100.

Совет Республикалари ҳаётига қизиқиб, уни синчиклаб ўрганиш натижасида бир қанча мақолалар ёзди.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Баҳор сиёсий фаолиятдан четлашиб, илмий ишларни давом эттирди, Техрон университетида ишлади. «Сеистон тарихи» китобини нашр этди ва бир қанча дарсликлар ёзди. Унинг уч томлик «Сабкшуносӣ» (Стилистика) номли асари машҳурдир. Бу асарда бир қатор чалкашликлар бўлишига қарамай, унда кўп масалалар тўғри, илмий жиҳатдан объектив ҳал қилиб берилган, форс тили ва адабиётига оид жуда кўп муҳим ҳужжатлар тўпланган.

Бундан ташқари, Баҳор хотин-қизларни озод қилиш ва бошқа шунга ўхшаш мавзуларда ҳам шеърлар ёзди, таржимонлик билан шуғулланди. Жумладан, бу даврда у А. С. Пушкиннинг «Ҳайкал» шеърини форс тилига таржима қилди. Шуни қайд қилиб ўтиш зарурки, бу шеърнинг форс тилида уч-тўрт хил таржимаси босилган, аммо мутахассисларнинг фикрича, энг яхши таржима Маликушшуаро Баҳорники ҳисобланади. (108).

Бу даврда Баҳор Эрон маданияти тарихида шоир сифатида эмас, катта тадқиқотчи олим ва педагог сифатида йирик бир сиймо бўлиб кўзга ташланиб турадики, биз бу ҳақда кейинроқ сўзлаймиз.

Иккинчи жаҳон урушида совет халқи бошлиқ жаҳон демократик кучларининг фашизм устидан ғолиб чиқиши бутун дунёда демократик ҳаракатнинг кучайиб кетишига сабаб бўлди. Эрон халқининг озодлик учун курашида ҳам янги давр бошланди. Мамлакатда революцион ҳаракат кучайди, сиёсий маҳбусларга умумий афв берилди, профсоюз ва сиёсий партиялар қувғинликдан чиқдилар.

Кўпдан бери адабий-сиёсий фаолиятни тўхтатган Баҳор энди бу даврда жим туролмади. У яна мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнаша бошлади. Қожорлар сулоласининг тугатилишига бағишлаб бир қатор мақолалар ёзди. Бу мақолалар кейинчалик «Қожорлар сулоласининг инқирози ё сиёсий партияларнинг қисқача тарихи» номли китоб бўлиб босилиб чиқди.

Баҳор бу вақтда ўзининг «Навбаҳор» газетасини қайтадан нашр эта бошлади. «Фақат биргина йўл» деган умумий сарлавҳа остида бир қанча мақолалар босиб чиқарди. Бу мақолалар Баҳорнинг аста-секин изчил

революцион йўлни эгаллай бошлаганидан далолат қилади. Совет тузумининг ҳаётийлигини кўрган, совет демократияси билан янада чуқурроқ танишган шоир капиталистик тузумни емириб ташлаш лозимлигини, кишилик тараққиёти учун бирдан-бир тўғри йўл социалистик тараққиёт йўли эканлигини, ҳеч қандай учинчи йўлнинг бўлиши мумкин эмаслигини тушунади ва бу фикрни газета саҳифаларида тарғиб қилади.

Баҳор 1942 йилда тузилган СССР билан Эрон маданий алоқа жамиятининг ташкилотчиларидан бири эди. У бу жамиятда адабиёт бўлимини бошқаради ва жуда катта ишлар олиб боради. У рус поэзиясидан таржималар қилади, рус ва совет адабиёти дурдоналарини эрон халқига етказишга интилади, рус адабиёти ва маданияти ҳақида мақолалар ёзади, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳақида, В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳамда Совет мамлакати ҳақида докладлар қилади, мақолалар ёзади. Баҳор энди бу доклад ва мақолаларида улуғ Ленин ғояларини чуқурроқ тушуниб етишга, эрон халқи орасида тарғиб қилишга интилади. Масалан, Баҳорнинг «Паёми нав» журналининг иккинчи давра учинчи сониди «Улуғ Ленин» сарлавҳаси билан босилган мақоласини олиб кўрайлик (119, 1-17). Бу мақолада у В. И. Лениннинг мислсиз тарихий хизматларини кўрсатиб беради, Ленинни Маркс таълимотини энг яхши билган олим ва уни давом эттирган шогирд, марксизмни усталик ва тезлик билан амалда қўллаган революционер сифатида таърифлайди. Шунингдек, у В. И. Лениннинг дунёда энг демократик давлат формаси — советларни кашф этганлигини таъкидлайди.

Шуниси диққатга сазоворки, Совет давлати ҳақида ва умуман давлатни меҳнаткашларнинг кенг оммаси ўз қўлларига олиши ҳақида гапирар экан, Баҳорнинг ўзи бунда бетараф бўлиб қолмайди, балки Лениннинг ижтимоий ва сиёсий революцион таълимоти тўғри эканлигини таъкидлаб боради.

Бу мақолада Баҳорнинг марксизм-ленинизм назариясидан ҳам дурустгина хабардор эканлиги кўзга ташланиб туради. Шуниси диққатга сазоворки, у Ленин ҳақида гапирар экан. «Ленинизм бизга таълим берадики» деган жумлаларни ишлатади ва ўзини ҳам ленинизм таълимоти тарафдорлари сафида ҳисоблайди. Масалан,

мазкур журналнинг 12-бетида: «Ленинизм бизга таълим берадики, революцияни мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришнинг асосий масаласи ҳамон давлатнинг куч-қудрати масаласидир»,— дейди.

Баҳор эндиликда халқ оммасининг куч-қудратига ишонади, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги, тинчлик ва демократия учун олиб бораётган курашида ленинизм таълимотига, халқ оммасига таянади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи ҳаётини чуқурроқ ўрганиш натижасида Баҳор ленинизм таълимотининг моҳиятини тушунди, Ленин ғоялари эса унинг эрон халқи ҳаётига яқинлашишига катта ёрдам берди, унинг бадий ижодига ҳам катта таъсир кўрсатди ва унда халқчиллик элементларини кучайтирди.

Энди Баҳор тарихни ҳаракатга келтирувчи фақат халқ эканига тўла ишонч ҳосил қилди ва қаттиқ бетоблигига қарамай, демократия учун кураш фаолиятини яна қиздириб юборди ва умрининг охирига нафасигача ҳеч толмади.

Баҳорнинг Совет Иттифоқига сафари унинг дунёқарашидаги аста-секин юз бераётган ўзгаришларни янада мустаҳкамлаган, иккиланишларга чек қўйган эди.

1945 йилда Баҳор бир гуруҳ Эрон олимлари билан совет Озарбайжонининг 25 йиллигини нишонлаш байрамида қатнашади. Совет халқлари ҳаётини ўз кўзи билан кўрар экан, у кўп нарсага қойил қолади, хурсанд бўлади.

Совет Иттифоқидан катта таассуротлар билан она юртига қайтиб келган шоир совет халқлари ютуқларини пропаганда қила бошлайди. У ўзининг жўшқин ҳистуйғуларини шеърда ифода этибгина қолмай, балки бундай оламшумул ғалабалар сирини бошқаларга ҳам тушунтиришга ҳаракат қилади ва бу хусусда бир неча докладлар қилади, журналларда мақолалари босилади.

Шундай мақолалардан бирида Баҳор: «Энди мен эски жамият билан эски тартиблар билан, ҳаётдан ажралган ва узоқлашган ҳолда, умидсизлик ғоялари билан сугорилган ҳолда, қўшнилarga душманлик ҳислари билан яшамоқ мумкин эмаслиги ҳақидаги буюк ҳақиқатни англадим»,— деб ёзган эди (118, 26).

Баҳор Эрон ҳукумати ва эрон халқига Эроннинг энг яқин қўшниси ва беғараз дўсти Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни кучайтириш ҳақида уқтириб, шундай деган

эди: «Биз қўшниларимиз билан бузилмас дўстлик алоқаларини ўрнатишимиз, бир-биримизни яхши билишимиз лозим. Биз бир қатор воқеалар натижасида яхши қўшничилик алоқаларига эга бўлмай, кўп вақтлардан бери ўзимизни ундан узоқ тутган, унга ишончсизлик ва эҳтиёткорлик ҳисси билан қараган шимолий қўшнимиз бизнинг асосий қўшнимиздир» (118, 26).

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари танлаб олган йўлнинг ҳаққонийлигига ишонган, совет кишиларининг меҳнат самараларини кўрган Баҳор совет халқининг йўли кишиликнинг фақат тараққиёт йўли эканлигини чуқур тушуна олди. Шунинг учун ҳам у илмий башорат билан: «Жаҳон урушида асосий зарбани ўз зиммасига олган, уруш келтирган бутун вайронгарчилик ва зарарга қарамасдан, санъат, адабиёт ва музика тараққиёти йўлида шундай кўп иш қилаётган бу мамлакатнинг нечоғлик тараққий этиб кетишини энди сиз ўзингиз тасаввур эта оласиз.

Совет Иттифоқи ҳеч бўлмаганда бир неча йил урушдан дам олиб, тинч қурилиш билан шуғуллана олса, у иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳасида тўла гуллаб-яшнашга эришади. Унинг ютуқлари ажойиб бўлади.

Бу мамлакатда санъатнинг келажаги ҳақиқатан ҳам улугвор эканлигига яна бир марта ишончимиз ортади. Бу мамлакат башариятнинг ифтихори бўлган улкан санъаткорларни етказиб берди ва ҳали яна кўп етиштиражак» — деган эди (117).

Совет Иттифоқининг атомдан тинчлик мақсадларида фойдаланиши, космосни забт этишдаги буюк илмий ютуқлари ҳам бутун дунёда тинчликни сақлаш, сиёсат, санъат ва адабиёт соҳасидаги ютуқлари ҳам юқоридаги сўзларнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатади.

Тинчлик ишининг ғалабасига ишонган шоир ўз ўлиmidан бир неча кун илгари: «Қимматли дўстларим, менинг касалим тузалмаётир, аммо тинчлик ишининг енгиб чиқишига бўлган ишончим кундан-кунга ошиб бормоқда, гарчи мен орангизда бўлмасам-да, сиз, албатта, тинчликнинг уруш устидан тўла ғалабасини байрам қилажаксиз», — (136) деб ёзди.

Унинг инсоният истиқболига комил ишонч билан айтилган бу оптимистик мисралари «Боку ҳадяси» шеърисидаги Совет Иттифоқининг ҳаёт йўли оқибатда бу-

тун дунё меҳнаткашлари борадиган йўл эканлиги ҳақидаги мисралар билан чоғиштириб кўрилса, Баҳор учун тинчлик социализм йўли демак экани яққол бўлиб қолади.

Ўзининг воқеаларга бой жўшқин ҳаётида ўз халқи учун тараққиёт йўлини излаган шоир умрининг охирида:

«Ҳаётимнинг қирқ йили ижтимоий-сиёсий ва адабиёт соҳасидаги фаолиятда ўтди. Менинг фикр-ўйларим ҳамма вақт эрон халқининг маданияти ва бахти учун хизмат қилишга йўналган эди. Баъзан хатоларга йўл қўйган бўлсам-да, мен уни ўз ихтиёрим билан қилганим йўқ, деб ёзади, (117, 26).

Озодлик бахт йўлини ҳам, ўз халқининг энг яхши дўстини ҳам шоир умрининг охирида топди.

Аммо ўлим уни тез орада ҳаётдан олиб кетди. Баҳор ҳаётининг сўнгги йилларини синчиклаб ўрганар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Баҳорнинг сўнгги даврдаги ижодида тинчлик, социализм темаси, Совет Иттифоқи халқлари ҳаёти, иқтисод ва маданияти, Совет давлатининг меъмори улуғ Ленин ҳаёти мавзулари салмоқли ўринни эгаллайди.

Бу ҳол тасодифий ёки ўткинчи бир таассурот мевалари эмас, балки курашларда тобланган, катта бир умрнинг ҳаётий хулосаси, унинг якуни эди.

1951 йил 21 апрелда маликушшуаро Баҳор вафот этди. Бу эрон халқи, эрон адабиёти учун катта йўқотиш эди. Улкан шоир ва жамоат арбобини дафн этиш маросими катта халқ намоишига айланиб кетди.

«Ковиён» журнали 1951 йил 25 апрель сониди: «Баҳорнинг орзу умидлари амалга ошади, унинг муборак номи халқ юрагида абадий яшайди, унинг хизматларини халқ ҳеч қачон унутмайди, унинг хотирасини қаҳрамон шоир ва курашчи сифатида ҳурматлаш вақти келди» (115),— деб ёзади.

Баҳор ўлиmidан кейинги ўтган йиллар бу сўзларнинг ҳақиқат эканлигига шоҳидлик қила олади. Энди унинг асарлари нашр этилмоқда, шоир ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, китоблар ёзилмоқда. Ҳар йили Маликушшуаро Баҳорга бағишланган кечалар уюштирилмоқда. Асарлари бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилмоқда ва жаҳон прогрессив жамоатчилиги тарафидан қадрланиб мутолаа қилинмоқда.

1957 йил январиди чет эллар билан дўстлик жамия-

ти мажлисида совет олими Б. Н. Заходер Баҳор туғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан доклад қилди. Баҳор вафотининг 10 йиллиги 1961 йилда Совет Иттифоқида ҳам нишонланди.

Баҳорнинг жасади ўзининг илтимосига биноан Техрон шимолидаги тоғлар этагида жойлашган дарвешлар қабристониغا қўйилган. Бу ерда тасаввуф шоирлари билан бирга Ирож Мирзо, Рашид Ёсимий каби Баҳор замондошлари ҳоки ҳам бор.

Баҳорнинг мозори устига катта айвонли мармар мақбара қурилган. Мақбара пештоқига шоирнинг қуйидаги рубойиси ёзилган:

Ўзгалар деб умр сўнгига етдик,
Халқ чуқур уйқуда биз ташвиш этдик.
Нигорон кўз билан охир Ватанни
Олди-қочдиларга топшириб кетдик.

БАҲОР — ОЛИМ

1918—1921 йилларда Эронда инқилобий ҳаракат ривожланиб кетганлиги, унда Маликушшуаро Баҳорнинг ҳам фаол қатнашганлигини юқорида айтган эдик.

Аммо бу ҳаракат ҳам Баҳор кутган натижаларни бермагач, ўзининг майда буржуа дунёқараши сабабли шоирда яна иккиланиш ва чекинишлар бошланди.

Бу ўй-фикрлар Баҳорни энг севимли машғулоти — шеъриятдан ҳам бир оз бўлса-да совушга олиб келди. Шеър унинг учун кураш қуроли эди. Демак, Баҳор курашдан бир оз воз кечгандек бўлди. Шеър мулкини ҳақиқий шоир юрагидан ажратиб олиб бўлмаганидек Маликушшуаро ҳам тамоман шеърдан воз кечмади, аммо 1920 йиллардан кейин у кўпроқ илмий ишга берилди.

Ана шу даврда Эрондаги тараққийпарвар кишиларнинг кўпи тарих билан шуғулланганликларини кўрамыз. Масалан, Али Акбар Деҳхудо, Саид Нафисий, Рашид Ёсимий каби кўп ёзувчи ва шоирлар форс адабиёти тарихини ўрганишда катта ва муҳим ишлар қилишди. Баҳор сарой ходимларидан бирининг ёнига келиб, унинг сарой билан ҳамкорлик қилишга чақирганлиги ҳақида ёзади. Аммо у сиёсий ҳаётдан бир оз четлашиб, 1924 йилдан бошлаб илмий иш билан шуғуллана бошлайди.

Муҳаммад Тағи Баҳор эрон тарихи ва эрон адабиёти тарихини чуқур ўрганишга киришади. Техрон университетида мударрислик қилади ва бир қанча муҳим илмий асарлар ёзади. Баҳор، تاریخ مختصر احزاب سیاسی،

انقرض قاجاریه، جلد اول، تهران، ۱۳۲۳

«Қожорлар сулоласининг инқирози ё Эронда сиёсий партияларнинг қисқача тарихи» асари, уч жилдлик

سبکشناسی یا تاریخ تطور نشر فارسی

«Услугушнослик ё форс насрининг тараққиёти тари-

хи», سبکشناسی یا تاریخ تطور شعر فارسی

«Услугушнослик ё форс назмининг тараққиёти тарихи» каби айрим катта тадқиқотлари билан бирга форс адабиёти, форс тили, эрон тарихи, эрон маданияти, фалсафа тарихи, диний мазҳаблар тарихи ва бошқа соҳаларда ёзилган юзлаб мақолалар Маликушшуаро Баҳор қаламига мансубдир.

Бундан ташқари, Баҳор Муҳаммад Авфийнинг جوامع الحکایات (Ҳикоялар тўплами), муаллифи номаълум бўлган تاریخ سیستان (Сеистон тарихи) китоблари каби жуда муҳим адабий ва тарихий ёдгорликларни босмага тайёрлаб, нашр эттирди.

Баҳор илмий асарларининг кўпчилиги айрим журнал ва тўпламларда сочилганлигидан уларнинг тўлиқ рўйхати ҳам тузилган эмас. Аҳмад Никуҳимматнинг «Баҳорнинг ҳаёти ва асарлари» деган китобидаги рўйхат ҳам тўлиқ эмас.

Баҳорнинг қизи Моҳ Малик хоним ва куёви шоир Яздонбахш Қаҳрамон Баҳорнинг мақола ва бошқа кичик илмий асарларини тўплаб, китоб холига келтирганлари бизга маълум, аммо бу асар ҳали нашр этилгани йўқ.

Ушбу китобчада бизга маълум асарлар асосида Баҳорнинг илмий фаолиятидан маълумот берамиз ва унинг эрон филологияси соҳасида қилган хизматларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз¹.

Баҳор ҳаётининг сўнгги йилларида Эронда яшаган энг йирик тилшунос ва адабиётшунос олимлар орасидан жой олади. Унинг энг машҳур ва юксак баҳо олган асари уч жилдлик سبکشناسی («Услугушнослик») асаридир.

Баҳор биографларидан бири Никуҳимматнинг кўрсатишича, Муҳаммад Тағи Баҳор бу асарини 1934 — 1941 йиллар давомида 7 йил ёзган. Баҳор форс адабиётининг қадимги давларидан то ўз давригача бўлган ҳужжатларни тўплаб, бу китобни ёзган. Баҳорнинг ўзи ушбу китоб «форс тили ва адабиёти соҳасида олиб борган 30 йиллик меҳнати натижаси» эканлигини кўрсатади.

¹ Китоб охирида ҳозирча мумкин бўлгани қадар Баҳор асарлари рўйхати келтирилади.

Китоб муқаддимасида Баҳор бу асарни ҳаётининг энг қийин йилларида, қамоқ ва сургун йилларида ёзганини, ўзи учун бирор моддий манфаат кўзламай фақат форс тили ва адабиётига бўлган муҳаббати туфайлигина ёзганлиги ҳақида гапирди.

Совет эроншунос олими профессор Л. С. Пейсиков бу китобга: «Тўла ишонч билан эрон филологиясидан ёзилган энг яхши китоблар қаторига қўйиш мумкин» (67, 15),— деб жуда юксак баҳо беради.

М. Баҳор «Услубшунослик» асарини университет студентлари ва муаллимлари учун қўлланма сифатида нашр эттирди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунгача эрон университетларининг филология факультетларида «Услубшунослик» дарси ўқитилади. Баҳорнинг бу асари Эронда янги услубшунослик фанининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шунинг учун Баҳорни Эронда услубшунослик фанининг асосчиси деса бўлади.

Баҳордан кейин Эронда бу соҳа айрим фан даражасига кўтарилди ва бир қанча асарлар ёзилди².

Баҳор бу китобида Эроннинг энг қадимги тарихий ва адабий ёдгорликларини, айниқса, ислом давридаги ёдгорликларни муқояса қилиб, форсий тилнинг наср услубидаги ўзгаришларини ўрганади.

Баҳор аввало **سبك** услуб (арабча сабк) сўзининг луғавий маъносини тушунтиришдан бошлар экан, бу фаннинг то шу вақтгача эрон адабиётшунослигида бўлмаганлиги, баъзи тазкираларда умумий гапларгина айтилганлигини ёзади ва «сабк» сўзи — араб тилида олтин ёки кумушни эритиб қуйиш маъносига эга эканлиги, аммо кейинги вақтда бу сўзни мажозан адабиётда торз ёки йўл маъносида, яъни араб тилида юнонлардан олинган *Stylus* — стиль маъносида ишлата бошлаганларига тўхталади (28, ج)

Баҳор услубшуносликнинг муҳим аҳамиятини айрим таъкидлайди ва бу фанни ўрганувчилар форс насри устодларининг китоблари билан, эрон тарихи, унинг ма-

² Шулар жумласидан Техрон университетида чиққан تاريخ

تطور نثر فنى، قرون ششمه و هفتم هجرى، تاليف
دکتر حسين خطيبى، تهران، ۱۳۴۴
номлиқизиқарли китобни эслаб ўтиш мумкин.

данияти билан, тил ва шевалар, хат ва ёзувлар билан танишади, ўтмиш ва ҳозирги воқеалар, жараёнлар орасидаги муносабатларни тушуна боради ва турли давр услубларининг фарқига фаҳми етадиган бўлади.

Шундай қилиб, бу асарда Баҳор жуда кенг ва эрон филологиясининг турли соҳаларини қамраб оладиган вазифаларни кўяди.

Европа ва Шарқда эрон адабиёти ёдгорликларини ўрганишдаги ютуқларга таяниб ва биринчи манбалар асосида кенг кўламда ёзилган муҳим тадқиқот бўлиб, унда автор 1 — 2 бобларда дарий ёки форсий тилидан аввалги тиллар қадим форс тили ва паҳлавий тиллари ҳақида фикр юритади, учинчи бобдан бошлаб ҳозирги замон форс тили ёки дарий тили ҳақидаги тадқиқотини бошлаб, минг йил давомида дарий тилида яратилган насрий асарларнинг таҳлили, улар услубининг тарихий ўзгариши ҳақида сўз юритади. Бу даврни Баҳор 6 бўлимга бўлади: 1) сомонийлар даври; 2) ғазнавийлар ва аввалги салжуқлар даври; 3) иккинчи салжуқлар даври (36, 69-73); 4) Ироқ услуби ва наср тараққиёти (XIII — XVIII асрлар); 5) Бозгашт даври (XVIII — XIX асрлар); 6) ҳозирги давр. Маликушшуаро Баҳор аввало жаҳонга машҳур бўлиб, дунё бадий фикр хазинасига муносиб ҳисса қўша олган форс адабиёти тили — дарий тилининг ғарбий эронликлар эмас, шарқий эронликлар яшаган жойларда келиб чиққанлиги ва аввал Ўрта Осиёда (Бухоро), Хуросонда тараққий этиб, адабий тил даражасига кўтарилиб, сўнгроқ жанубий ва ғарбий районларга тарқалганлигини эътироф қилади (28, 19-20).

Баҳор услубшуносликка таъриф берар экан: «Услуб адабий истилоҳотда фикрни жумлалар таркиби билан идрок қилишнинг хос усулидан иборат. Бу ўз навбатида муаллифнинг фикрлаш тарзи билан боғлиқ,— дейди ва давом этиб,— фикр ва шакл ёки мазмун бирлиги услуб асосини ташкил қилишлиги»ни кўрсатади.

Бу ҳозир кўп олимлар томонидан уч қисмга бўлиниб чуқурлаштирилган услубшунослик (стилистика) фанига аниқ тўғри келмайди (92). Аммо Баҳорнинг услуб ҳақидаги фикрини, айниқса, ўз китобида тадқиқотчи олим сифатида ўтказган йўли, кўп услубий масалаларга ёндошишини асосан бадий адабиёт услуби ҳақидаги ҳозирги фан нуқтаи назаридан ҳам тўғри деб топса бўлади.

Баҳор услубшунослик деганда форс насри (ё назми) тараққиётини, унинг тил ва услубий хусусиятларини тушунади.

Бу китобнинг «Услубшунослик ё форс насрининг тараққиёти (ўзгариши) тарихи» деб номланиши услуб масаласига тарихий ҳам чуқур илмий ёндошмоқдир. Ҳар бир адабиёт ва бир адабиёт ичидаги турлар тарихий тараққиётини чуқур ўрганмай туриб, услуб хусусиятларини ҳам, бир услубнинг иккинчисидан фарқини ҳам, уларнинг келиб чиқишлари ва ўзаро муносабатларини ҳам тушуниб бўлмайди. Бусиз мулоҳазалар тарихий конкретликдан ажралиб, мавҳум бўлиб қолади.

Ана шу нуқтаи назардан Баҳорнинг услубшунослик асари тарихий конкрет ҳужжатларга бойлиги билан ажралиб туради, ҳатто Баҳор кўпинча ўз олдига қўйган тор мавзудан чиқиб ҳам кетади. Олим ўз китобида форс насри тарихи, унинг тараққиёти, услубий ўзгаришлар ҳақида чуқур илмий тадқиқот ўтказар экан, шу билан бирга, эрон тилшунослиги ҳам адабиёт тарихига оид жуда кўп ҳужжатлар келтиради, йўл-йўлакай бўлса-да улар ҳақида қизиқ-қизиқ фикрлар баён этиб кетади. У Европа ва Шарқ олимларининг фикр ва тадқиқотларини жамлаб беради. Асарнинг бу қисмида эрон филологиясига оид умумий фикрлар баён этилади. Баҳор асарининг асосий қиммати унинг наср тарихига оид оригинал тадқиқотларидир.

Олим жуда кўп тарихий ёдгорликлар асосида қадим замонлардан бошлаб, форс насри тарихи ва услубий ўзгаришларни тасвирлар экан, «ҳар бир шоирнинг услуби унинг ўзига хос дунёни ҳис қилиши билан боғлиқ. Ҳар бир автор ташқи дунёни ўз кўзи билан кўради». Демак, ҳар бир авторни ва унинг даврини чуқур, ҳартомонлама ўрганиш керак деган илмий хулосаларга келади. Масалан, Исмоилия мазҳаби ғояларини чуқур ўрганмай туриб, Носир Хисрав услубини текшириш ёки Анварий давридаги фалсафа, дин ва бошқа фанларни ўрганмай туриб унинг услубини текшириш керакли илмий хулосалар беролмайди деб кўрсатади.

Баҳорнинг бу фикрлари Эронда то ҳозирги кунгача буржуа олимлари орасида ҳукмрон бўлган «Шоир ва адиб кўнглига ҳамма нарса ғойибдан қуйилади»³ деган

³ Бу жиҳатдан Эрон ёзувчиларининг I конгрессида Техрон университетининг профессори А. Ҳикматнинг шеърнат ҳақидаги доклади характерлидир (112, 11—40).

фиқрларга қаттиқ зарба эди ва ҳар бир бадиий асар услубини у яратилган тарихий давр билан боғлаб олиб боришга чақириш, демак, адибнинг илҳом манбаи осмонда эмас, ердаги ҳаётда эканини эътироф қилиш эди.

Шунингдек, Баҳор ҳар бир шоир ёки адибни алоҳида ажратиб қарайди. Бироқ услубшуносликнинг умумий қондаларини белгилай олмайди, демак, «услубшунослик» илмини айрим фан деб тушунтирмайди. Унинг вазифаларини аниқ ажратиб ололмайди.

Баҳор услубшунослик умуман тил тарихи, адабиёт тарихи, умумий филология, тилшунослик, шеър назарияси билан боғланганлигини тўғри қайд қилади ва ўз тадқиқотини шундай усулда олиб боради.

Баҳорнинг китоби тарихий ҳужжатларга жуда бой, тўғри илмий хулосаларга эга бўлганлиги учун то ҳозирги кунгача Эрон университетларида асосий қўлланма бўлиб келмоқда.

У фақат услубшунослик соҳасида эмас, балки тил тарихи, адабиёт тарихи ва умуман эрон филологиясининг бошқа соҳаларида ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.

Баҳор бунинг учун қадимги эрон маданиятини, паҳлавий тилини чуқур ўрганади, бошқаларни ҳам бунга даъват этади.

Масалан, Баҳор 1927 йилда ёзган бир шеърда, ҳатто, шоҳни ҳам қадимий маданий обидаларга эътибор беришга чақириб:

Паҳлавийё, меросимиз ёд қил,
Паҳлавий тил мактабин ижод қил.
Европада ўрганишиб Паҳлавий
Тошдан ўқиб Паҳлавий хатни, вале...
Ҳеч киши Эронда ҳеч огоҳ эмас,
Ё ўқиёлмас хатни—у сўз демас,—
(40, 149—150)

деган мисраларни ёзади.

Баҳорнинг ўзи 1927 йилда Эронга келиб, паҳлавий тилини ўрганишни ташкил қилган европалик шарқшунос проф. Э. Херцфельд қўлида уч йилдан ортиқ таълим олиб, паҳлавий тилини ва қадимги эрон тарихини чуқур ўрганди. Натижада у паҳлавий тилидан бир қанча асарларни ҳозирги форс тилига таржима қилди. Бир қанча тарихий манбаларни нашрга тайёрлади ва форс

чиққан мақолалар асосида тўлдирилиб изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр этилди (31).

Гарчи бу асарлар келажакда ёзиладиган катта асарнинг чўпқори, эсдаликлари бўлса-да, кейинги тадқиқотчилар учун қизиқ ҳужжатлар, фикр ва мулоҳазага кўп озуқа беради.

Баҳор аввало форс шеърини тарихини ҳижо (бармоқ) ва аруз вазнлари даврига ажратиб текширади.

Ҳижо шеърини даврини текширар экан уни халқ шеърини билан муқояса қилади ва яқинлигини кўрсатади. Бунда у Хусровий қўшиқлари, воқеабанд шеърлар, дostonлар ва тароналарни санаб ўтади. Аруз даврини текширишга ўтар экан шоир аруз вазнини айрим араб адабиётшунослари (масалан, Халил ибн Аҳмад) яратди деган фикрни тарихий ҳужжатлар асосида рад этади.

Аввало аруз вазни шеърининг тарихий тараққиёт маҳсули эканлигини кўрсатади ва аруз шеъри аввалда бўлмаган ва энг биринчи бу шеърда иш кўрган шоирлар ҳижода ёзган шоирларнинг давомчилари бўлганлар; айтиш мумкинки, аруз илми ихтиро қилинган эмас, аруз шеъри такомиллаштирилган ҳижо шеъридирки, табиат асрлар давомида бу такомиллаштишни юзага келтирган (36, 15).

Сўнг сосонийлар ҳукмронлигининг охириги даврларида шеърят кўпроқ тароналар шаклида бўлганлиги, улар ашула ва ўйинга мўлжалланган 8 бўғинли шеър экани айтилади. Тароналар мусиқий ва ички мусиқий мувозанатга эга бўлган. Мана шулар асосида аруз шеъри ривожланган. Олимнинг фикрича, аруз шеъри у вақтларда арабларда ҳали мусиқасиз пайдо бўлиши мумкин эмас эди.

«Аруз, биламизки, мусиқийлик ва шеърнинг мусиқага мослашуви натижасида вужудга келган ва ҳижойй ҳолатдан арузий ҳолатга шу восита билан ўсиб етишган. Демак, ночор тан оламизки, мусиқаси йўқ халқда арузнинг бўлиши қийин. Саҳрода яшовчи араб халқлари орасида исломдан илгари, ўзларининг эътирофларича, мусиқа бўлмаган ва Абул Фараж Исфохонийга ўхшаш араб адиблари ҳамда бошқа илм аҳиллари ҳаммаси маъқул топган тахмин шуки, араблар ўз мусиқаларини эронийлар ва румолилардан олганлар, бу иш ҳам исломдан сўнг юз берган» (36, 17).

Бу фикрни мисоллар билан тасдиқлаган Баҳор «энг

қадимги араб шоирлари уч мисрали ражаз баҳридаги шеърлар айтганлар ва бу «аржуза»лар эскидан «Оғоний» (қўшиқлар) ва бошқа китобларда сақланиб қолган, бовар қилиш керакки, бу араб шеърининг илдизи ўша сосонийлар даври тароналаридир (36, 20), айтиш мумкинки, аруз шеъри такомиллашган ҳижо шеъридир» (36, 22) деган хулосага келади.

Сўнг энг қадимий шеър ҳақидаги мубохасаларга ва исломдан кейинги давр аруз шеъри, унинг ижодкорлари масаласига тўхталиб, аста-секин шеърий услублар тараққиёти тахлилига киришилади.

Китобнинг якунловчи боблари форс шеър услубининг хилма-хил давлари, Сабки Сомоний хуросон ёки туркистон услубига, Унсурий Фаррухий ижодларига бағишланган ва шу ерда узилиб қолган.

Баҳорнинг бошқа мақола ва китобларга ёзган муқаддимларида айтган фикрларини назарда тутиб, унинг шеърий услублар ҳақидаги мунозараларга муносабатини ҳам белгилаш мумкин.

IX асрдан бошлаб Ироқ ва Форсдан тортиб, Гўргон ва Хоразм чегараларигача адабиёт араб тилида ривожланар эди. Бу ерларда форс тили шеваларида ёзган баъзи бир шоирлар ҳам дарий тилини унчалик яхши билмас эдилар. Масалан, Табаристон шевасида ёзган шоир Мустамард, Хамадон шевасида ёзган Бобо Тоҳир ва бошқалар. Қатрон Табризийга ўхшаган шоирлар дарийда ёза бошлаган бўлсалар-да, бу тилнинг назокатини ҳис этсалар-да лугатда қийналганлар⁶.

Ўша даврда Хуросон, Ўрта Осиё ва Сеистонда дарий тилида ажойиб бадий адабиёт вужудга келтирилган ва тараққий этмоқда эди.

Бу ўлкаларда Рудакий, Дақиқий, Абу Шукур Балҳий, Абулқосим Фирдавсий каби улкан сўз устодлари етишиб чиқди. Улар ижодида камолот чўққисига интилиб, бадий тилга айланган дарий тили жанубий ва ғарбий Эрон тупроғигача ёйилди.

XI асрларга келиб, Форс ва ғарбий Эрон шаҳарларидаги шоирлар ҳам дарий тилида ёздилар, аммо улар Хуросон шоирларининг маҳорати ва услубига тан бера-

⁶ Масалан, Қатрон Носир Хисравдан баъзи сўзларни сўраб олганлиги ҳақида маълумот бор, Асадий Тусий (XI аср) шу мақсада форс тилининг изоҳли лугатини тузган (1060 йилларда).

дилар. Баҳор шоир Жамолиддин Исфаҳонийдан ана шунга бир байт келтиради. Жамолиддин бир қасидасида Хоқонийга қараб:

وه كه خنده زنند بر من و تو كودكان
كسى اگر شعر ما سوى خراسان برد

(67, 11)

Қанчалар кулар эди мену сендан боладар,
Шеъримизни Хуросонга агар олиб борсалар,—

дейди.

Мўғул босқинчиларининг босиб келиши шеърят равнақиға путур етказди. Кўп шоирлар босқинчилар қирғинида жон сақлаб Ғарбга кетишга мажбур бўладилар. Масалан, адабиётшунос ва олимлардан Муҳаммад Қайс Розий Шерозга, Муҳаммад Авфий Ҳиндистонга, Нажмиддин Розий, Жалолиддин Румий оиласи ва бошқалар Кичик Осиёга, кўплар Арабистонга, форс ва араб Ироқиға кўчиб кетадилар.

Эндиликда Ғарбий ўлкаларда айрим услуб пайдо бўладиким, уни хуросон услубидан ажратиб ироқ услуби деб атайдилар.

Баҳорнинг фикрича: «Ҳамма ерда хуросон услубига қарши қўйиладиган ироқ услуби сифат жиҳатидан бирибиридан фарқ қилгани учунгина мавжуд эмас, балки бу услуб янги давр маҳсулотидир» (1, 445).

Ироқ услуби хуросон услубининг янги давр ва янги шароитлардаги тадрижий тараққиёти Эрон шеърятини тараққиётининг янги босқичидир.

Кўриниб турибдики, Баҳор услублар алмашилишига Эронда биринчилардан бўлиб илмий ёндошади.

Маликушшуаро Баҳор ҳар бир давр шеърини услубига қисқа баҳо бериб уларнинг асосий белгиларини санаб ўтади. Масалан, сомонийлар даврида шоирлар: «... Ўз мақсадларини хоҳ ахлоқий ё ижтимоий, хоҳ мадҳу мақтов бўлсин содда ва беҳашам ифода қилганлар, «киноя», «истиора» каби санъатий такаллуфлар бу давр шеърларида кўринмайди. Жуда ёқимли ва мақтовли бўлган ойдин ва енгил ўхшатишлардан ташқари бошқа санъатлар кўзга чалишавермайди...» (36, 51). Араб сўзлари кам учрайди (36, 51). Эски ва қадим форс сўзлари кўп ишлатилган (36, 51) сўнгра олим айрим суффиксларнинг қай тартибда ишлатилишигача кўрсатиб ўтади ва форс шеърини услубининг хилма-хил даврлари бобиға кўчади.

Баҳор форс шеъри услуби тараққиётини ҳам 6 даврга

бўлади: 1) Сомоний услуби даври, 2) Салжуқийлар даври, 3) Ироқий давр, бу даврнинг машҳур шоирлари Саъдий ва Ҳофиз деб кўрсатилади, 4) Ҳинд-услуби даври (машҳур шоирлари Соиб Табризий, Қалим Кошоний, Урфий Шерозий ва Файзий Даканий), 5) Адабий қайтиш (бозгашт) даври. Бунда шоирлар ҳинд услубини маъқул топмай, ироқий услубига қайта бошладилар ва бора-бора Хуросон услубигача қайтдилар. (Муштоқ, Озор, Сабо, Қаъоний), 6) Янгиланиш ва инқилоб даври. Бу даврни Баҳор алоҳида меҳр билан изоҳлаб: «Исм-сарлавҳасидан маълум бўлиб турганидек ушбу фикрий ва адабий инқилоб даври билан форс назм-насрига катта ўсиш ва ривожланиш кириб келди, шеър услуби ҳам шу даврда ўз дуркунлигини қайтадан тиклади, сиёсий ва ватанпарварлик шеърлари содда тил, нозик туйғулар билан куйланади, ранг-баранг услублар, хилма-хил шоирлар ўзини кўрсатади, жамийки қадим услубларнинг намуналари бу даврда кўзга ташланади, охири қасида ва ғазалда махсус услуб вужудга келади»,— дейди (36, 73).

Сўнгра Баҳор бу услубларнинг хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади: «Сомоний услуби ва унинг кетидан вужудга келган услубни бирга Хуросон услуби ёки Туркистон услуби ҳам дейишади, ҳар ерда агар Хуросон услуби ёки Туркистон услуби ҳақида гап кетса, шу икки давр услуби кўзда тутилмоқда деб билмоқ керак, дарҳақиқат форс шеър услубини ҳам умуман олиб икки шохобчага ажратмоқ лозим: 1) Хуросон шохобчаси, 2) Ироқ шохобчаси ва бошқа келтириб ўтган даврларимиз ҳаммаси шу икки шеър услубининг ривожидан келиб чиққанки, бу ҳақда кейинги бобларда гап юритилади. Айтиб ўтиш лозим бўлган иккинчи масала шуки, номи келтирилган бу услубларнинг ҳеч қайси бири маконий келиб чиқишга эга эмас... замоний туғилишга эга деб билиш керак» (36, 75-77).

Баҳор ироқ услубининг ўзига махсус томонларидан бири саж (қофияланган наср)нинг пайдо бўлиши, насрга шеърый парчалар киритилиши, синонимлар, узун муқаддималар, араб сўзлари, жумла ва шеърый мисраларни кенг қўлланиш эканлигини кўрсатади.

Поэзияда ҳам араб сўзлари кўпроқ учрайди. Шеърятга илмий атамалар, мураккаб киноя, мажозлар, луғз ва муаммолар кўплаб кириб келади. Натижада мазмун ва мавзу анча кенгайди. «Шоирлар қадим сарой мавзу-

ларини қайтаравериндан чарчаб, қандайдир янги мавзулар қидирадилар» (36, 77), ғазаллар латифроқ, қасидалар сунъийроқ бўла боради.

Баҳор ироқ услуби асосини хуросон услуби ҳозирлаб берганлигини, улар бир-бирининг тадрижий тараққиёт босқичлари эканлигини кўрсатади.

Сафавийлар даврида ҳинд услуби тараққий этади. Аммо «бу услуб фақат Ҳиндистонда тарқалган эмас, балки у Ҳирот ва Исфохонда ҳам тарқалган, ундан Ҳиндистонга ўтган ва охири Ҳиндистонда камолига етиб, бу услуб шоирлари у ерда устун келганлар» (36-77). Ҳинд услубининг тарқалиши Амир Хисрав Деҳлавий даврида Ҳиндистондан бошланди. Бироқ бу услубдаги асарларнинг кўпчилиги Эрон тупроғида ёзилган. Баҳорнинг фикрича, ҳинд услубининг ўзига хос томонлари формализм шаклда тумтароқлик ва сертакаллуфлик мазмунда эса тушкунлик, бадбинликдир. Бу хусусиятлар мўғул истилоси даврида пайдо бўлган бадбинлик кайфиятлари ва тасаввуф таълимоти натижасидир.

Бундай адабий тушкунлик билан курашда янги давр—янги услуб майдонга келади. Бу даврни Баҳор қайта туғилиш маъносида адабий қайтиш (بازگشت ادبی) деб атайди. Ўша пайтда шоирлар Саъдий ва Ҳофизга тақлид қиладилар. Классик ғазал ва қасида шаклларини қайта тиклайдилар. Бу соҳада Сабо айрим мактабни вужудга келтиради. Баҳор унинг ижодидаги формализм томонларини ҳаққоний танқид қилиб ўтади.

Адабий қайта уйғониш даври услубидан 1905—1911 йиллар Эрон революцияси даврида янги халқчил услублар ривожланди. Баҳор шеърият ва вазн турларини текширишга ҳам кўп вақт сарф қилди ва бир қатор мақолалар ёзди.

Баҳор сосонийлар давридаги шеър турларини аниқлаб, туркумларга бўлиб чиқди, баъзи шеърий вазнларнинг келиб чиқишини аниқлади, ҳижо шеърларининг арузгача бўлган тадрижий тараққиёт йўлини кўрсатиб бериш билан форс арузининг мустақил ривожини йўлини аниқлашга катта ҳисса қўшди.

Баҳор „Эронда шеърият“ асарида сосонийлар давридан ўтган ва дарий шеъриятининг илк даврида мавжуд бўлган шеър турлари ҳақида муфассал тўхталади.

Унинг фикрича, бу даврда жуда кенг тарқалган турлар: سرود — мадҳ қўшиғи, چامه — эпик ёки ишқий қўшиқлар, ترانه ёки ترانك тарона—қисқа халқ қўшиқлари.

Баҳорнинг фикрича, қофия аввало мана шу мусикавий қўшиқларда ҳамда فہلویات ёки فہلوی халқ тўртликларида пайдо бўлган. Улар ҳозир دوبيتی (қўшбайт, тўртлик) деб аталади. Шунингдек, пандлар, масал ва маталлар жуда ривож топган.

Баҳор бу жанрларнинг барчасини тарихий таҳлил қилиб, келиб чиқиши, ўзгаришлари ва равнақини белгилаб, фикр ва мулоҳазаларини тарихий ҳужжатлар билан исботлашга ҳаракат қилади.

Олим Эронда турли даврларда топилган қадим шеърӣ парчаларнинг кўпини таҳлил қилади ва ҳозирги мавжуд вазн ҳамда шаклларнинг келиб чиқишини очишга муваффақ бўлади. Шоирнинг фикрича, ҳозирги олти руқунли ҳазаж (هزج مسلسل) сосонийлар давридаги ўн икки ҳижолик шеърдан келиб чиққан.

Баҳорнинг бу илмӣ тадқиқотлари Эрон ва чет эл олимларининг бу соҳадаги ишлари билан бирга форс шеърӣ турлари ва вазилари араблардан кириб келган деган сохта ақидага кескин зарба беради, форс-тожик шеърӣятининг мустақиллигини исботлайди.

У жуда кўп тарихӣ ёдгорлиқларнинг услуби ва тилини текшириб чиқди. Шу билан бирга ҳар бир адабий ёдгорлиқ тили ва услубидаги энг нозик томонларни очиб берди, тил тарихи, айрим сўзлар этимологиясига диққат қилиб қимматли фикрлар ёзиб қолдирди. У форс тилига чет тиллардан, айниқса араб тилидан кириб келган сўзлар тарихи билан шуғулланди, уларни рўйхатга олиб текширди, тарихӣ сабабларини, мусбат ва манфӣй томонларини аниқлади. Баҳор бу соҳадаги тадқиқотлари билан эрон тарихӣ лексикология фанига катта ҳисса қўшди.

У форсӣй-дарӣй тили тарихи, унинг грамматикасини ўрганиш соҳасида ҳам анча ишлар қилди. Баҳор «Ўрта мактабнинг 1—4-синфлари учун форс тили грамматикаси» номли дарсликни ёзишда қатнашди. Бир гуруҳ тилшунослар томонидан ёзилган бу китобда синтаксисга жуда оз ўрин берилган. Грамматик категория эса формал логика нуқтаи назаридан қаралади ва натижада

форс тили грамматикаси тўла илмий асосга қурилмайдими. Лекин ушбу дарслик ундан аввалги дарсликларга нисбатан янги хулосаларга бойлиги ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Дарий тилининг келиб чиқиши, унинг ўзидан олдинги эрон ва паҳлавий тили билан муносабати масаласи — тилшуносликдаги энг қийин ва чалкаш масалалардан бири.

Баҳор бу соҳада анча жиддий илмий тадқиқотлар олиб борди ва салмоқли натижаларга эришди.

Баҳор дарий тилидан олдин Эрон ва Ўрта Осиё ерларида жуда кўп ва хилма-хил лаҳжа ва шевалар мавжуд бўлганлигини қайд қилади. Масалан, хоразм, суғд, тўхарий, тобарий, озарий, курд, лурд, розий тиллари ва ҳоказо.

Дарий тили асосан шимолий ўлкаларда — Мовороуннаҳр, Хуросон, Балх ва Сейстонда тарқалган. Баҳор «Шеър тараққиёти тарихи» асарида: «Аслида Мовороуннаҳр, Самарқанд ва Бухоро лаҳжаси бўлган латофатли дарий тили бу даврнинг машҳур сўз усталари қўлида ва эронпарвар подшоҳлар рағбати билан ривожига етди» (29, 79) — дейди. Бошқа асарларида эса олим арабларнинг келиши, ислом динининг тарқалиши, янги хатнинг жорий қилиниши билан паҳлавий тили ўз мавқеини йўқотганлигини, дарий тили паҳлавий тилини енгиб Шарқдан Ғарбга кириб борганлигини кўрсатади. Бу вақтда паҳлавий тили фақат форс вилоятида яшовчи зардушт динидаги оташпарастлар орасида сақланиб қолади. «Марказий ўлкаларда, форсда ва ғарбий ерларда уни тушунар эдилар, — деб ёзади Баҳор, — Хуросонда бўлса дарий тили тарқалган эди ва бу ердаги кишилар паҳлавий тилини тушунмас эдилар» (33, 16).

«Услубшунослик» асарида бу масалага кўп тўхтанилганлиги ва шундай фикрлар изҳор этилганлигини юқорида айтган эдик. Баҳор ўз фикрларининг исботи учун кўпгина тарихий адабий далиллар, шунингдек, тилда (мавжуд) ҳужжатларни келтирадики (28, 231, 235), мазкур китобчада уларнинг барчасига тўхталиб ўтолмаймиз. Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, адабиётшунос Забиҳулло Сафо ва бошқа бир қатор тилшунос, адабиётшунос олимлар Баҳорнинг бу фикрларига қўшиладилар (103, 157-163).

Баҳор дарий тилининг пайдо бўлиши, тарихий тарақ-

қиёти ва тарқалишини объектив равишда тушунтириб беролган бўлса-да, бироқ кейинги тараққиётини тўғри тушуна олмади. Баҳор дарий тилидан шоҳланиб мустақил тараққий этган барча тилларни ҳозирги форс тили деб атайди. Бу факт тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди, албатта. У «Услугунослик» асарининг «форс тили» деб аталган қисмида: «Форс тили шундай тилки, бутун Эрон, Афғонистон, Тожикистоннинг кўпчилики халқи, Ҳиндистон, Туркистон, Кавказ ва Байнуннаҳраининг бир қисми халқи шу тилда сўзлашади, хат битади, шеър куйлайди»,— (28, 2) дейди.

Бундан кўриниб турибдики, Баҳор миллатларнинг ташкил топиш ва миллий тилларнинг мустақил ривожланиш тарихий жараёнини тушуниб етмай, ҳамма нарсани қориштириб юборган. Жумладан, тожик тилининг XV асрдан бошлаб эрон форс тилидан ажралиб мустақил тараққиёт йўлига тушиб олгани ва тожик социалистик миллатининг вужудга келиши билан, тожик маданияти ва тилининг ҳам тамоман мустақил тараққиёти масалаларига объектив баҳо беролмайди. Аммо дарий тилининг пайдо бўлиши ва тарқалиши масаласидаги Баҳор ишлаб чиққан тарихий ҳужжат ва хулосалар Нёльдеке ва бошқа олимлар томонидан дарий тилининг жанубдан шимолга тарқалганлиги ҳақидаги нотўғри фикрларга қаттиқ зарба берди. 1935 (1314 ҳижрий) йилда Баҳор Парвин Эътисомий девонига муқаддима ёзди. Унда Баҳор Парвин ижодининг асосий томонларини таҳлил этиб унга Носир Хисрав таъсирини кўрсатиб берди.

Бу кичик бир бобда Баҳорнинг адабиётшунослик ва тилшунослик соҳасидаги барча асарларини таҳлил қилиб бўлмайди, аммо келтирилган мисолларнинг ўзи улкан олим Баҳорнинг эрон филологиясига қўшган ҳиссаси нақадар чўнг эканлигининг гувоҳи бўла олади.

Баҳор тарихчи олим сифатида ҳам кўп ишлар қилди. У IX асрда номаълум автор томонидан ёзилган «Сейстон тарихи» китобини нашрга тайёрлаб бостирганини айтган эдик. Бу китобни текшириб катта илмий тадқиқ ишлари олиб борди ва китобга муҳим мақола илова қилди. Унда олим биринчи форс насри ёдгорлиги сифатида китобнинг тарихий адабий қимматини очиб беради, услубий томонларини текшириб, чуқур мулоҳазалар баён этади.

«Сейстон тарихи» китобининг нашр этилиши эроншунос олимлар томонидан форс тарихи соҳасида илмий-тек-

шириш ишлари олиб боришда яхши манбалардан бири бўлди. Жумладан, совет олимларидан Л. П. Смирнова «Сейстон тарихи» ёдгорлиги тилининг грамматик хусусиятларини текшириб, монографик асар ёзди (102).

Эроннинг янги тарихини ўрганишда Баҳорнинг «Сиёсий партияларнинг қисқача тарихи» ёки Қожорлар сулоласининг инқирози» китоби ҳам муҳим манба бўла олади. Гарчи бу китобда тўпланган жуда қизиқ тарихий материаллардан автор тўғри хулосалар чиқара олмасда, воқеаларга либералларча ёндашиш натижасида халқ душманлари ва реакция кучларини етарли изчиллик билан фош қилолмаса ҳам, лекин Баҳор ўзи шоҳид бўлган конституция учун кураш даври, эрон тарихини ёритиб берди. Китоб шоирнинг ўзи қатнашган воқеалар ҳақидаги эсдаликлардан иборат. Бу эсдаликлар аввал «Эрон меҳри» газетасида босилган ва кейин тўлдирилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Баҳорнинг Эрон тарихини бошидан охиригача шеър-га солиб ёзиб чиққан **أئنه عبرت** (Ибрат ойнаси, 38, 42-103) номли асари ҳам бор. Ҳуман Баҳорнинг кўп шеърӣ асарлари ўзи яшаган ва курашган давр воқеаларига аталган. Баҳор бу воқеалар моҳиятини тарихчилардан кўра чуқурроқ очиб беради. Шунинг учун биз унинг тарихӣ асарларига кўп тўхталмасдан поэзиясига ўтсак бўлади. Бу бобни тугатиб шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Баҳор ҳақида ёзган баъзи олимларнинг Баҳор бу даврда курашдан узоқлашди деган фикрлари тўғри эмас. Баҳор курашдан узоқлашмади, воз кечмади, балки уни янги шароитда, янги жабҳада давом эттирди. У маърифатчиликка берилди. Бу ҳақда ҳам келгуси бобда сўзлаймиз.

БАҲОР — ШОИР

Маликушшуаро Баҳор поэтик ижоди билан биринчи танишувнинг ўзи ҳам бу курашчан шоир, улкан қалб эгасининг қалами бир зум ҳам тинмаганлигидан дарак беради. Унинг ижоди XX асрнинг улкан ижтимоий ўзгаришларини бошидан кечирган. Ўзи ҳам бу воқеалар қозонида қайнаб, озодлик учун курашган, эрон халқининг гоҳ сўниб, гоҳ алангаланиб турган кураши, унинг орзу-умидлари акс этади. Баҳорнинг энг яхши шеърларида мана шу халқ юраги тепиб туради, кўп асрли улкан классик адабиёт соҳиб, истеъдодли ва завқли халқнинг бадий баркамоллиги барқ уриб, назокат ва балоғати жилваланиб туради.

Баҳор шеърӣ мероси ўзининг мазмунан хилма-хиллиги, тарихий воқеаларга ҳозиржавоблиги, шаклий юксаклиги билан XX асрдагина эмас, балки сўнгги 3—4 асрда ҳам Эронда ўтган шоирлардан устун туради.

Шоир ўзига Баҳор таҳаллусини танлаб олди ва умрининг охиригача унинг шеърӣ бўстони кўкламдек чечак очиб, яшнаб, ҳар он янги жилвалар кўрсатиб турди. Унинг ижоди шоир ҳаётининг энг оғир дамларида ҳам қишдек музлаб, қотиб қолмади, балки баҳордек янгилашиб, гуркирай берди. Баҳор шеърӣят майдонига қадам қўйган даврданоқ ҳаётнинг ҳар бир талабига жавоб излади ва уни шеърда ифода этишга уринди. Шоир ўз халқи билан бирга озодлик ва демократия учун курашар экан, унинг ўтли қалбидан оташин мисралар вулқондек отилиб чиқди.

Баҳорнинг энг яхши шеърлари халқ дилини мунавар қилди, унинг тилида қўшиқларга айланиб қуйланди.

Маликушшуаро Баҳор, айниқса, Эронда 1905—1911 йиллардаги революция давридан бошлаб мамлакат иж-

тимойи ҳаётидаги ҳар бир воқеага ўзини жавобгар билди ва ўз ижоди, оташин сўзи билан фаол қатнашди.

Шунинг учун Баҳор шеърлари мазмун ва мавзуйига қараб таҳлил қилинса, Эроннинг XX аср бошидан бошлаб ярмигача бўлган тарихи киши кўз ўнгидан кинолен-тадек ўтади.

Унинг поэтик ижоди озодлик ва демократия учун, эрон халқининг мустақиллиги ва тараққиёти учун кураши билан чамбарчас боғланган.

Шоир поэтик ижодини уйғониш, умидсизланиш ва балоғатга етиш даври деб уч катта даврга бўлиш мумкин.

Юксак истеъдод эгаси Баҳорнинг ҳали шоир сифатида суяги қотмасданоқ Эронда эрк учун кураш бошланди. Эрон халқи асрий уйқудан уйғониб, ўзининг энг оддий инсоний ҳуқуқларини талаб қила бошлади. Бу ҳаракат ёш шоир Баҳорда ҳам миллий ифтихор ҳисларини уйғотди ва уни инсонийлик ҳуқуқлари учун курашга рағбатлантирди. Ўзининг эътироф қилишига кўра, у қаерда қандай демократик ташкилот тузилса, шунга ўзини урар, қизғин воқеалар гирдобига шўнғиб кетаверарди. Айниқса, шеърлари билан Эронда феодализм ва империализмга, мустамлакачилик ва истибдодга қарши курашда фаол қатнашади. 1906 йилда Машҳадда илғор фикрли бир гуруҳ кишилар «Саодат» жамиятини тузди-лар, Баҳор унга ҳам аъзо бўлди, 1909 йилда эса демократик партиянинг Хуросон область комитетига сайланади. Демократик партия раҳбари, ажойиб инқилобчи Ҳайдархон Омуғли билан «Навбаҳор» газетасини чиқара бошлайди. Унинг шеърлари, мақолалари «Навбаҳор», «Хуросон», «Тус», «Хуршид» газеталари саҳифасида тез-тез кўрина бошлайди.

Бироқ буларда Баҳор ҳали тўғри йўлдан бормайди. Унинг талаблари майда буржуа синфининг либерал намоёндалари талабидан нарига ўтолмайди. Улар Эронда монархия ҳуқуқларини сайланувчи ташкилот— мажлис билан чеклаш, конституция қабул қилиш, иқтисодий ва маданий ҳаётда феодализм қолоқликка қарши кураш, ўта кетган тескаричи руҳонийлар ҳуқуқини ва имкониятларини чеклаш учун кураш вазифаларини қўяр эдилар. Бундан ташқари, уларнинг ўз олдига қўйган энг катта ва масъулиятли вазифалари чет эл империализмига, Эронни ўз асоратига олишга қаттиқ киришган чор Рос-

сияси, инглиз мустамлакачиларига қарши кураш эди. Ҳатто, шоҳга қарши курашмасдан туриб бу мақсадларга эришиш мумкин деб ўйлайдилар.

Баҳор ижодида ҳам бу мавзулар кетма-кет акс этади. Баҳор ҳам форс классик шоирлари каби адолатли шоҳ идеясини тарғиб қилади ва ўз инқилобий фаолиятида ҳам шу ғояга таянади. Бу унинг заиф томонларидан бири бўлиб, ижодида ва ижтимоий сиёсий фаолиятида чекланишларга, адашишларга олиб келади.

Революцион ҳаракатнинг бошиданоқ оташин нутқлари ва қанотли шеърлари билан элга машҳур бўла бошлаган Баҳор 1906 йилда конституцияни табриклаб „بشكرانه توشیح قانون اساسی“ „Асосий қонуннинг тасдиқланиши шукронаси“ номли қасида ёзди. Унда:

Букун зулм ишга ярамай қолди,
Шоҳ адлидан дунё тўла адолат.
Мамлакат бир уйдир адл негизи
Негизсиз турмайди ҳеч бир иморат
Улканнинг асоси адолат бўлса,
Темир қўргонга ҳам қолмагай ҳожат...

деган мисраларни ёзади ва шеърни:

Бу бахт қонунидан энди ҳамиша,
Ободону хуррам қолар мамлакат
(38, 26-27)

деган байт билан якунлайди.

Шоирнинг 1907 йилда Музаффариддин шоҳнинг ўлими ва унинг ўғли Муҳаммад Али шоҳнинг тахтга ўтириши муносабати билан «Юз шукрки, бу келдию, юз хайфки, у кетди» деган таржеъбанди «Навбаҳор» газетасида босилади. Унинг бошланмаси ва қайтарилувчи (таржеъ) байти:

Орамизга келди бир шоҳ, кетди орадан бир шоҳ,
Келганига юз шукрку, кетганига юзлаб оҳ!
(38, 33)

деган байтдир. Баҳор бунда конституцияни тасдиқлаган Музаффариддин шоҳ ўлимига мотам тутиб, марсия ёзиш билан бирга, Муҳаммад Али шоҳни отасининг «адолатли» ишини давом эттиришга ташвиқ қилмоқчи бўлади. У бу даврда шундай мазмунда яна бошқа бир қанча шеърлар ёзади. 1908 йилда «Шоҳга насиҳат» (40. 134-140) деган каттагина маснавий ва бошқа шеърлар ёзиб, шоҳни адолатга чақирмоқчи, уни демократия йўлига бурмоқчи бўлади. Шоир, ҳатто, бутун Эрон тарихини

шеърга солиб «Ибрат ойнаси деган 632 байтлик каттакон манзума яратади. (38. 46—103). Бу манзумада эрон шоҳи чўпонга ўхшатилади ва атрофини йиртқич империялистлар— бўрилар ўраб келаётгани, чўпон эса маст ётгани тасвирланади. Эрон бир хазина, шоҳ соқчи эканлиги айтилади ва Каюмарсдан бошлаб қадим шоҳлар ҳаёти тасвир этилади. Қайси шоҳ адолат билан иш кўрса, раиятпарвар бўлса, мамлакати яшнаб салтанати равнақ топади, золим шоҳлар эса завол топади ва лаънатланади деган ғояларни тарихий фактларда кўрсатиб, янги шоҳга ибрат қилмоқчи бўлади.

Аммо тез орада юз берган воқеалар Баҳорнинг «абадий хуррамлик ва ободлик» ҳақидаги ниятларини пучга чиқарди, қуруқ насихатгўйлик билан шоҳнинг ўзгариб қолмаганлигига ёрқин мисол бўлади. Муҳаммад Али шоҳ бошлиқ реакция кучлари конституцияни бекор қилиб, инқилобчиларни қонга ботиргач, шоир бутун қаҳр-ғазабини шеърый байтларга жамлаб, тескаричи кучларга қарши заҳарли мисралар ёза бошлади. У энди подшо билан ҳам бундай сўзларнинг бекор эканлигини ўткир мисраларда тасвирлаб, 1909 йилда «Эронга худо ёрдир» деган мустаҳзод ёзиб «Навбаҳор» газетасида босиб чиқарди.

Улка — қайиқ, ҳодисалар дарё, зулм мисли хас,

Алл — қайиқчидир, бас.

Қайиқдаги ҳар бир жонга қайиқчи раҳнамодир

Эрон ёри худодир.

Эрон шоҳи адолатни истамаса бок эмас,

Табиати пок эмас.

Офтобдан кўршапалак кўзоғриқ бедаводир.

Эрон ёри худодир.

(40, 481-482)

Аммо Муҳаммад Али шоҳ инқилобий кучларни батамом бостиролмаган эди. Энди революцион ҳаракат Озарбайжон ва Гилонга ёйилади. Уларнинг бирин-кетин қўлга киритган ғалабаларидан илҳомланган шоир халқ қаҳрамонлигини васф этувчи بيا ساقى «Кел, эй соқий» نوروز «Наврўз» каби шеърлар ёзади.

1909 йилда Муҳаммад Али шоҳ енгилиб, Техронни ташлаб, чиқиб кетишга мажбур бўлганида Баҳор бу воқеаларни акс эттирувчи яна бир қанча шеърлар ёзади.

Баҳор ижодида сатирик шеърлар кам учрайди, аммо бу даврда у ҳатто сатира жанрига ҳам мурожаат этиб,

Муҳаммад Али шоҳ
шеър яратади.

Қуйидаги таржеа
маган шоир шоҳни с
зо билан кулиб тура

тқир ҳажвий

га сифдиrol-
ундан истеҳ-

Бу чарх
Субҳонло
Табриз к
Ҳоким эдиму воли-ю мамнун.
Ҳормуз эди шоҳу мен ҳумоюн,
Не бўлдим, энди кўз тўкар хун.
Бу чарх на учун мунофиқ, дуранг,
Субҳонло, эй бу қандай оҳанг?!
...Юрдик Одесса томон ҳай, ҳай,
Бўлди девона симон ҳай, ҳай,
Баргу навосиз чунон ҳай, ҳай,
Бирдан бўлибон ниҳон ҳай, ҳай,
Бизга куймаган юрак бир харсанг,
Субҳонло, эй бу қандай оҳанг!

(40, 482-483)

Мазкур шеърда Муҳаммад Али шоҳ образи ўз қил-
мишидан ўзи беҳабар бир эси паст бола ёки ўзини гўллик-
ка солиб, дунёнинг ишларига ҳайратланиб турган айёр
сифатида тасвирланади.

Шеър жонли тилда ёзилганлиги ва халқ оғзаки ижо-
дида кўп учрайдиган бадий ифода воситаларига бойли-
ги, унинг кенг халқ оммасига мўлжаллаб ёзилганлиги-
дан далолат беради.

Баҳор халқ қўшиқлари формасидан ҳам инқилобий
қўшиқлар ёзишда фойдаланиб, халқчил таснифлар
яратади.

Унинг ёзган шеърлари орасида энг яхшилари чет эл
империализмига қарши ёзилган шеърлари эди. У шоҳга
аталган ёки халққа қаратилган шеърларида ҳамма вақт
империалистлар Эроннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини
ўз қўлларига олишга интилаётганликларини кўрсатади
ва бунга қарши оташин мисралар билан чиқади.

Махсус шу мавзуда «Ватан хавф остида» (38, 203)
деган шеър ёзиб, унда инглиз империализми ва чор Рос-
сияси Эронни бўлиб олмоқ бўлиб таҳдид солаётганлик-
ларини ифодалайди ва «фақат ватанпарварлик ва фидо-
корлигига Эронни мустамлака бўлиб қолишдан қутқа-
ра олади» деб уқтиради.

«Инглиз ташқи ишлар министрига пайғом» (38, 205)
деган шеърда британ империализми ва чор Россияси-

У «Шоир саргузашти» шеърида хотин-қизларни ўқитиш ва уларнинг чодирини ташлатиш тарафдори бўлгани учун, уни мажлис аъзолигидан маҳрум қилмоқчи бўлганликларини эслайди (38, 349).

1911 йил охирида революция тор-мор келтирилди. Демократик кучлар таъқиб этила бошлади. Баҳор бир гурупа демократлар билан Машҳаддан Техронга сургун қилинди.

1912 йилда ўз ватанига қайтиб келган Баҳорнинг ижодида энди илгариги ишонч ва умид сўна бошлайди. Унинг шеърларида тушқунлик, умидсизлик аломатлари сезила бошлайди. Баҳорнинг бу даврда ёзган «Ватан хатарда қолди» (1911), «Инглиз ташқи ишлар министрига пайғом» (1911), «Менинг Ватаним» (1911), «Кураш-нома» (1911), «Сайлов сарсонгарчилиги», «Анархия», «Хавас аҳли дастидан дод» (1912), «Авомдан дод» (1912), «Эрон шони кундуз бўлсин» (1912) каби шеърларини яхши асарлари қаторига қўшиш мумкин.

Уларда шоир ватани бошига келаётган балолар, реакция ва чет эл империалистларининг эрон халқи бошига солаётган кунларни ачиниш ва алам билан тасвирлайди. «Менинг Ватаним» шеърида Баҳор ватани аҳволидан яна дили қонга тўлганини айтади:

Ғамингдан шунчалик оздимки оҳим,
Дудисиз кўринмас кўзга баданим...
Жуда кўп сўз дедим ғамингда, э воҳ,
Ҳеч кимни йиғлатмас менинг деганим.
Сўзларим тингларми халқим, агарда
Қонимга беланса кўйлагу таним

шеърни алам ҳамда афсусга тўла мисралар билан тугатади:

Букув яна бисёр ранж ила дерман,
Оҳ менинг Ватаним, менинг Ватаним.
(38, 209)

1918—1921 йилларда Улуғ Октябрь революцияси таъсирида Эронда демократик ҳаракат қайта кўтарила бошлаганда Баҳорнинг сиёсий ижтимоий фаолияти яна активлашади. Унинг шеърлятида ҳам жонланиш юз беради.

У подшоҳнинг ағдарилганини табриклаб, «Подшонинг ўлими» (1918) шеърини ёзди. Халқ орасида демократлар номидан суҳбатлар ўтказиб Октябрь инқилобини олқишлайди.

нинг Эронни ўз таъсир доирасига олиши ҳақидаги келишувига (1907 й) қарши исён қилади.

Баҳор бу даврда ҳам, бундан кейин ҳам мутаассиб руҳонийларга қарши жўшқин шеърлар ёзади. Эрон шиалари учун Макка ва Мадинадек муқаддас жойлардан бири ҳисобланган Машҳаддаги имом Ризо мақбарасининг шоири этиб тайинланган Баҳорнинг тор диний доирадан чиқиб, инқилобчилар қаторига қўшилиб, халқ шоири бўлиб етишиши, унинг журналистик фаолияти руҳонийларни разаблантиради. Машҳад уламолари уни кофир дейишдан, ҳатто, бундай киши қонини тўкиш ҳалол деган гаплардан ҳам қайтмайдилар.

Баҳорнинг революция даврида ёзган шеърлари орасидан яна «Жаҳаннам» шеърини айрим қайд қилиб ўтиш керак бўлади. «Мен жаҳаннам ва унинг олов сочишидан қўрқаман» (38, 163) деб бошланувчи бу қасидани Баҳор 1908 йилда Машҳадда ёзган. Унда шоир руҳонийлар тилидан дўзоҳнинг ҳамма даҳшатларини тасвирлар экан уларнинг ақл бовар қилмас муболағаларда тасвирлади. Бу руҳонийлар устидан кулги бўлиб эшитилиб туради. Аммо бу тасвирлар орасида Эрон ҳаётига оид шундай байтлар бор:

Вакил бўлиб, маршрутадан¹ сўзлаган одам,
Жазо куни парламенти бўлар жаҳаннам.
Бирор нарса фаҳм этган газетачилар
Ўтга тушар, бутунича қаламу дафтар
Маршрутага хизмат қилган ўша олим ҳам
Жону тани ҳеч чорасиз куяр жамулжам...
(38, 164).

Шеърнинг охирида руҳоний «Ҳуру филмонлари, ариқ тўла шароблари бор жаннат эса бизнинг насибамиз» дейди. Шеърни

Аниқким дўзахга тушади Баҳор,
Ҳаммамиздан унинг бадгумони бор.

(38, 165).

деган байт тугаллайди.

Кўриниб турибдики, Баҳор бу шеърда бидъатчи руҳонийлар устидан кулади, уларнинг жаҳолати ва кибру ҳавосини усталик билан фош этади ҳамда ўзининг улар ҳақида яхши фикрда эмаслигини очиқ-ойдин айтиб ўтади. Баҳорнинг руҳонийлар билан келишолмаслиги кейин ҳам давом этди. Шоир уларнинг тескаричилигини фош қилувчи яна бир неча шеърлар ёзди.

¹ Конституция.

1918—1919 йилларда у «Донишкаде» журнаlinesи нашр этиб, янги адабиёт учун курашди.

Аммо бу кўтарилиш узоққа чўзилмади. Давлатни ўз қўлига олган Ризо хон аста-секин демократларни таъқиб остига олди. Унга қарши чиққанларни ўлдириш, қамаш, сургун қилиш йўлига ўтди. 1924 йилда шоир Ишқий ўлдирилди, Баҳорга қарши суиқасд уюштирилди, уни зиндонга ташлашди.

Бу даврда IV—V чақириқ Мажлис депутати Баҳор Ризо хоннинг диктатура ўрнатишига қарши оппозицияда бўлиб, Ишқий ўлимига аталган марсияси «Тун сукути» «Демовандия» ва бошқа шеърлар билан чиқди.

Аммо Ризо хон шоҳ эълон қилинганч, Баҳор сиёсий курашдан четлаша бошлади. Баҳор яна Ризо шоҳга «Чор хитоба» манзумасини ёзиб, уни демократия, ислохотлар ўтказишга чақирди. Булар фойда бермаганч, Баҳорда маърифатпарварлик ақидалари кучайди ва ўзини шу ишга бағишлади.

Баҳор ижодий фаолиятининг биринчи уйғониш даври — туташ ва аланга даври тугади, энди чўғ устини кул боса бошлади.

Ўша даврда Баҳор ижодининг асосий хусусиятлари жанговорлик, ҳозиржавоблик, фидокорлик бўлди.

Бу давр — ота мансаби, Маликушшуаро номи ва ниҳоят халқнинг аҳволини тузатиш, Эроннинг мустақиллиги учун, эрк ва саодат учун курашиш даври бўлди.

Баҳор ўз сафдошларининг кўпчилиги каби озодлик эрк, бахт ва саодатнинг конкрет маъносини тушуниб етолмади. Қандайдир умумий ва мавҳум озодлик учун курашди. Бунда унинг шоҳпарастлиги ва майда буржуа идеологияси манфий роль ўйнаб, уни доим янглиш ва хато йўлларга бошлади.

Биринчи Эрон революцияси енгилган пайтда эса кўпчилик Эрон прогрессив шоир ва адиблари қатори Баҳор ижодида ҳам тушкунлик бошланди. Энди унинг шеърларида яхлит социал проблемалар ўрнини ҳаётдаги майда икир-кирлар ола бошлади. Унинг ижодида ғоясиз ғазаллар, қуруқ дидактика, шаклга мазмунни қурбон қилган мушоираларда айtilган ичи пўк шеърлар кўпроқ кўрина бошлади.

Баҳор эрон халқининг ўз мустақиллиги ва эркини қўлига ола билишига ишончини йўқотди. Бу эса уни бир маҳал кайзер Германияси айғоқчиларининг гапига учиб

Германия тарафига ўтишга, бошқа бир вақтда эса инглизларга сотилган Восуқуддовлага ишониб, у билан яқинлашишга олиб келдиким, Баҳорнинг ўзи умрининг охирида бу хатоларидан қаттиқ ранжиб, шу муносабат билан ёзилган шеърларини ҳам рад этди.

Бу даврда Эрон адабиёти, жумладан, Маликушшуаро Баҳор ижодини тушкунлик ботқоғига тамоман ботиб кетишдан сақлаган нарса Улуғ Октябрь революцияси бўлди. Октябрь революцияси туфайли Эрон батамом мустамлака бўлиш хавфидан қутулди. Унинг баракали ва ҳаётбахш таъсирида эрон халқининг демократия ва озодлик кураши янги, юқорироқ босқичда яна жонланди. Адабиёт ҳам бу воқеалардан озиқланди. Баҳор Россия мисолида адолатсиз подшо халқ ғазабига учраб, маҳв бўлиши мумкинлигини кўрди. Бу воқеалар Баҳор юрагидаги чўғнинг кул босиб батамом ўчиб қолишига йўл қўймади.

Баҳорнинг бу даврда қамоқларда ёзган «Корномайе зиндон» (Зиндон кундаликлари) туркумидаги шеърлари кучли ҳаяжон билан ўқилади.

Баҳорнинг «Шабоҳанг» (Тонг жарчиси) номли асари, айниқса, диққатга сазовордир. Бадий жиҳатдан етук бу шеърда шоир феодал тузумининг айрим томонларинигина эмас, балки умуман яроқсиз тузум сифатида унинг туб негизини танқид қилиш даражасига кўтарила олди.

Тезроқ Шарқдан тонг от,
Озодлик гулин оч тоғлардан,—
(38, 526).

деб бошланган бу аллегорик шеърда қора кеча тасвирланади. Бироқ шоир чиркин тузум емирилиб, эрон халқи учун озодлик тонги отажагига ишорат қилиб: «Оҳ! қоп-қора зимистон, ҳар бир дилда сенинг зулминг излари ҳар бир кўнгилда азоб ва уқубатингдан нолалар! Эй зolim, сенинг узун қўлларинг кесилади, билки ҳар бир тун ортидан тонг отади»,— дейди.

Халқнинг озодликка чиқиши учун аввало чет эл империалистларини Эрон тупроғидан ҳайдаш лозим эканлигини таъкидлаб, ёшларга қараб «Эй эртаги куннинг жушқин ва ғайратли ёшлари! Эй ҳақиқат йўлини топгувчи ҳалол ёшлар, муқаддас ватан тупроғини йиртқич бўрилардан батамом тозаланг!» — деб нидо уради.

Эрондаги 1918—1921 йиллар инқилобий ҳаракати ҳам бостирилиб Ризо шоҳ диктатураси ўрнатилди. Баҳор

парламентдан туриб ҳам, шеърлари билан ҳам эрк учун курашди, бироқ унинг учун умидсизлик деб аталган давр бошланган эди. Баҳор қувғин ва қамоқларни бошидан кечиришига қарамай асосан маърифатчиликка берилди.

Эроннинг қадимий тарихи, адабиёти, қадим тиллари, маданияти тарихини ўрганди ва кўп илмий ишлар қилди. Унинг олимлик фаолияти ҳақида бундан аввалги бобда сўзлаган эдик.

Бу даврда Баҳор шеър ёзмасликка аҳд қилган бўлса-да лекин бунга узоқ чидаб тура олмади.

Сукутни ихтиёр этдим, мени тинчлик макон эткай,
Ғаним озор кам қилгай, мени ўлган гумон эткай.
Тирик кирдим сукут гўрига ким, бу мурдадўст айём,
Мени хор этмагай, ўлган ҳисоблар, бенишон эткай,—
(40. 350)

деган шоир учун жимлик — ўлим билан баробар эди.

Баҳор шеърлар ёзади, лекин энди унинг шеърлари илгариги жанговор шеърлар эмас эди.

Ул ердаким, агарчи йўқ заррача маърифат,
Ажал қирса ҳаммани топилмас муҳолифат.

Баҳор халқни жаҳолатдан чиқариш керак, шундагина у озодлик учун курашини яна бошлашга ва ғалабага эришишга қодир бўлади деган фикрга келади ва илм олиш, ҳунар ўрганиш ҳақида, озодликка оид шеърлар ёзади у, ҳатто, пашшага қарши шеър ҳам ёзади.

Пашша эй, эй одамизод душмани,
Эй чаён заҳриданам бадтар тани.

Барча инсонга адоват очасан,
Овқатига заҳр тинмай сочасан.

Е қутирган ит ва ё бўри, илон,
Сенчалик хавф келтиролмас ҳеч қачон
(40, 156-157).

Шундай мисралар билан пашшага қарши нафрат қўзғотган шоир шеърининг охирида халқни озодликка чақиради ва Эроннинг обод бўлишини истайди.

Тоза тургил, ўйларингни пок тут
Ўйлариндан пашша тухмини қурит.

Ҳамма халқ қилса бу ишни ихтиёр
Пашшадан холи бўлур Эрон — диёр.

Қишвари Эрон бўлур ободу пок,
Бу зарарли жонивер бўлғай ҳалок...

Пашша шайтон лашкаридур бегумон
Ўлдириб қирмоқни бил осону шон.

Эй, ўғил бул сўзни айтмишдир Баҳор,
Сол қулоқ, дил ҳимматинг эт ошкор,
(40, 156)

Бунда ҳеч қандай аллегория йўқ, албатта. Бу шеър тор, ифлос кулбаларда забун ва ҳуқуқсиз яшовчи кишиларни «пашша талаб ётишига бошқа сабаблар ҳам борку» деган фикрга олиб келиши мумкин. Баҳор «Маориф» шеърида маданият, санитария, гигиена ишларига мажлис ҳеч маблағ ажратмаслигига куйиниб:

Шўро мажлисга айтгил маърифатга не учун
*Шу чоққача беришмас заррача ҳам масориф*²—

дейди. Демак, Баҳор революцион даврда бундай воқеаларни туғдирувчи тузумни ўзгартиришдек катта социал проблемаларни кўтариб чиққан бўлса, эндиликда ҳаёт икир-чикирларига ўралишиб қолади.

У баъзан тарбия ҳақида (40, 492) шеърлар, танбаллик ҳақида масаллар ёзади, классикларга эргашиб ғазаллар, тарихлар, қитъалар ва бошқа асарларга назиралар айтади.

Классик адабиётда ҳеч кимни айбламасдан ва конкрет сабабларини изламасдан, дунёда бировлар очу бировлар тўқ эканлигини, бировлар бурда нонга зору, бировлар исрофгарчиликда яшашларини, бойлик эгалари илмсизу, илм аҳли хор эканлигини фош этиш анъанаси бор эди.

Бу анъана улуғ Рудакийнинг:

Биравлар дастурхони тўла турли неъматдан,
Биравларни кўраман арпа нонга муҳтождир.

каби байтларидан бошланган ва Носир Хисрав, Умар Хайём, Саъдий, Жомий каби суҳан устодлари ва фикр паҳлавонлари ижодида ривожлантирилган эди. Масалан, Саъдийда:

Бу чархи фалакнинг қараб пардасин
Назар айла юлдузлари тўдасин.
Бири бенаво-ю, бири молдор,

² *Масориф* — сарф қилинадиган маблағ.

Бири сербало-ю, бири бахтиёр...
 Бири неъмат ичра, бирига азоб,
 Бирига машаққат, бири комёб,
 Бири жонга роҳат гулистон аро,
 Бири ранжу меҳнат билан доимо.
 Чарақлар бирин шодлик юлдузи,
 Қаро тун кабидир бирин кундузи...

Баҳор ҳам бу анъанага мувофиқ келадиган **چه داری؟**
 (Ниманг бор?) (38, 426, 427) **گر سنه** (Оч) (38, 465)
 каби шеърлар ёзади.

Шоҳо қачонгача оч бўлур Баҳор?
 Очдир тўғри киши, тўқдир нобакор.
 Чивину, ўргимчак, пашша-ю ари
 Ҳаммаси тўқ, нечун очдир «Навбаҳор»?
 Бири тўқ овқати чиқар бурнидан,
 Заифдир очликдан ҳазару ҳазор.
 Ватанфуруш тўқу, аммо бутун умр
 Очдир ким Ватанга қилди жон нисор.
 Бир қарордан Эрон душманлари тўқ
 Эрон халқи ичра очлик барқарор

(38, 465)

Қўриниб турибдики, Баҳор классиклар анъанасини конкретлаштирган, у мамлакатдаги аҳвол ҳақида гапир-
 ради, мамлакатни идора қилиб турган шоҳга мурожаат
 қилади.

Баҳор хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи шеър-
 лар ҳам ёзади. „Оила“ (خانواده), „Эй хотин“ (ای زن),
 „Аёл худонинг шеъри“ (زن شعر خدا است) каби асар-
 лари шулар жумласидан

Хоним эмас, бўлса агар жонона-ю шўх дилбар.

Хоним эрур, эр дилидан маҳкам жой олса агар.—
 (38, 420)

деб бошланган шеърида Баҳор аёллар худо яратган
 назм, эркаклар эса наср, насрнинг ўзи қанчалик яхши
 бўлмасин у назмдан оро топса яна ҳам яхшироқ бўлади
 (38, 421) деб соф муҳаббат, вафодорлик ва садоқатни
 тараннум этади.

Шоир бир қатор шеърларида ҳаёт фалсафасига онд
 масалаларни қўяди ва уларни ҳал қилишга интилади:

Зулфингга боқиб кўрдим замон гавғосин,
 Мен кўрганни ўзгалар кўрмас зиёсин.
 Улар кўрар буралган соч халқаларнинг,
 Мен бўлсам қаро бахтим, дилим балосин
 (40, 470)

Кошки эди дилим дўстга мафтун бўлмаса,
Мафтун бўлгач, ҳижронида мажнун бўлмаса.
Мажнун бўлгач, заҳматида пурхун бўлмаса
Пурхун бўлгач, кўздан оқиб Жайхун бўлмаса
(40, 475)

Озодликдир асли ободлигимиз,
Шудир худо берган зўр шодлигимиз.
Озод яша аммо қарагил сенинг
Эркинг деб сўнмасин озодлигимиз
(40, 475).

Шоирнинг бир қатор шеърларида тушкунлик ва инсондан четлашиш оҳанглари сезилади:

Безаҳмат жой борми, бош оғриғи кам?
Шундайдур ҳар жой ҳам йўқ эрса одам.
Бош оғриғисизу заҳматсиз бўлмас,
Ҳар жойгаким, одам қўйибди қадам
(40, 478)

Аммо ҳали бунга ғайригуманизм деб бўлмайди, чунки Баҳор ўзини олиб қочаётган одамлар одамгарчилигини йўқотган, фақат жон сақлаш ва бойлик тўплаш кетига тушиб, оддий инсоний туйғулардан ажраганлар, мажлисда, бозорда, корхоналарда фитна-фужур билан овора, ўз халқи, ҳешу табарлари аҳволини эмас, фақат ўзини ўйлаган худбинлар эди. Шунинг назарда тутган шоир бу одамларга қараб:

Афсуски бирорта нафасли жон йўқ,
Фарёдимизда етадиргон йўқ.
Қанча эшик қоқдик, ҳа демас ҳеч ким,
Билдики бу уйда бирар инсон йўқ!
Билдикки бу уйда бирар инсон йўқ!

Жаҳон маҳлуқлари бир бўри мисол,
Қодирга ожизлар, ожизга қаттол.
Қаттиқ келса улар суёт келишади,
Жанговор бўлишлар суёт келса дарҳол
(40, 468).

Техрон шахрини тасвирлар экан шоир ундаги одамларни ҳам келтирилган рубоийдаги маҳлуқларга ўхшатиб:

Бунда ҳамма мазлум ёйинки золим,
Булар орасида йўқ бошқа ҳечким.
Худо ҳаққи кўздан оқар бўлса ёш,
Ўз хотинига ҳам айламагай бош.
Бошга тушмасин деб ёмонлик, зиён.
Кўз ёш бўлмасин деб шахнага аён³.

³ Шаҳна — полиция бошлиғи.

Ҳа шоир бу вақтда эри хотинига ишонмаган одамларга, бир-бирига хиёнат қилган «дўстларга» кўп дуч келди, шунинг учун ҳам уларга аралашмасликка, кўпроқ китоб мутолаа қилишга берилди, қадимий қўлёзмаларни ўрганди, унинг ўзи бу ҳақда:

Бу йил снёсатдан бўлдим узоқроқ,
Ватан билан бир бор ҳазил экан осон.
Жиддий машғул бўлдим илм-маърифатга,
Илму маърифатдан куч олур инсон,—
(40, 451)

дейди.

1930 йилда Маликушшуаро Баҳор биринчи марта қамалган эди. 1934 йил баҳорида иккинчи бор зиндонга ташланди. Маликушшуаро Баҳор шеърларини йиғиб девон тарзида нашр эттирмақчи бўлди. Китоб босмадан чиқа бошлади. Аммо 208 саҳифаси босилиб бўлганида полиция келиб, ҳаммасини йиғиштириб олиб кетди ва Баҳор яна қамалди. Баҳор қамоқ даврларини Исфиҳонда ўтказди. Шоир қаттиқ полиция назорати остида бўлса-да шеър ёзишдан тўхтамади. Ўша вақтда ёзган асарлари орасида энг каттаси «Зиндон кундаликлари» дostonидир. Шоир 1934 йил наврўз кечаси (21—22 март) да қамоққа олинган эди. У ўз манзумасининг бош қисмида бу ҳақда:

Бир мўмин дер эди: «Нечун бу наврўз
Терс келди, заҳматда бу кеча-кундуз,
Нима учун совуқ, қоронғи, ғамгин?»
Унга жавоб бериб бошқа бир мўмин,
Деги: «Чунки махбус бўлгандир Баҳор,
Чунки бекилгандир энди «Навбаҳор!»

Дostonнинг кейинги мисраларида ўзининг қамалиш сабабларини шундай тасвирлайди:

Давлат олдида гар ғазабда қолдим,
Халққа азиз бўлдим севила олдим.
Аммо истар эди султони жаҳон,
Мен уйда ўтирсам беному нишон.
Зулм этарларки ром бўлсам мен ром,
Лаганбардор бўлсам, ялоқхўр, ғулом
Аммо билмасларки озода одам,
Пастлар қолипига тушмагай ҳечам.
«Гар ҳумодан бўшаб қолса ҳам жаҳон,
Бойқуш соясига кирмагай инсон»⁴...

⁴ Саъдий шеърдан тазмин.

Бу ларзиш айнита олмас йўлимдан,
Ризо юкин асло кўтаролмайман...⁵
Саройда қасида айтгандан нуқул —
Бозор бориб китоб сотганим маъқул⁶.
(40, 7).

Шоир яна бир қитъасида дўст бўлиб юриб, кейин унга хиёнат қилган Биниш деган киши ҳақида:

Чархнинг айланмаги ҳеч қайтаролмайдур мени,
Эски тўн эрмасман, эй гўл, тилладан совут ўзим,—
(40, 438)

деган эди.

Эрон халқининг жўшқин булбули қафасга солинган эди. Ўз чаманида озод парвоз қилишни соғинган шоир нафасини зиндон ҳам ўчиролмади. «Куйган қўшиқчи бўлади» деган ўзбек мақоли бор.

Баҳор ҳам бир йил ичида 6 минг байтдан ортиқ шеър ёзди, ўтли ғазаллар куйлади:

Демасман бул қафасдин сиз мени озод қилсангиз,
Қафасни парчалаб боғда, дилимни шод қилсангиз.

Утиб кетгай бу гул фасли, келиб, эй ҳамнафас дўстлар,
Боғ ичра ўлтириб бир дам, мени ҳам ёд қилсангиз.

Гули сарву чаманларга кирибдир бул куни булбул,
Қудумига севинчи деб, баланд фарёд қилсангиз.

Гирифтор ўлди бу булбул, буни эслаб, аё қушлар,
Тамошон гулу сарв, лола-ю шамшод қилсангиз.

Орангизда агар кимнинг қафас ичра қуши бўлса,
Боғ ичра синдириб, ёдим учун озод қилсангиз.

Менинг гар ошиёним куйган эрса ҳечқиси йўқдир,
Сиз овчининг уйин бузмоқ ниятни ёд қилсангиз.

Зулм бедодлик қилгай ниҳоллар умрини кўтаҳ,
Ватан аёнлари энди адл бунёд қилсангиз.

Билинг, жабру жафо бирлан қумисқа уйини бузгач,
Обод бўлмас уйингиз, гарчи юз обод қилсангиз...
(40, 381)

Қафасга тушган булбул озодликдаги булбуллар билан лапар айтишар, мактубий мушоиралар қилиб турар эди.

⁵ Ризо — розилик маъносида ва Ризо шоҳ исми.

⁶ Баҳор иқтисодий тангликда қолдирилгач, китобларидан бир қисмини бозорда сотишга мажбур бўлган эди. Шунга ишора бўлса керак.

Масалан, Хуросон шоири Маҳмуд Фаррух Баҳорга бир қитъа юборади. Унга Баҳор жавоб ёзади:

Нима ҳам дегайман қамалганимдан,
Донолар хор жойнинг ўзи бир зиндон...
Ҳамиша халқига озор беришни
Идора қилиш деб қилишар гумон...
«Булбулдек овоздан қафасга тушдим,
Юсуфдек ҳуснумчун асири зиндон».
Замондан ёмонлик етишса шодман,
Шукрки азобдан холисдир виждон

(40, 451).

каби мисралар бор.

Баҳор шоирлик фаолиятининг биз кўриб ўтган ҳар
икки даврида ҳам халқ қўшиқлари шаклида таснифлар,
элга манзур бўладиган қўшиқлар ижод этди. «Эй чарх»,
«Халқ қўшиғи», «Эй эронлик», «Тонг қуши», «Жарлик-
да» (40, 519-535) каби қўшиқлар халқ орасида севиб
қуйланди.

Эй тонг қуши, бошла ноланг,
Дил доғимиз бўлсин яланг!...

Золим зулми, сайёд жабри ошиёним қилмиш барбод.
Эй худо, эй фалак, эй табиат, қаро шомим айлагил тонг!

Ҳақиқат умри охирга етди
Аҳд ила вафо мевасиз кетди.

Машуқа нози, ошиқ ноласи
Елгон бўлдию асари битди.
Меҳри муҳаббат афсона бўлди,
Ростлик, шарофат бегона бўлди,
Ватан талашга дин баҳона бўлди,
Қўзлар нам, дил танг

(40, 524)

Шоирнинг «Тонг қуши» шеъри бу даврда ёрқин чақириқ-
ларга эга бўлган бирдан бир асари эди.

Ҳамма ёқ зимистон, ҳамма ёқ ёмон,
Бул кечамизнинг йўқми саҳари?
Эй муздек Баҳор, нолима дигар,
Оху зорингни йўқдир асари
(Жарликда, 40, 530).

Баҳор шеърӣ ижодининг бу иккинчи даврида энди
шоир фикрлари баъзан чалкашиб турганлигини ўз иб-
раси билан айтганда «гоҳ ният илдизини суғуриб таш-
лаш ва гоҳ фикрлар тухумини қалпоғи ичида синдириб

шеърлар ёза бошлайди, ўтган ҳаётига фалсафий яқунлар
ясайди:

Дариго, сиёсат ичра кўп замон
Нодонликда бўлди йўлбошим шайтон
Йиғирма ёшимдан олтмишга қадар,
Ёшлигимни бериб, тўпладим хирмон.

У келгусида янги ва равшан йўлдан бориш кераклигини
шундай ифодалайди:

Кел эй, бу жаҳонга берайлик баҳам,
Ўт қўйиб куйдириб чўпу хасни ҳам,
Бу беҳуда йўлдан бир ёққа кетиб
Янги тарзу йўлга қўййлик қадам.

Баҳор инглиз ва Америка мустамлакачиларига қарши
курашини қизитади.

Эй эркинлик, қутлуғ эркинлик,
Сенинг йўлингда узмайман кўзим.
Ёки ёнингга чақиргил мени,
Ёки чақирай сени мен ўзим

(38, 360).

Баҳор «Навбаҳор» газетасини қайтадан нашр этти-
риб, унда «Фақат биргина йўл» деган умумий сарлавҳа
остида бир қанча мақолалар босиб чиқаради. Бу мақо-
лаларда аста-секин изчил революцион йўлни эгаллаган
Баҳор капиталистик тузумни емириб ташлаш лозимли-
гини, кишилиқ тараққиёти учун бирдан-бир тўғри йўл
социалистик тараққиёт йўли эканлигини, ҳеч қандай
учинчи йўлнинг бўлиши мумкин эмаслигини газета са-
ҳифаларида тарғиб қилади.

Баҳор 1943 йилда тузилган СССР билан Эрон мада-
ний алоқа жамиятининг ташклотчиларидан бири эди. Ба-
ҳор бу жамиятда адабиёт бўлимини бошқаради ва
жуда самарали ишлар қилади.

У Улуғ Октябрь социалистик революцияси, В. И. Ленин-
нинг ҳаёти ва фаолияти, Совет мамлакати ҳақида док-
ладлар қилади.

У Пушкиннинг бир неча шеърларини таржима қил-
ди, рус ва совет адабиёти дурдоналарини эрон халқига
етказишга интилди.

1945 йилда Баҳор Совет Иттифоқига келди. Шоир
совет халқларининг турмушини синчиклаб ўрганди ва
сафар вақтида унда жуда чуқур ғоявий ўзгаришлар юз
берди.

Шоир «Боку ҳадяси» деган катта манзум асар ижод

этади. Мазкур асарни кўп эроншунослар поэма деб аташади, аммо у қасида формасида ёзилган бўлиб, классик қасиданинг ҳамма хусусиятлари ва шаклий бўлаклари мавжуд. 123 байтдан иборат катта асар бошдан оёқ бир қофияда ёзилган. Қасиданинг кириш қисми — насиб ҳам, мадҳга ўтиш — тахаллус ҳам, ҳатто мадҳдан сўнг талаб ҳам бор.

Асарнинг кириш қисмида шоир йўл манзараларини, учиб келган самолёт ва бошқаларни қадимий афсонавий образларда тасвирлаб беради, сўнг Боку мадҳига кўчади.

Бунда қадимий оташпарастлар «ибодатхонаси бўлган «Абшерон» ва «қадим диндорлар ери Боку» даги катта иқтисодий, маънавий ўзгаришлардан тортиб, ҳар бир боланинг туғруқхонада туғилиши, ясли, болалар боғчаси, мактабда тарбияланишгача; ишчиларнинг ишга трамвайларда боришию, ишдан кейин озода кийиниб кино, театр кўришигача ҳеч нарса шоир назаридан четда қолмайди.

У деҳқоннинг нима учун ерга сув бериб экинларига бунчалик парвариш қилишидан тортиб ишчининг жонбозлигигача ҳамма-ҳаммасини шеърга солишни истади:

Ерларга шавқ билан берар деҳқон сув
Жонпарвар экинга ўзи шерик у.

Боғбон рағбат билан ўтказди ток,
Меҳнатига лойиқ ҳосил берар хок.

Ўз ватанида ва бошқа капиталистик мамлакатларда ишсизлик, очарчилик, қашшоқлик, тиланчиликни кўрган шоир Совет ерида ҳамма меҳнат билан банд эканлигини, бу мамлакатда дарбадарлик, тиланчилик йўқлигини айрим мисраларда қайд қилади:

Ишсиз бирор инсон учрамас кўзга,
Деворга чекилган суратдан ўзга.

Қизлар фирибгарин кўрмадик асло,
На ўғри кўрмадик, на дарвеш гадо.

На дарбадарликдан тополдик нишон
На очликдан асар, на занф инсон.

Бу ерда меҳнат аҳли, илм, фан аҳли, санъат аҳлининг қадри жуда баланд, — дейди шоир.

Баҳор ҳамма ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиб, ҳар ким ақлу шуурига яраша обрў, эътиборга эга экан-

лигини қайд қилади. Қўйидаги банд худди «ҳар қобилиятига яраша ва ҳар кимга меҳнатига яраган социализмнинг асосий қондасини талқин қи

Ҳарким фикру ҳуши билан тутар иш,
Ақл мезонида ҳақи ўлчанмиш.

Сўнг шоир муқоясага ўтиб, капиталистик мамладаги ижтимоий ҳаётда мавжуд иллатларни фоч

Бу шеърнинг таъсир кучини жуда ошириб юбс контраст пайдо қилиб, Совет Иттифоқидаги ҳаё қолроқ, унинг афзалликларини равшанроқ т этишга ёрдам берган.

Шуниси диққатга сазоворки, илгариги шеър Баҳор классикларга эргашиб, «дунёда биров тў оч» деган бўлса, энди бу нотекислик, социал тен синфий курашга олиб келишини идрок этади. Ула бини очишга интилади:

Ҳасаду бахиллик нифоқу ҳужум,
Ғаразлар сабаби нуқсонли тузум.

Капиталистик мамлакатлардаги хусусий му. ва ундан келиб чиқадиган иллатларнинг саба су ҳасад эканлигини реал фактлар ва ҳаётий кар воситаси билан кўрсатиб берган шоир, халқни косаси тўлиб, охир бир куни адолатсиз тузумни ташлаши мумкинлигини айтади ва:

Бокуда ҳаётнинг қондаларин —
Кўриб, топдим гумдон нарсам асарин,—

дейди. Шоирнинг бу сўзлари тўғридан-тўғри у к лар орзу қилиб, тополмай юрган нарсасини, яън қа чинакам бахт йўлини энди топанлигига эмасми? Дарҳақиқат шоир ўз орзуси, кўнгил арэ ўз идеалини энди Совет Иттифоқи тимсолида к Ленин берган бу ҳаёт тарзининг бутун дунёга ёйи чин қалбдан истади.

Бу тартибни қабул этса гар олам,
Қолмасди на семиз, на озғин одам.
На бойлар бўларди йўқларга раҳбар,
На нодон бўларди донога сарвар.

Хусусан ўз ватани Эронни ҳам шундай кўри зу қилган ва бунга ишончи комил шоир:

Ишонамиз Улуғ Русга ҳамсоя
Бўлмоқ фаровонлик, ҳузурга моя,—

дейди.

Маълумки, Совет Иттифоқидан, айниқса, Шарқда социализм машъали бўлиб порлаётган Совет Шарқи республикаларидан ёғилаётган нур меҳнаткаш халқнинг шуурини ёритса ҳам, тескаричи баттолларнинг кўзини кўр қилғудекдир. Улар, ҳатто, ўз мамлакатларидаги ижтимоий иллатларда Совет Иттифоқини айбдор қилмоқчи бўладилар. «Коммунистлар динни барбод этувчи, мусулмон мамлакатларининг душмани, маданиятни хароб этувчилари» каби уйдирмаларни тарқатадилар. Ҳақиқатгўй шоир Баҳорнинг қуйидаги мисралари шундай ивбоғарларга жавоб бўлади.

«Рус қўшнилигидан динимиз хароб,
Маҳв ўлур одоб» деб, бермагил жавоб.

Ўзингга боғлиқдир бу дину олат,
Советлар дўстлиги келтирмас ғорат.

Шоир ўз ватандошларига, руслар қудратли, ўзини ўзи эплаган, халқига фаровонлик туғдириб бера биладиган қўшнини кўришни истайдилар, агар бундай сифатлар йўқ эса бу сенинг ўз ноаҳлигингдан келади, деб таълим беради:

Сен аҳл бўлмасанг ким ҳам гуноҳкор?
Ўз-ўзидан ёнар эскиган чинор.

Рус истар бадавлат полвон қўшнини,
Истамас заифу нолон қўшнини.

Шоир қасидасининг охириги байтларида мен ватанимнинг тилидурман ва яхши биламанки, эрон халқининг тили ва дили бир, дейди-да, Улуғ Ватан уруши йилларида Эрон орқали Қизил Армияга иттифоқчилардан яроғ-аслаҳа ташиб ўтилганлигига ишора қилиб, Совет Иттифоқининг буюк галабасида Эрон ҳам кўприк бўлди. Яхшилик сочувчи Совет Иттифоқи ҳеч қачон буни унутмайди деб Совет Иттифоқининг Эронга доимий хайрихоҳлигини яна бир тасдиқлайди:

Хаста, нолон ўғил отага қараб,
Қандай нарсаларни айласа талаб,

Бизлар ҳам истаймиз шунини ўртоқдан,
Бирликдан, дўстликдан, бу иттифоқдан
(38, 692-701).

«Бокуга ҳадя» шеъри эрон халқининг революцион онгини тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг

учун ҳам ҳозирги кунда Эронда чиқаётган Баҳор шеърлари тўпламларида бу асар эълон қилинмайди ёки фақат унинг табиат манзаралари тасвирланган қисмигина нашр этилади, холос (26, 270-278).

Эрондаги реакцион кучлар бу шеърдан қуёш нуридан қўрққан кўршапалаклардек қўрқадилар. Буюк форс шоири Саъдий Шерозий «Гулистон» китобида кўршапалак қуёш висолини истамаса-да, қуёш бозори совумайди деган эди.

Бу қасида Баҳор ижодида унинг умрининг охирги йилларидаги дунёқараш ва идеология масалаларини аниқлашда муҳум ўрин тутади.

«Бокуга ҳадя» асари кўп йиллар давомида пайпаслаб қидиргани тўғри йўлни Совет Иттифоқи мисолида топганлиги ва бунинг натижасида унинг сиёсий қарашларида кескин бурилиш юз берганлигига қатъий далилдир.

Баҳор бу шеърда илгари сурган ғоявий йўналишларни илмий публицистик мақола ва докладларида ҳам пропаганда қилди. Шубҳасиз Баҳор ижодида ва унинг дунёқарашида жиддий бурилиш юз берганлигидан далолат беради.

Баҳорнинг эстетик қарашларида, адабиёт, унинг вазифалари ҳақидаги тушунчаларида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Маликушшуаро Баҳор 1946 йилда Эрон-Совет маданий алоқалари жамияти томонидан уюштирилган Эрон ёзувчиларининг I съездида актив қатнашди ва унга раислик қилди.

У шоирлар ва ёзувчиларни адабиётни халқчил қилишга, уни омма ўртасига кенг ёйишга, халқ учун ҳақиқий мактабга айлантиришга чақирди. Халқ ўз адабиёти тақдирини ўз қўлига олгандагина адабиётнинг гуллаб яшнамоғи мумкин эканлигини Совет адабиёти мисолида ёрқин кўрсатиб берди (7, 5-9).

Съезд ўз ишини тугатгач, у вақтда Маориф ва маданият бўлган Баҳор Совет делегатлари шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Совет Иттифоқи ҳақида бадиҳа йўли билан шеър ўқиди.

Бу қисқа, аммо катта аҳамиятга молик шеърда:

Техрон шимолидан ўлкан Элбрусдан
Ҳар кеча шимолий дилкаш дам келур.

Шимолнинг мушк исли шабодасидан
Жон роҳатда, ажиб ҳолат ҳам келур.

Бул кеча бу шимол шаббодасидан
Хушнудман биз тараф бетўхтам келур.

Жонбахш шамол билан бирга биз томон
Қарвон-қарвон камол берақам келур.

Ортиқ сир тутмайман файзу барака,
Биз томон шимолдан жамулжам келур.
(40, 423).

каби мисралар бор. «Файзи Шимол» деб номланган, катта ҳаяжон билан айтилган бу лирик шеърда символик тарзда Эрон учун ҳамма яхшиликлар ва озодлик нозу-неъматлари шимолдан, яъни Совет Иттифоқидан келажаги, эрон халқининг ишонч ва умидларга тўла кўзи шу улуғ шимолий қўшниси томон йўналганлиги тасвирланган. Шеърнинг «Ортиқ сир эмаски биз тарафга ҳар бир файз фақат шимолдан келади» деб тугатилишининг ўзи жуда катта жасоратдирким, Баҳордан ўзга шоирларнинг кўпи бунга журъат эта олмас эдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бутун дунё халқлари янги даҳшатли уруш хавфига қарши тинчлик учун курашга отланган пайтда атоқли шоир ва гражданин Баҳор ҳеч иккиланиб турмай тинчлик учун курашчилар тарафига ўтди. Бу вақтда ўзининг оғир касаллигига қарамай, жўшқин ва эҳтиросли овозини прогрессив инсоният овозига жўр қилди. У Эронда тинчлик учун курашчилар жамиятининг ташкилотчиларидан бири бўлди ва умрининг охиригача шу жамиятнинг раиси бўлиб қолди. Унинг ёлқинли мақола ва хитобномалари тинчликни мустаҳкамлаш ишида катта кучга эга, шунингдек, булар авторнинг Совет Иттифоқи бошчилик қилаётган тинчлик лагери томонда мустаҳкам турганлигидан, бу лагерь ғоялари учун ҳормай-толмай курашаётганидан далолат қилар эди.

Ажойиб шоирнинг «Жанг бойқуши» номли шеъри халқ орасида, айниқса, кенг тарқалиб кетди. Шоир бу шеърда:

Уруш балосидан ёмон нима бор?
Ҳеч ким омон қолмас етса балоси.
Меҳнаткаш қонидан унинг шароби,
Ишчи устихони озиқ аълоси...
Нидосидан дунё хавфу хатарда,
Ҳар дилга даҳшатдир мудҳиш нидоси...
Оқ қандга ёпишган қумисқа каби
Жонга ҳамла қилар унинг қароси —

(38, 741).

каби мисраларда аллегорик тарзда уруш кулфатларини тасвирлайди ва кейин форс классиклари ижодида тараққий этган чин гуманистик орзу-умидларга суяниб, уруш-талашсиз инсоният учун ҳақиқий дўстлик-биродарлик даврларини орзу қилади:

Қани сулҳу тинчлик кунлари қани?
Экинзор гулласа, боғ дилкушоси.
Қани ростлик аҳли ва одамийлик?
Муҳаббат зиёси ва ишқ вафоси?
Қани биродарлик, дўстлик замони,
Қани абадийлик ҳаёт сафоси?

(38, 743).

Халқ бахти ва фаровонлиги учун уруш деган нарса дунёдан йўқолиши керак.

Худодан истайман жанг фано бўлсин
Унинг фаносидир халқнинг бақоси.

(38, 743).

Буни образли қилиб яна:

Офарин тинчликнинг оқ каптарига
Мафтун этар қўшиқ, куй — дилрабоси.
Вақт етди, бойўғлин кесилса боши,
Каптар оёғида етса қазоси.

(38, 743).

Тинчлик ва демократияни куйлаш Баҳор ижодини яна алангалатиб юборди. Шоирнинг ўзи ҳам буни таъкидлаб:

Баҳор яна гулдек очди таъбингн
Сулҳ мадҳин куйлагач, мадҳу саноси,—

(38, 743).

дейди.

Аммо афсуски бу улуғ шоир талантининг охирги шуъласи эди. Бу унинг охирги шеъри бўлиб қолди. Шоирнинг ўзи ҳам буни сезиб, асарини

Бу қасида билан тугади шеърим,
Илҳиздан узилди. Бу интихоси,—

байти билан тугатган эди.

Шеър жуда образли ёзилганлиги, равонлиги, шу билан бирга турли бадий воситаларга, ташбиҳот ва мажозларга бойлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Тинчликни сақлаш ҳақида барча мамлакатларда бўлганидек бу даврда Эронда ҳам жуда кўп шеърлар

ёзилди. Аммо Эронда ҳеч ким бундай ажойиб асар яратолмайди.

Баҳорнинг бу асари тезда халқ орасида шуҳрат қозонди. Шунинг учун ҳам «Маслаҳат» газетаси бу шеър ҳақида: «Эроннинг буюк шоирларидан бири маликушшуаро Баҳор ўз талантининг охириги марта лоп этган алангаси билан жанг бойқушининг қанотларини куйдирди. У шундай асар яратдиким, шеър шинавандалари Манучехрийдан кейин бунга тенг келадиган асарни кўрмаган эдилар»,— деб ёзди. (128)

Дарҳақиқат, «Жанг бойқуши» шеъри Баҳорнинг сўнги оташин нафаси бўлди.

Маликушшуаро поэтик ижодининг охириги даврида унинг асарлари ҳар томонлама балоғат ва камолотга етганлигини, шакл ва мазмун бирлигини касб этганлигини кўрамиз.

Баҳорнинг ўзига ҳам 1905 — 1911 йиллардаги жасурлик қайтгандек бўлди. Аммо бу жасурлик энди катта фарқ қиларди. Бу жасурлик ёшлик шижоати эмас, узоқ турмуш тажрибасига таянган ва доно кексанинг билими билан руҳланган ором ва мунтазамлик билан мақсадга интилувчи ва халқ орасидаги обру эътиборига суянган жасурлик эди.

Баҳор 35.000 байтдан ортиқ шеърий мерос қолдирди. Унинг асосий мавзулари эрон халқида эрксеварлик ва озодлик туйғуларини уйғотиш, ўз мамлакатининг мустақиллиги учун курашга чақириш, феодал ижтимоий тузумини қаттиқ танқид қилиш, шоҳлар, сарой аъёнлари, ҳоким синф намоёндалари, шайхлар, уламоларнинг кирдикорларини фош этиш, мустамлакачиларга қарши ғазаб, жаҳолат ва бидъатга, асрий қолоқликка қарши ўт очиш, хотин-қизлар озодлиги, чин инсоний муҳаббатни куйлаш бўлди. Шоир минг йиллик форс классик адабиётининг энг ёрқин гуманистик анъаналарига содиқ қолди ва уни конкрет тарихий шароитда давом эттирди.

Сўз рости дуруст бўлса, бўлур улуғвор
Одамга улуг сўздан улуглик ҳам ёр,—

дейди Маликушшуаро Баҳор Фирдавсийга аталган шеърида. У ҳақиқатгўй ва улуг сўзгина инсонни юксакликка кўтаришга ва унинг ўлиmidан кейин ҳам абадий янграшига ишонарди. Шунинг учун ҳам у А. С. Пушкин-

нинг «Ҳайкал» (Памятник) шеърини севиб таржима қилди.

Ўзи ҳам ажойиб асарларидан Пушкин айтгандек буюк ёдгорлик қолдирди. Унинг энг яхши асарлари ҳар бир кишининг кўнглида янгидан-янги чечаклар очиб баҳордек турланиб яшайди, зеро улуғ Фирдавсий айтгандек:

Бизлар бир ўткунчи, жаҳон барқарор
Одамдан фақат сўз қолур ёдгор.

КАМОЛОТ

Маликушшуаро Баҳор — ҳозирги замон форс шеъриятида юксак мавқега эга бўлган, поэзияда айрим мактаб ташкил қилган шоир.

У ўз ижодида Туркистон услубига таянди, уни ривожлангирди ва янги мазмун, янги шакллар, янги бадий ифода воситалари билан бойитди. Баҳор эстетикасининг асосий принциплари халқ ҳаётини тўлалигича акс эттиришга ҳаракат қилиш, уни таърифлашда соддаликка интилиш, халқ дилига тезроқ ва таъсирчанроқ кириб борадиган бадий ифода воситаларини излаш бўлди.

Маликушшуаро Баҳор форс шеъри тараққиёти тарихини ўзининг соддалиги, таровати ва теранлиги билан ажралиб турган Рудакийлар, Фирдавсийлар, Саъдий ва Ҳофизлар даври поэзиясининг, яъни Туркистон ва Ироқ услубларининг энг яхши томонларини ажратиб кўрсатди, чуқур ўрганди, улардан ижодий фойдаланди.

Баҳор классик даврда ишланиб вояга етказилган ва форс адабиётининг минг йиллик тарихида ўз ўрнига эга бўлиб, анча турғунлик касб этган ҳамма турларда ижод этди. Унинг ижодидан қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъбанд, мустаҳзод ва бошқа шаклларнинг барчасида етук асарлар намунасини топа оламиз.

Қасида жанри форс адабиётининг кейинги даврларида формализмга қаттиқ мубтало бўлган, XIV — XV асрдан бошлаб сунъий қасидалар пайдо бўлган, уларда мазмун иккинчи даражали нарса бўлиб, сўниб қолган эди. Баҳор XX асрда ўз таланти билан қасида жанрини жонлантира олди. Уни янги мазмунлар билан бойитди, кўп асрлардан бери қотиб қолган бу жонсиз шаклга давр нафасини уфуришга муваффақ бўлолди.

Баҳор қасида жанрига кўп аҳамият берди. Шоир-

нинг қасидага бунчалик ўчлиги ёшлигиданоқ Машҳад зиёратгоҳининг маддоҳи вазифасидаги отасининг таъсири ва ўзининг ҳам шу зиёратгоҳлар маликушшуароси вазифасига тайёрланиб, мушбoира ва синовлардан ўтиши бўлса керак. Аммо у фақат шоҳлар ва шиа имомларининггина мадҳ этмади. Улуғ шоир қасиданинг бу анъанавий вазифасидан чекиниб, халқ курашчиларини мадҳ этувчи, (38, 313) *خون خیابانی* уларнинг ғалабасини васф этувчи (38, 168) *فتح تهران*, конституцияни мақтовчи (38, 626) *بشکرانه توشیح قانون اساسی* Совет Иттифоқи халқлари ҳаётини тасвирловчи (38, 692) *هدیه باکو* ва бошқа замонавий мавзуларда қасидалар ёзди.

Шу билан бирга Баҳор форс шеърятининг асрлар бўйи қотиб, адабиёт учун торлик қилиб қолган шаклларни чуқурроқ ўрганиб, янги имкониятларини очишга ва унга баъзи янгиликлар киритиб бу имкониятларни кенгайтиришга ҳаракат қилди ҳамда бир қанча муваффақиятларга эришди.

Эронда иккинчи жаҳон урушидан кейин эрон халқининг мустақиллик ва тинчлик учун олиб борган кураши қизиб кетди. Бу қаҳрамонона кураш натижасида инглизлар эрон нефтини эрон халқининг ўз қўлига қайтариб беришга мажбур бўлдилар.

Эрон халқи иқтисодий ва сиёсий мустақиллик, тинчлик учун курашда бир қатор муваффақиятларга эришди. Қаҳрамонона курашни ва озодлик ғояларини акс эттирувчи революцион шоирлар орасида, айниқса, ёшлар орасида янги мазмун учун янги шакллар излаш кучайиб кетди. Аруз асосида янги вазнлар, бармоқ вазнида шеърлар, европа халқлари поэзиясида мавжуд усулларда қофиялаш каби ҳоллар учрай бошлади. Кейинчалик янги шеър (*شعر نو*) (48) деб аталган янги усул бошланди. Эски ва янги шеър тарафдорлари орасида қаттиқ тортишувлар, музокара ва мунозаралар авж олди. Бу мунозаралар эрон ёзувчиларининг I конгрессида ҳам давом этди.

Баҳор классик шакл тарафдори эди, аммо у классик шаклга ёпишиб олган ва унинг ҳеч бир ерини ўзгартириш мумкин эмас дейдиган консерватор эмас эди. У шакл ва мазмун бирлигига катта аҳамият беради. *پيرو موضوع باشد شعر من*—Менинг услубим мавзу

кетидан боради“ (40, 230) деган шоир ҳар бир мавзунинг ўзига мос (хоҳ эски, хоҳ янги услубда) шакл танлайди.

Бу эса Баҳор эстетикасининг муҳим томонларидан бири. Маликушшуаро Баҳор 1918 йилда чиқарган «Донишкаде» журналининг вазифаларини белгилаб ёзган бош мақоласида ҳам янги поэзия учун кураш лозимлигини таъкидлайди (4,217), классикларни чуқур ўрганиб, уларнинг юксак услубини ривожлантириш (4, 5), янги замонавий шакллар ихтиро қилиш йўлида изланиш (4, 5) ҳақида гапиради ҳамда энг асосий вазифа «ёшлик руҳи» ва озод фикр (4, 6) учун кураш эканлигини кўрсатган эди.

Эрон ёзувчиларининг I Конгрессида бу масалада бўлган мунозараларга яқун ясар экан аруз шеърининг қадим эрон шеъриятида мавжуд бўлган ҳижо шеърдан келиб чиққанлигини кўрсатиб ўтди, ҳижо шеърини поэзия тараққиётида аллақачон босиб ўтилган йўл деб баҳолади, сочма шеърни эса саж билан тенглаштирди ва унинг порлоқ намунасини Саъдий яратган эди. Уни *نثر فنی* бадий наср деб атади. Баҳор изланишларга чек қўйиш ва янги шеърга бутунлай қарши бўлган кишиларга ҳам қўшилмади.

Услубшунослик ҳақидаги китобларида баён этган — шеър ва шеърӣ шаклларни, бадий услубларни замон яратади деган фикрини яна қувватлаб давом эттирди ва замоннинг ўзи энг яхши қози деган маънода: «Шунинг билан бирга, биз шоирларга, классикларга эргацишни ман қилмаймиз, уларни оқ (қофиясиз) ва вазнсиз шеърлар ёзишдан ҳам тўхтатмаймиз. Биз уларга эркинлик бериб қўйишимиз керак, токи улар ҳунарларини намойиш қилсинлар.

Биз наср ва назмда илгари боришимиз ва янги интилишларни тақдирлашимиз керак... халқнинг ўзи яхши санъатни ёмонидан ажратиб олади ва ниҳоят, тил ва тафаккур озодлиги, нашр эркинлигининг ўзи келажакда ёш ёзувчилар ва шоирларга йўл очиб беради»,—(112, 302) дейди.

Бундан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, Маликушшуаро Баҳор қандайдир схемалар ва рецептлар беришга тамоман қарши. Унинг фикрича, поэзия тараққиётини ҳаётдан ажралган, мавҳум ёки фақат ўтмишга асосланган назарий қондаларгина эмас, ҳаётнинг ўзи ва шоир-

ларнинг фикр эркинлиги, сўз ва нашр эркинлиги белгилайди.

Баҳорнинг бу фикрлари диққатга сазовор, албатта. Поэзиянинг яхши ёмонини эса халқнинг ўзи таялаб олади.

Шунинг учун ҳам конгресснинг Баҳор таклифи билан қабул қилинган қарорида шундай модда бор:

«Конгресс шоирлар ва ёзувчилар халққа юз ўғирадилар, ҳадди сиққан даражада бугунги кун оҳангига мувофиқ келадиган, мулойим услуб ва усуллар қидиришга киришадилар, улуғ адабиёт яратиш омилларидан бўлган соғлом ва илмий танқидчиликни ривожлантирадилар деб умид қилади» (112, 303).

Шеър манбаи осмонда эмас, ерда эканига Баҳорнинг имони комил. Баҳор эстетикасининг асоси ҳам шунда. Аммо шеър нима, унинг вазифаси ва сифати қандай белгиланади? Вазнга солиниб қофияланган сўзларда ифода этилган ҳар қандай фикр ҳам шеър бўладими?

Бундай саволлар адабиёт майдонига қадам қўйган дастлабки кунлариданоқ Баҳор фикрини банд этиб келади. У 1918 йилда нашр қилган „Донишкаде“ журналида *تأثير محيط در ادبيات* „Адабиётга муҳит таъсири“ (4, 171—178, 227—235), *شعر خوب* „Яхши шеър“ (4, 283-290, 339-357) ва бошқа мақолаларида юқоридаги масалаларни ечишга ҳаракат қилади. Кейинчалик „Услубшунослик ёки форс шеърининг тараққиёти тарихи“ китобида бу масалаларни тарихий жараёнда ва улкан сўз устодлари ижоди мисолида атрофлича текшириб чиқди.

Баҳор назм ипига терилган сўзларнинг ҳаммасини ҳам шеър атаб бўлмайди деган фикрни майдонга ташлайди. У назм ва шеър, нозим ва шоир сўзларини ҳам камол нозик томонларидан фойдаланиб бу сўзларнинг истилоҳий маъноларини фарқлайди. Унинг фикрича, маълум бир тартибга солинган ҳар қандай калом шеър бўлолмайди, бу ишни бажарган нозим—тартибловчи ҳам шоир бўлолмайди:

Баҳор «Шеър ва назм» деган шеърида бунини шундай ифодалайди:

Шеър недур билсанг, у гавҳар ақл дарёсидан,
Шоир афсунгар эрур дур тергучи аълосидан.

Санъату қофия ҳам саж назмдирку шеър эмас,
Қанчалаб нозимни кўрдим назми суст пайдосидан.


Шеър дилдан қўзғалур, сўнг лабда қайнаб жўш урар,
Қайта дилларга ўтиргай у қулоқ маъвосидан.
Умрида назм этмаган шоир жуда кўп учрагай,
Умрида шеър этмаган нозим кўп ўз даъвосидан.
(40, 407).

Демак, шеърнинг вазифаси ҳис-туйғуни ифода этиш.
Бу жиҳатдан Баҳор «Форс шеърининг тараққиёти тари-
хи» китобида «шеър» сўзига берилган қадим араб таъ-
рифи ҳақида гапириб: Манзума деганимиз вазн жиҳа-
тидандир. Бу тоифа қаттиқ ишонадики, пайғамбар, яхши
муносабатда бўлмаган шоирлар кишиларнинг ичидан
хабардор бўлганлиги ва ичидан чиқариб шеър айтган-
лари учун شعور (шуур) негизидан олиб шоир атал-
ган. Қариш руҳонийлари ва араб коҳинлари бўлганлар.
Булар шундай кишилар эдики, ўткир кўз билан ёки
уларга хабар бериб турувчи жинлар воситасида одам-
ларнинг хаёлларидан воқиф бўлиб турган ва саж билан
қофияли сўзлаганлар. Пайғамбар фармон хоҳиш қилди-
ларки, мен бу тоифадан эмасман ва қуръон ҳам сажда
бўлса-да, аммо коҳинлар ишлатган саждан эмас, чун-
ки қуръон шоир ва мажнунни бир мазмунли деб билади
ва бу нарса буткул шунини тасдиқ қиладики, шафқатли
пайғамбар (салли ало ва саллам) нинг кўзда тутган ко-
ҳин шоирлар ва коҳинликнинг жинларга алоқадорлиги,
яъни уларнинг дуо ўқиш жин-ажина билан ҳамкорлик
қилишидир» (36, 18).

Бу қизиқ факт пайғамбар хадисларида ҳақиқатан
ҳам шоирларни жинниларга тенглаштирувчи, комил му-
сулмон кишиларни шеър ўқиш ва ёзишдан ўзларини
тийишга ундовчи, демак, кишиларни ҳаётини ҳис-туйғу-
ларга берилиб кетмасликка чақирувчи кўрсатмалар
бор. Демак, Шарқда ҳам шоир қадимдан ҳис-туйғу муб-
талоси сифатида талқин этилади. Маликушшуаро ҳам
шу фикрда, унинг юқоридаги келтирилган шеъридан
очиқ кўриниб турибдики, Баҳор бадий адабиётда, хусу-
сан шеърятда асосий ўринни ҳис-туйғу эгаллаши лозим
эканлигини таъкидлайди.

Баҳорнинг бу фикрлари Л. Н. Толстойнинг «Санъат
нима?» деган асарида баён қилган фикрларига ўхшайди.
Улуғ ёзувчи санъатнинг туб моҳияти ҳис-туйғулар та-
шувда эканлигини таъкидлаб, санъатга шундай таъриф
берган эди: «Ўзида бир маротаба ҳис қилинган туйғуни

қайта жонлаштириш ва уни ҳаракатлар, чизиклар, ранг-
лар, товушлар, сўзлар билан ифодаланган образлар ёр-
дамида ўзида қайта жонлантириб, уни бошқаларга шун-



Маликушшуаро Баҳорнинг ўз хатидан намуна.

дай етказиб бериш керакки, улар ҳам шу ҳисни туйсин-
лар, санъатнинг қиладиган иши мана шундан иборат.
Санъат инсонга хос фаолият, у шундан иборатки, унда

бир киши маълум ташқи белгилар ёрдами билан онгли равишда бошқа кишиларга ўзи ҳис қилган туйғуларни ўтказди, бошқа кишиларга эса бу ҳис-туйғулар юқади ва улар ҳам уни бошдан кечирадилар»¹.

Улуғ санъаткор санъатнинг фикр ташувчилиқ фаолияти ҳақида гапирмаса ҳам, аммо уни инкор қилаётгани йўқ, албатта, бунга унинг чуқур тарихий мазмундор асарлари гувоҳ, лекин у санъат таърифида ҳис-туйғуни ифода этиш вазифасини биринчи ўринга қўймоқда.

Маликушшуаро Баҳор ҳам худди шундай фикрда. Шунинг учун ҳам у ҳар қандай назм шеър бўла бермайди деб илмий мақолаларида ҳам, шеърӣ асарларида ҳам таъкидлади.

Шунингдек, у шеър техникасига ва бадий ифода воситаларига жуда катта аҳамият берди. Чунки юқорида Л. Толстой айтганидек, ҳис-туйғуни бошқаларга етказиб берувчи воситалар шу бадий воситалар эканлигини у олим сифатида яхши тушунар ва шоирона ҳис қилар эди.

Шунинг учун ҳам биз Баҳор ижодида классик бадий воситалардан моҳирона фойдаланилганлигини, улар ривожлантирилганлиги ва янгилари билан тўлдирилиб бойитилганлигини кўрамиз.

Баҳор жуда ёшлик чоғидан классик адабиётда камолга етказилган бадий ифода воситаларини, шеър техникасини чуқур ўрганган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи: «Отамдан тамом адабиёт аслу қондаларини эҳтирос билан ўзлаштирдим, билимдон ва шоир ота соясида форс шеъри билан танишлик орттирдим» (36, 5),— деб ёзган эди. Бу санъатни у янги бир шеърӣ майдонда саройдан чиқиб, халқ орасига дадил қадам қўйган XX аср шеърӣ-тида моҳирона ишлатди ва ривожлантирди.

Баҳор услуби жуда мураккаб, у назирагўйлик ва тақлидчиликдан бошланиб, XX аср эрон поэзиясида чуқур из қолдирган мустақил услуб даражасига кўтарилгани учун уни ўрганишнинг аҳамияти жуда катта ва бу айрим тадқиқот иши. Баҳор классик адабиёт тараққиёти босиб ўтган ҳамма услубларни чуқур ўрганган, уларнинг назокат ва малоҳатини эгаллаган, ишлатиб кўрган ва шунинг билан бирга, ўз замонаси нафасини элта олувчи услуб қидирган шоир. У шеърнинг замон билан жуда жипс

¹ Л. Н. Толстой, Что такое искусство? Полное собрание сочинений, серия первая, произведения, т. 30, М., 1951, стр. 65.

пайванд эканлигини чуқур ҳис қилган ва «шоир замон шогирди» деган эди:

Бошқа сўзни сенга айлай мен баён,
Ҳар давр, ҳар жойда шоир ҳар қачон
Бўлди шогирди замон

(40, 228).

Бу сатрлар шоирнинг ўз устоди Содиқ Сармад билан қилган мушоирасидан. Сармад Баҳорга шеърӣ мактуб йўллаб, замон янги адабий услуб талаб этаётганини, бу услубни яратишда Баҳор бошчилиқ қилиши лозимлигини уқтирган эди. Бунга Баҳор янги услубда ёзилган маснавий мустахзоди билан жавоб берди. Унда форс адабиёти тарихида юз берган услуб ўзгаришлари, классиклар ва ўз замондошлари услубига бирма-бир баҳо бериб чиқади ва ўз услуби ҳақида гапира бошлайди.

من خود از اهل تتبع بوده ام
جانب تقلید ره پیموده ام
وز تعب فرسوده ام
لیک در هر سبک دارم من سخن
پیر و موضوع باشد سبک من
سبک نو، سبک کهن
نوترین سبکی که در دست شماست
بار اول از خیال بنده خاست
دفتر و دیوان گواست
بود در طرز کهن نقص عظیم
رفع کردم نقص اسلوب قدیم
با خیال مستقیم
سبکها در طبع من ترکیب یافت
تا که طرزی مستقل ترتیب یافت

Мазмуни: Мен татаббу аҳлидан эдим, тақлид йўлини ўтиб чиқдим, заҳматидан эзилдим. Менинг ҳар услубда шеърларим бор, менинг услубим мавзуга қараб белгиланади, янги услуб ё эски услуб. Сизнинг қўлингиздаги

энг янги услуб. У аввало бу банда хаёлида пайдо бўлган. Менинг девоним бунга гувоҳ. Қадимги тарзда катта нуқсон бор эди, қадим услубнинг камчилигини йўқотдим, мустақил хаёлим билан. Менинг таъбимда услублар таркиб топди. Улар мустақил йўлга эга бўлгунича тартиб топди.

Афсуски, шеър тамом бўлмай шу ерда узилиб қолган. Аммо шоир ўз услуби ҳақида, ундаги традиция ва новаторлик ҳақида кўп нарсани айтишга улгурган. Қолганини эса унинг бошқа асарларига қараб билиб олса бўлади.

Баҳор «Фахрия» (38, 377) асарида ҳам услуб ҳақида кўп гапиреди ва классик услуб рақибларига қарата:

ندانند کان باستانی سخن
کلیدی است در فضل، مشکل گشا

Мазмуни: Улар билмайдиларки, қадимги суҳан, мушкулларни ечувчи фазл калитидир. У классик наср сусти бўлганлигини, бу соҳада кўп иш қилиш кераклигини, поэзияда эса унинг юксак ютуқларига таяниш лозимлигини уқтиради.

Дарҳақиқат, Баҳор услубининг мураккаблиги ҳам шундаки, у классик услубларга таяниб, уларнинг ҳаммасидан янги мавзу, янги талаблар учун фойдаланади. Уларни дил қозонида қайнатиб, ҳис шираси билан суғориб, янги давр тақозосига мос услуб яратади. Шоир фақат халқ таъбинигина услубларнинг яхши ёмонини ажратувчи мезон деб билади:

هر آن چیز کانرا پسندند خلق
سراسر صوابست و جز آن خطا

Мазмуни: Ниманики, халқ қабул этса, шу бошдан оёқ яхши, ундан бошқаси хато.

Баҳор услубини чуқур ўрганиш XX аср форс шеъриятида пайдо бўлган, ҳатто, бири бирига ўхшамайдиган кўпгина бадий услубларнинг негизи ва илк характериани аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Биз бу кичик бир бобда Маликушшуаро услубининг ва маҳоратининг ҳамма томонларига тўхталиб, у ишлатган бадий воситаларнинг барча турларини намоён қилиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Бунинг учун

айрим монографик асар ёзиш лозим бўлади. Аммо катта қозондаги ош тузини кўриш қабилда бир неча мисол келтириш билан кифояланамиз.

Аввало биз Баҳор ижодида халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан самарали фойдаланиш мисолларини жуда кўп кўрамиз, Баҳор революция даврида халқ қўшиқлари шаклида таснифлар ёзган биринчи шоирлардан эди.

У ўз ижодида воқеаларнинг туб моҳиятини жуда чуқур очиб бериш учун халқ даҳоси билан сайқал топган мақол ва маталлардан ўринли фойдаланди.

Масалан, مجلس چهارم (Тўртинчи мажлис) қасидасида Баҳор тўртинчи мажлиснинг хиёнаткор аъзоларини фош қилиб, унда халққа хиёнат қилаётган тескаричилар халқ ғазабига учраши аниқ эканлигини бировга чуқур қазисанг ўзинг йиқиласан маъносидаги мақол билан ифодалайди.

مثل است اینکه چهی گر برهی حفر شود
زود تر از همه حافر فتد اندر محفور

Қазилса йўл узра чуқур, бор масал,
Қазиган тушади ҳаммадан аввал.

Баҳор унинг ижодига туҳмат қилган рақибларидан бирига қарата ёзган «Заррин совутман» деган қитъасида, унинг ижодига ҳужум қилиш бефойда эканлигини «сув бетига ғишт қўйиш» деган мақол билан чуқур ва ишонарли ифода этади:

— سنگ بر شولان میفکن خشت بر دریا مزین

Тоққа тош ташима,
Дарёга ғишт урма

(40, 439).

Баҳор тазмин санъатидан жуда усталик билан фойдаланар экан Рудакий, Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Саъдий, Санойй, Ҳофиз, Саъд Салмон ва бошқа классиклар асарларидан ўринли кўчирмалар қилади, ўз фикрининг тўғрилигига ҳужжат келтириш билан бирга, шеърнинг таъсир кучини оширади.

Биз «Кеча сукути» (31, 339) шеърда Баҳор шеърсиз туролмаслигини Саъд Салмон байти билан ифода этга-

нини кўрган эдик. Ўзининг зиндонга тушганлиги ҳақида
Рудакий тили билан

Назм қайдига тушдим хушовозликдан
Хусним гувоҳила бўлдим зиндонда,—

дейди.

Саъдийнинг «Бўстон» асарида бир ҳикоя бор. Унда
бир киши тушида шайтонни учратиб қолади. Қараса
фаришталардек гўзал экан. Ул киши ҳайрон қолиб, сени
бундай тасвирлашмас эдику деганда, шайтон бунга жа-
вобан:

Мени шаклим эрмас у янглиғ хунук,
Қалам ёв қўлида эрур ҳар нчук
Бу янглиғ гўзалман ва лекин ҳамон
Менинг суратимни чизарлар ёмон,—

деб жавоб беради.

Маликушшуаро Баҳор «Сайлов» деган шеърида бу
масалдан усталик билан фойдаланиб, шеърини Саъдий-
нинг «Гулистон»идан олинган сўзлар билан тугатади:

Гараз оёғидан, вужудга мараз,
Саъдий сўзларининг гувоҳи бу иш
«Икор кўзи билан қараса киши,
Юсуф юзини ҳам кўрар бадбуруш.
Агар муҳаббат-ла қараса девга,
Кўрар фариштадек покиза сиришт»
(38, 705).

Классикларнинг машҳур байтларидан фойдаланиш
шоирга кўпинча мақсадни бир ишора билангина тушун-
тириб қўя қолиш имконини беради. Масалан, Саъдий
Шерозий «ақлли одам икки умр яшаши лозим. Бирида
ўзи илм олса, иккинчисида бошқаларга илм беради,
мураббийлик қилади» деган.

Ҳар кишида бўлса ақл ҳам ҳунар,
Дунёда лозим анга икки умр.
Аввалида йиғса билим, тажриба
Сўнгисида барчасин ишга солур.

Баҳор «Табиат жамоли» шеърида бу гапларни тўла
келтирмаса-да, «тажриба кетида икки умр лозим»
(38, 504) деб бир сатрда Саъдийнинг мазкур сўзлари-
га ишора қилиб кетади.

Баҳор ижодидан бундай мисолларни жуда кўп кел-
тириш мумкин. У Саъдий Шерозийни васф этар экан,

унинг ғазалига мусаддас боғлайди ва шундай бандлар
ижод этади.

Саъдий сен каби нодир суҳан инсон борми ҳеч?
Ҳам ширин тил, ҳар сўздан шакар афшон борми ҳеч?
Ёки «Бўстон» у «Гулистон» ингча ризвон борми ҳеч?
Ҳечмен орзунг қилмасам, орзунгсиз инсон борми ҳеч?
«Тингла, эй дўст, сендан ўзга дўсту ёрон борми ҳеч?
Куну тун фикрингсиз ўтган менда бир он борми ҳеч?»
(38, 623).

Кимда гар ишқ бўлмаса этгил ани мурда ҳисоб,
Абадий ўлмас у жон ишқдан агар топса таноб.
Форс ери сийнасига олди сени мисли лубоб,
Лек бу тупроқ ишқинг ўтини қилолмайди хароб.
«Тупроғингдан шамол элтиб барчани этди хушоб,
Айт бирон атторда улсиз мушки Хўтан борми ҳеч?»
(38, 625)

Шоир «Саъдий Панди» (38, 128) шеърида Саъдий
ғазалидан тазмин қилиб, мусаммат яратади ва шоҳни
адолатга чақиради. Баҳор жуда кўп асарларини клас-
сик шоирлар ёзган қасидалар йўлида ёзади. Масалан,
унинг энг яхши асарларидан ҳисобланадиган «Боку ҳа-
дяси» (38, 692) асари Анварийнинг «Самарқандга етар
бўлсанг эй боди саҳар» деб бошланувчи қасидаси шак-
лида, «Жанг бойқуши» асари (38, 740) Манучехрий қа-
сидаси шаклида, «Ё ўзгариш ё ўлим» асари (38, 270)
Масъуд Саъд Салмон қасидаси шаклида, отасининг
ўлимига бағишланган «Ота ўлими» (38, 21) қасидаси
эса Рудакийнинг машҳур «Қариликдан шикоят» асари
шаклида ижод этилган.

Баҳор бу шаклларни ўзи ифода этмоқчи бўлган фикр
ва ғояга, бошқалар билан ўртоқлашмоқчи бўлган ҳис-
туйғуга мосларини танлаб олади. Тўғрироғи у танла-
майди ҳам бу оҳангларнинг ўзи шоир қалбида туғила-
ди, чунки баъзан киши кайфиятига қараб ғамгин ёки
қувноқ куйлар, ашулалар киши миясида такрорлана
бошлайди. Маяковский ҳам аввал шеър оҳанги пайдо
бўлиши ҳақида ёзган эди².

Баҳорнинг «Жанг бойқуши» шеъри оҳангида солдат-
лар марши ёки тинчлик тарафдорлари марши садолари
эшитилиб туради.

Баҳор Эльбурснинг ажиб шабадаси ва ёқимли ман-

² В. Маяковский, Как делать стихи? Полное собрание со-
чинений, т. 10, М., 1948, стр. 230.

зараларини тасвирлар экан Рудакийнинг Бухоро тасви-
рига ишлатган жуда ажойиб бадиҳаси оҳангида куй-
лайди. Чоғиштинг, Рудакийда:

Буйн жуйи Мулиён ояд ҳами,
Еди ёри меҳрибон ояд ҳами.

Баҳорда:

Боди субҳ аз куҳсор ояд ҳамн,
Еди ёри ғамгусор ояд ҳамн
(38,421).

Классиклар ижоди билан ўқувчи онгига сингиб кет-
ган оҳангларда куйлаш, халқ онгига чуқур ўтириб қол-
ган оҳанглардан фойдаланиш Баҳор шеърларининг қач-
нотини бақувват қилди ва уларнинг эл ичида тез тар-
қалишига, севилиб ўқилишига сабаб бўлди.

Масалан, 1911 йил охирида вазир Носирулмулк
эътидол партиясини тузиб, демократларга қарши кураш
бошлади. Демократлар тарафида бўлган Баҳор бунга
қарши ўткир сатира ўтини очар экан халқ орасида маш-
хур ва сеvimли классик шоир Жалолиддин Румийни ҳам
ўз сафига олади. Баҳор «Носирулмулк» деган таркиб-
банд ёзади (38, 217). Бу шеърнинг қайтариловчи байти
ва ундан олдинги бир байтга Жалолиддин Румий (Мав-
лавий) нинг маснавийсидан байтлар келтирилади. Ма-
на ундаги бир банднинг охири:

Хар кимга кўл узатмоқ мақул эмас-да ҳар он,
а учар кўпинча шайтон.
о одам ҳисоб этилса инсон,
Аҳмад билан Бужаҳил бўларди бирга хандон
(38, 217).

Бундан кўриниб турибдики, Носирулмулкни Баҳоргина
эмас у билан бирга Эроннинг энг халқчил, энг буюк
шоирларидан бири Мавлавий ҳам қоралаб унга ғайри-
инсонийлик тамғасини босиб, халқ орасида сазойи қил-
моқда.

Бундай шеърларни баъзи адабиётшунослар назира-
лар дейди. Аслида бу назирагўйлик эмас, чунки назира-
нинг ҳамма талабига жавоб беролмайди. Баҳор форс
шеъриятида ишланган ва форс тилига мос вазнлардан
ўрни билан фойдаланади, холос. Назирада шаклгина
эмас мавзу ҳам бир бўлиши керак (мазмунда тафовут
бўлса-да мавзу бирлиги лозим). Маликушшуаро Баҳор
қасидаларида мавзу тамоман янги, баъзан шакл ҳам
тўла сақланмайди, масалан юқорида келтирганимиз

Рудакий шеърида «он» қофияси бўлса Баҳор асарида «ор» қофияси ишлатилган.

Баҳор форс шеърининг жуда кўп вазнларида ёзди, аммо бу жуда қонунлашиб қолган соҳада ҳам изланишлар қилди, ҳатто янги вазн очишга ҳам муваффақ бўлди. Масалан, у «Қино» (38, 494) шеърида янги баҳр кашф этди:

غم مخور ايدل كه جهان را قرار نيست
و آنچه تو بينی بجزا زمستمار نيست

деб бошланган бу қасида, مفتعلن مفتعلن فاعلن فاعلن муфтаилун, муфтаилун, фаилун, фаул вазнида бўлиб, у сарий баҳрининг матвий-е макшуф (ёки мақсури мазид) зихофидан тузилган. Бу вазни биринчи бор Баҳор қўллади. Демак, шоир классиклар қўллаган тайёр вазнларни кўр-кўрона ишлатавермаган. Ундан ташқари, Баҳор ҳар бир вазнда янги-янги оҳанглар пайдо қилишга ҳам эриша олган сўз устодидир.

Бунинг учун у иштиқоқ тажнис (аллитерация) ва бошқа санъатлардан усталик билан фойдаланади. Масалан, «Рус тўпи» (38, 221) таркиббандини ўқир экансиз тўплар гумбурлашини эшитаётгандек бўласиз (38, 221).

Маликушшуаро Баҳор доимо изланишда бўлиб, Шарқ классик адабиёти, айниқса, араб адабиётини, шу билан бир қаторда европа адабиётини ҳам чуқур ўрганади. «Донишкаде» журналидаёқ Ғарб классик адабиёти намояндалари шеърларидан ва ҳозирги замон шоирлари ижодидан намуналар босиб боради³. Уларнинг шаклидан ижодий фойдаланади.

Шоир бармоқ вазнида ҳам шеърлар ёзади (38, 344).

Баҳор доимо изланишда бўлиб янги шеърый шакллар ижод этди. Классик поэзияда шеър бирлиги байт ҳисобланар эди. Форс шеърятининг ҳамма турларида бандлар мана шу байт асосида қурилган.

Баҳор Европа халқлари шеърятида қўлланиладиган бандларда шеърлар ёзади, таржималар қилади. Пушкиннинг «Ҳайкал» шеърини тўрт мисрали бандлар

³ Жумладан рус шоири Вяземскийнинг «Қиш» шеърини, (4, 559), «Большевиклар қўшиғи» сарлавҳаси билан революцияга қақирувчи бир шеърни (4, 95) нашр этади.

билан таржима қилди (38, 609). Шеърнинг қофиясини ҳам *абаб* схемасида қилди.

«Менинг кабутарларим» (38, 344, қофияси *абаб*) «Олти минг йиллик қадим» (38, 382) мусамматини шоирнинг ўзи тамом янги тарзда ёздиким, Баҳоргача ҳеч ким бундай шаклни ишлатган эмас.

Маликушшуаро — ҳамсаи мустарақа (бешлик 38, 409, қофияси *абвб*), «Қасро ва деҳқон» (38, 441, қофияси *абвб*), «Эй тун қуши» (38, 526, қофияси *абаб*) ва бошқа шеърлар ҳам Эронда ҳозирги кунда ёшлар орасида кенг тарқалиб бораётган янги шаклда ёзилаётган шеърларга (شعر نو) маълум даражада асос бўлди дейиш мумкин. Баҳор қофиялаш системасига янгилек киритиш билан бирга классик поэзияда бузиш қатъиян ман этилган эркинликларга йўл қўйди. У «Навиди пейк» (38, 553) шеърида араб (алифбосида; зол) ва иккинчисида > (дол) билан тугаган сўзларни қофия қилган (38, 355). Бу тортишувли масала ҳақида шоир «Оинаи ибрат» асарида ҳам гапиради (39, 45).

Шунингдек, Баҳор шоирдан катта истеъдод ва тил бойлиги талаб қилинган шаклий санъатларни ҳам ишлатади.

1924 йилда Эронда жумҳуриятчилик ҳаракати авж олди, унинг моҳияти халқни алдаш эди. Аммо тўғридан-тўғри унга қарши чиқиш хавфи эди. Шу пайтда Маликушшуаро Баҳор кўринишдан жумҳуриятчиликни ёқловчи мусаммат ёзди ва жумҳуриятчилар газетаси «Ноҳид» да нашр эттирди. Аммо асар мувашшаҳ тарзида ёзилган бўлиб, унинг 1-3 5-7 мисраларининг бошланиш сўзлари ва 4-8 мисраларини тўла кўчирилса жумҳуриятчиликни фош этувчи ғазал ҳосил бўлади (38, 357-359).

Баҳор «Техрон офатлидир» (38, 301) қасидасини қўш қофия билан ёзиб, оҳангдорлигини ва мусиқий таъсирини оширган.

Катта маҳорат соҳиби Маликушшуаро Баҳор ўз мақсадларини амалга ошириш учун, ўзи ифода этмоқчи бўлган фикрни шеъринг либосга ўраб, муъжаз ҳамда аниқ етказиб бериш учун керакли сўзни албатта топиб, жой-жойига қўя олади. Унинг хотираси омборидан керакли истилоҳот албатта топилади. Бунинг учун у гоҳ классик адабиётга мурожаат этиб, архаик сўзлардан фойдаланса, гоҳ ўз атрофида қайнаб турган ҳаётдан озиқланиб халқ оғзида тез-тез қайтарилиб турган иб-

ралардан фойдаланади, Европадан, француз, рус, немис, инглиз тилларидан кириб келаётган сўзлардан ҳам ўринли фойдаланади.

Баҳор тилининг ўзига хос томонларидан бири архаизмлардан кенг фойдаланишдир. Унинг „Жанг бойқуши“ асарида *ديو يا*—ўргимчак, *کلنگ*—сих, *جنگجو*—жанжалкаш сўзларини учратамиз, *جنگبار* уришқоқ сўзини янги мазмун билан бойитиб, „Ўруш оловини ёқувчи“ маъносида ишлатади. „Офтоб“ (38, 333) васфига бағишланган олий қасидасида ҳам ҳозирги тилда ишлатилмайдиган яхши мукофот (*پاداش*) нуроний (*اخشيحي*) азамат (*فرو*) моддий маъносидаги (*شيد*) каби қадимий сўзлар кўп учрайди. Бу сўзлар ўрнига ҳозирги тилда *سўз* *پاداش*, *خوب*, *نوراني*, *جلال*, *مادی* лари ишлатилади.

Шоир «Рустамнома» шеърида:

جوان چودید که رستم بجست، گفت دهید
بگشت نساگه صد تیر را نشان رستم

(Йигит Рустамнинг сакраганини кўриб, «ур», деди, Рустам ногоҳ юз ўққа нишон бўлди) (38, 431) деган байтида *دهید*—ур сўзини ишлатади. Бу сўз фақат Байҳақий тарихи (XI аср) китобида учрайди холос, ҳозирги тилда асло учрамайди.

Баҳор айрим сўзларнигина эмас, феълларнинг қадимий шаклларини ҳам ишлатади. Масалан, Вудакий замонида феълнинг ҳозирги ё ўтган замон давом шакли учун ишлатиладиган «Ҳами», «ми», ёки «и» суффиксларидан фойдаланади.

گر بکوه اندر پلنگی بودمی
سخت فک و تیز جنگی بودمی

байти билан бошланган *هوس شاعر* „Шоир ҳаваси“ (38, 233) шеъри радифи *بودمی* қадимий шаклда келган. Шоир *دامنه البرز* „Элбурс этагиди“ (38, 421) қасидаси радифида эса ҳозирги замон феълининг қадимий шакли ишлатилган:

باد صبح از کوهسار آید همی
یاد یار غمگسار آید همی

Бундай қадимий сўзлар ва грамматик шакллар Баҳор асарларига классик поэзия руҳини бериб, унга улғуворлик бахш этиб туради. Аммо шу билан бирга шоир янги иборалар, янги сўзларни ҳам чет тиллардан келган кирма сўз (варваризм)ларни ҳам керак жойда тез-тез ишга солиб туради. Масалан, унинг „Носирулмулк“ деб аталган таркиббандида *پختوویز* — пишириш, *دینگ* — эси паст, *دیپلاماسی* — ултиматум, *التماتوم* — дипломатия, *سرشاخ* — ғўдайган, *فراریدن* — қочмоқ каби янги калималар қатори *طامات* — сафсата каби қадимий сўзлар ҳам бор. Унда XIII аср классик шоири Жалолиддин Румий мисралари ҳам тазмин қилинган.

Бунда Баҳор қадим классик тилни ҳозирги замон тили билан боғлаб турган бир халқа сифатида гавдаланади.

Бундай сўзларда ўз навбатида Баҳор персонажларнинг тилини бир-биридан ажратишга ёки тасвир этилаётган воқеа қатнашчиларини аниқлаб, уни асл моҳиятини очишга ёрдам беради.

Баъзан Баҳор арузга тўғри келмайдиган бегона сўзларни ҳам вазн ва қофияда усталик билан ишлатадики, бундай сўзлар ҳам форс шеърининг тор танқис уйида ўз жойини эгаллаб туради. Масалан, „Варшава фотҳи“ шеърида *کالمانسو* — Варшава, *مסקو* — Москва, *پاریس* — Париж, *پروس* — Пруссия, *بریتانی* — Британия, *واترلو* — Ватерлоу, *البرت* — Альберт (Бельгия қироли), *هاور* — Гавр, *برکو* — Бордо (Франция шаҳри), *خارکو* — Харьков, *هندنبیرگ* — Гинденбург ва бошқа хорижий исмлар — атамалар кўп учрайди (38, 267-268).

Баҳор шеърларида кримдик терминлар, шахмат, медицина, фалсафа, дипломатик ва бошқа соҳаларга оид терминлар ҳам *رنگزدن* алдаш, *دینگ* аҳмоқ, эси паст, *جفنگ* бемаъни, *لات* ялангоёқ, *خنکی* совуқлик (38, 188-189) каби оддий халқ иборалари ҳам кўп учрайди. У типик воқеаларнинг туо моҳиятини очиб бериш учун

сўзлашув тили бойлигидан ҳам ўринли фойдаланади. Сўзлашув тилидаги „дафтар-мафтар“, „қабз-мабз“, „савод-мавод“ каби қўшалоқ сўзларни Баҳор биринчилардан бўлиб, форс шеърига киритди. У ҳатто янги кириб келаётган сўзларнинг ҳам халқ талаффузи шаклидан фойдаланади. Масалан: *اتومبيل* ўтумобил (автомобиль) ўрнига *اتل* ўтул шаклини ишлатади:

«*اتل*» *در زیر پای پلداران*
در شکبهی اثر، چون مهر یاران

(Пулдорлар тагида ўтул, дорожка эса дўстлар меҳридек беасар бўлиб кетди) (40, 191).

Баҳор классик ва ҳозирги замон тил бойлигидан жу-да моҳирона фойдаланиб, янги ифода воситалари ижод этади, минг йиллар давомида ишлатилиб келаётган ба-дийий санъатлардан усталик билан фойдаланади. Унинг шеърларида форс классик адабиёти хазинасидаги так-рор, тазод, талмиъ, иғроқ, тавсиф, тарсе, тазмин каби барча санъатларга намуналар топиш мумкин. Баҳор янги шоирона ташбиҳотлар яратишга моҳир. Унинг ижо-дида тажнис санъати кўп учрайди. Шоир шеърларида бу қийин санъатнинг ҳамма турларини учратиш мумкин. Бир неча мисол келтирайлик:

قلمی کتوبرد عرض هنر
آن قلمرا قلم ببايد کرد

(Агар бирор қалам ҳунар арз қилса, у қаламни қа-лам қилмоқ, яъни бошини йўнмоқ керак) (38, 332).

نو کرى دیو ان دیو انگيست
مردم دانا نکند نو کرى

(Девонга навкарлик қилиш девоналикдир, доно ки-ши навкарлик қилмайди) (40, 198).

خداوند نگارین خامه (مانی) است
و لیکن بنده بهزاد ما نیست

(Нақш чекувчи қаламлар худоси Монийдир, аммо бизнинг Беҳзод бандаси эмас) (40, 198).

خداوند هنر، استاد بيزاد
که نقش از خامۀ بهزاد به زاد

(Устод Беҳзод ҳунар худоси, чунки Беҳзод қалами-дан яхши нақш туғилди).

Бу байтларда тажниснинг ҳар хил турлари ижод этилган ва чиройли сўз ўйинлари ясалган.

У пейзаждан ҳам усталик билан фойдаланиб шеърларида табиат манзаралари ва Эроннинг айрим водийлари, дарё ва тоғларини тасвирлаб беради. Унинг Узум таърифида (38, 118), Баҳория (38, 117, 119), Демовандия (38, 329), Улуғ фазо (38, 337), Одам ато ва момо Ҳаво гуноҳи (38, 442) Гулистон (38, 446), Ёз (38, 448), Сапид руд (38, 611), Куз ва қиш (38, 631), Наврӯз васфида (38, 635), Хуросон тавсифида (38, 708), Ватан ёди (38, 723) ва бошқа кўп шеърлари шулар жумласидандир.

Шоир, ҳатто, дўл таърифида ҳам ажойиб ташбиҳотлар топиб, гўзал санъат асари яратади ва охирида Рудакий байтини тазмин қилишга ҳам эриша олади: (38, 524).

Аммо шоир ҳамма вақт якка қофияга эришмоқ учун сўзлар охирига ортиқча алиф (0) қўшиб боради ёки «рахшон», «дарахшон», «бадахшон» каби сўзларнинг охирги ҳарфи (Н) ни тушириб қолдиради. Сўзларни қофия ёки вазн тақозоси билан бундай ўзгартириш классикларда ҳам учрайди, лекин XX аср шоири ижодида бу ғайри табиийлик кўпроқ кўзга ташланиб туради.

«Демовандия» шеърининг кириш қисми шундай бошланади:

Эй оқ дев, оппоқ дев оёқлари банд,
Эй олам гумбази, эй сан Дамованд!

Бошига нуқрадан қалпоғин илган,

Белини темирдан камарбанд қилган.

Юзимга тушмасин деб инсон кўзи,
Булут чодирига беркинмиш юзи.

Фалак шери билан тузиб аҳд-паймон,
Иқбол юлдузига бўлибсан пайванд.

Қачонки бу замин фалак жавридан
Сув бўлиб, муз бўлиб, тушмай ҳавридан,

Муштини ўқталмиш ғазаб ва киндаё,
Ўша мушт сендирсан, Демованд, чиндан.

Йўқ, йўқ сен бу айём мушти эмассан,
Бу сўздан ўзим ҳам мамнун эмасман.

Сен ер қалбидурсан, эзилган юрак,
Аламдан варам ҳам қилибсан андак.

Дарду яра сағал босилсин учун,
Кофур боғлашиб, этмишлар тугун.

Тарс ёрил! Тарс ёрил, замон юраги,
Оташ ниҳон бўлса, борми кераги?!

Дил ўтин бекитсанг, ундан бир шарар,
Жонингга қасамки, жонинг қуйдиранг...
(39, 355-356).

Бунда қанча шоирона ўхшатишлар, ажойиб тасвир-
лар, Демованд тоғига янги-янги ташбиҳлар, батамом
бошқа-бошқа образлар, истиора ва чуқур киноялар
мавжуд. Баҳор шеърларига ҳар доим ажойиб образли-
лик ёр. Шундай хусусиятлар билан у кўпинча нозик
тамсилотлар яратади:

Боққа кириб, кўрдим озод бир қушча,
Гул шоҳига қўниб, қилар нола фош.

Сенга не бўлди деб, сўрасам, деди:
«Сенинг ҳолнинг кўриб, кўзим тўкар ёш!»
(38, 554).

Бунда албатта, инсон ҳақида сўз бораётгани кўриниб
турибди.

Маликушшуаро Баҳор форс классик адабиётининг
ҳамма турларида қалами кучини синар экан, лугз, чис-
тон каби шеърӣй топишмоқлар ва тарихлар ёзади. Унинг
Умар Хайём мақбараси тарихини баён этиб ёзган та-
рих — рубойси Хайёмнинг қабр тошига чекилган

بتریت خیام نشین کام طلب
یک لحظه فراغ از غم ایام طلب
تاریخ بنای قبه اش گر خواهی
راز دل و دین ز قبر خیام طلب

Хайём қабрига кел — сен мақсад талаб,
Айём андуҳидан омонлик тилаб,
Қуббаси тарихин билмоқ эрсанг, бил —
Хайём қабридан дин, дил розин сўраб.

Бу рубоийнинг охирги мисраъси абжад ҳисоби билан 1313 ҳижрий (1934 милодий) йилни кўрсатади.

Баҳор адабий журналистик фаолиятининг бошларида насрий асарлар ёзишга ҳам киришган эди. Ҳатто у «Қора найранг» деган роман ҳам ёзди. Унинг прозадаги услуби ҳам содда ва халқчил, аммо унинг прозаси намуналарида ўзига хос бир усулда синонимларни ёки бир воқеанинг ҳар томонини атрофлича очиб берадиган сўзларни уст-устига замлаб боравериши кўзга яққол ташланиб туради. Биз биргина мисол билан чекланайлик:

روزها، هفتهها، ماهها و سالها دوست داشتن، قدرت و توانائی جلب کردن و بدست آوردن را دارا بودن، همه قسم برتری و فائزیت را در خود حس کردن و در تمام این ادوار که حساب همه آنها را هیچوقت نمیتوان بدست آورد، بی اعتنائی نمودن و خون خوردن و با ظاهری آرام و شکيبا، قلبی لبالب درد احساساتی پر ازرنج و تعب را تحمل نمودن و تمام بارها و سنگینی های احساسات دردناک را بردل نهادن و انرا افشردن و سرد کردن، آیا در عالم حیات جز جنون یا نقص و عیب غیر قابل بخشایش چیز دیگری هست؟!۱۰

Таржимаси: «Кунлар, ҳафталар, ойлар ва йиллар дўстга эга бўлиш, қудрат ва куч йиғиш, қўлга киритиш имконияти, ҳамма соҳада афзаллик ва биринчиликни ҳис қилиш, қўлга киритиш ҳисоби бўлмаган ҳамма соҳада бефарқлик кўрсатиш ва қон ютиш, ташқи кўринишда осойишта ва қаноат, юрак, қалбда дард ва ранж тўла ҳис-туйғуга чидаш, тамом аламли туйғу юки ва оғирлигини кўнгилга солиш, қани ҳаёт оламида жиннилик ё нуқсон ва айбдан ўзга совғага арзигулик бошқа бирор нарса борми?!» (40, ط).

Баҳорнинг ўзи ҳам наср ёзишда муваффақият қозонмаганини ва тезда наср билан шуғулланмай қўйганини гапирди (26, 55).

Биз маликушшуаро Баҳор маҳоратиға тааллуқли баъзи масалаларниғина кўриб ўтдик. Унинг эстетик қарашлари ҳақида бу бобнинг бошида қисқа ва умумий тарзда гапириб ўтдик. Шоирнинг ижодий методи ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади.

Баҳор ижодий методини тадрижий тараққиётда қараш керак бўлади.

Унинг романтизмдан критик реализмға ўтиб, сўнг яна реалистик заминға таянган романтизмға қайтиб келганлиғини кўрамиз. Афсуски маликушшуаро Баҳор камолот чўққисига кўтарилиб, унинг ижодий методида катта ўзгаришлар рўй бера бошлаган пайтда шоир дунёдан кўз юмди. Унинг дунёда биринчи социалистик мамлакатға қилган сафари таассуротларини ифода этган «Боку ҳадяси» ва кенг халқ оммасининг тинчлик учун кураши ҳаракатидан илҳомланиб ёзилган «Жанг бойқуши» асарлари Баҳор ижодининг чўққиси ҳисобланади. Уларда келажакка ишонч ва юксак оптимизм барқ уриб, кишилиқ жамиятида тинчлик ва демократия кучларининг энг юксак гуманистик орзуларининг рўёбға чиқишиға қаттиқ ишонч ҳислари жўшиб туради.

ХОТИМА ҶРНИДА

Қуйдирар оташману бул олами оташпарааст.

Ҳар замон тупроқ аро беркитгуси ўт —

шиддатим. (Баҳор).

Буюк шоир ва улкан қалб эгаси Маликушшуаро Баҳор ҳақидаги китобимизни тугатар эканмиз Баҳор қолдирган ёдгор атрофидаги курашга бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз.

Баҳорнинг ҳаёт мақсади ёрқин, унинг идеали юксак эди. У бутун ҳаётини халқ эрки ва Ватан мустақиллиги учун курашга сарфлади. Аммо буюк шоир жуда мураккаб даврда яшаб ижод қилди. Шунинг учун оғишмай ўз йўлида боролмади, ўз идеалини мустаҳкам туриб ҳимоя қилолмади. Заифлик ғолиб келган пайтларда бадний жиҳатдан анча бўш асарлар ҳам ёзди. У қаҳрамон бўлолмади, лекин у доимо халқ хизматида туришга интилиди. Унинг ижоди прогрессив аҳамиятга эга бўлди.

Баҳор вафотидан кейиноқ унинг ижоди атрофида бўлган синфий кураш бунинг ёрқин гувоҳидир. 30 дан ортиқ ёзувчи ва журналистлар шоир ҳақида мақолалар билан чиқишди. Уларда Баҳор ижоди ҳақида бир-бирига зид фикрлар айтилган.

Баҳор умрининг охирида тинчлик учун кураш ҳаракатига, бутун дунёда мустамлакачиликка қарши кураш ҳаракатига етук ақли ва қайноқ қалби билан қўшилиб кетганлиги юқорида келтирилган фактлардан аниқ кўриниб турибди. Бу ҳақда шоирнинг ўғли Меҳрдод Баҳор отасининг золимларни мадҳ этган баъзи асарларини ўз девонига қўшмай қолдирмоқчи бўлганлиги ҳақида гапиради, бунинг ёзувчи ва олим проф. Б. Алавий ҳам тасдиқлайди (84, 57), аммо баъзи буржуа олимлари бунинг тамом аксинча тушунтирмоқчи бўладилар. «Баҳорнинг ҳаёти ва асарлари» китобини ёзган Нику Ҳиммат Баҳорнинг тинчлик ҳаракатига қўшилишини энг катта янглишиш деб баҳолайди. «Баъзилар унинг ақидалари-

дан сиёсий мақсадларда фойдаландилар,— деб ёзади у.— Бунинг натижасида 1329 йилнинг мордод ойн (1950 йил июль) да у қонундан ташқари ҳисобланган халқ партияси билан боғлиқ бўлган тинчлик учун курашчилар жамиятига бошлиқ бўлди (63, 112).

Баҳор шеърлар тўпламининг иккинчи жилдига унинг «Шимол файзи» шеъри ҳам киритилган, «бу шеър расмий таклиф билан Эронга келган совет ёзувчиларига, бир расмий меҳмондорчиликда хуш келибсиз маъносида айтилган» (40, 423) деб изоҳ берилган. Ёзувчи ва адабиётшунос Бузрук Алавий шундай дейди:

«Бу нашрлар Баҳор ижодини тўғри гавдалантиролмайдди. У сиёсий шароитга, 1958 йил августидан бошлаб ҳокимият тепасида турган аъёнлар хоҳишига мослаштирилган. Бу нашрда баъзи шеърлари топилмайдди.

Баҳорнинг ўзи кейинчалик ўчириб ташлаган ва унинг исёнкор қалбига батамом тўғри келмайдиган баъзи мадҳ ва мисралар эса бунда мавжуд» (84, 56-57).

Аммо бошқа баъзи олимлар Баҳорнинг тинчлик учун курашини эмас, аксинча инглиз малайи Восиқуддавла билан ҳамкорлик қилгани, уни мақтаб қасидалар ёзганини ёки Мозондарон ўрмонларида партизанлик кураши олиб боровчиларга қарши ёзган шеърларини янглиши ҳисоблайдилар.

Масалан, Иброҳим Фаҳройи ўзининг سردار جنگل „Ўрмон сардори“ (Теҳрон 1344 (1965) китобида шоирнинг جنگلى (Ўрмонлик) (40, 489) шеърини Баҳордек тараққийпарвар киши ҳаётидаги катта адашиш деб баҳолайди (360—361-бетлар). Бу ҳақ гап, албатта.

Бостоний Поризий деган киши محيط سياسى و زندگانی مشرالذوله (حسين پيرنيا) نگارش باستانى پارزى، تهران مهر ماه ۱۳۴۱ (Теҳрон 1962).

«Мушириддовланинг ҳаёти ва сиёсий муҳити» деган китоб ёзди. Унинг олтмишинчи саҳифасида улкан олим Али Акбар Деҳхудонинг ўз шахсий кутубхонасидаги «Аҳмадшоҳ ҳаёти» деган китоб ҳошиясига ёзиб имзо чекиб қўйган эсдалигини келтиради.

Бу эсдаликда Деҳхудо Баҳорнинг Восиқуддавла билан ҳамкорлиги беғараз бўлмаганлиги ҳақида факт келтиради. Яъни, бу хатти-ҳаракатни тамоман қора-

лайди. Марҳум Баҳорнинг ўзи ҳам Восиқуддавла ҳақидаги шеърларини тириклигида нашрга тайёрланган девонига киритмаган ва уни энг мудҳиш адашиш ҳисоблаган эди.

Баҳор ўз адашишларини умрининг охирида сезган ва баъзи нутқларида: «Мен 60 йилча умр кўрдим, бундан 40 йилини сиёсий-ижтимоий-фалсафий ва адабий фаолиятга сарф этдим. Аммо ўзимнинг бутун ҳаётимни эрон халқининг маданияти ва унинг бахти-саодати йўлларини қидиришга сарф этдим. Гарчи, баъзи вақтларда янглишган ва хатоларга йўл қўйган бўлсам-да, аммо ўз орзу ва мақсадларимда мен ҳеч янглишмадим», — (117, 33) деб ёзади.

Бундан ташқари унинг ижодий меросига турли кишилар турлича ёндошмоқлари муқаррар эканлигини сезгандек шоир бир шеърида шундай деган эди:

Сиёсатда нима десанг кечирай майли,
Малайдурсан, малайларга юмшоқлик ишим.
Назму насримга таёқ урдинг бу замон,
Қўлинг торт куйдираб бунда оташим
(40, 438).

Дарҳақиқат, шоир ижодидаги оташин шеърлар ҳам-ма вақт ҳам ўзини ўзи ҳимоя қила олади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ёзувчилари, олимлари ва бошқа шарқшуносларнинг Баҳор ижодига берган баҳолари бу улкан санъаткор ижоди эрон халқи бадий жавоҳирлари хазинасидан муносиб ўрин эгаллай олиши шубҳасиз эканлигини кўрсатади.

Биз Али Акбар Деҳхудонинг Баҳор ижодига берган юксак баҳосини китоб муқаддимасида келтирган эдик. 1966 йилнинг 13 ноябрида вафот этган таниқли адиб ва олим Саид Нафисий Баҳор ҳақида: «Баҳор қатъиян буқунги Эроннинг энг буюк ва энг дадил шоири эди. Бу одам 30 йил форс шеъриятида энг юксак мақомни эгаллаб келди, биз ҳаммамиз унинг анча шоҳкор асарларини ёд биламиз... У қатъиян давримизнинг энг катта шоири ва тилимизнинг энг улуғ шоирларидан бири эди. Баҳор том маъноси билан шоир эди — латиф таъб ва катта завқ эгаси эди. Баҳор форс адабиётига кўп хизмат қилди... Баҳор давримизда биринчи бўлиб, янги фикрларни қадимги шоирлар йўлида фасоҳат билан шеърда ифода эта олган кишилардандир... Ҳар қандай шоир ижодида ҳам баландпастликлар бўлади.... Аммо

шуни инкор этиб бўлмайдики у улуг инсон эди, улуг ҳаёт кечирди ва жаҳондан улугвор кетди. Улимидан сўнг ҳам улуг бўлиб қолади. Мен Баҳорнинг, Баҳор номи, Баҳор ишлари, Баҳор ижодининг бундан сўнг эрон адабиёти тарихида махсус ўринга эга бўлишига шакшубҳа қилмайман» (68, 119).

Афғонистоннинг машҳур шоири ва адабиётшунос олими, устод Халиллуллахон Халилий ўз марсиясида:

Дариғо ботдими хуршиди тобон,
Юксак қуёшидан ажраб Хуросон.
Суҳан мулкн, э воҳ, Маликсиз қолди,
Фикру ҳис тахтидан тушди Сулаймон
(63, 163)

дейди.

Баҳорга аталган марсия ва тарихлар ҳам, бошқа шеърлар ҳам, илмий мақолалар ҳам жуда кўп. Улар ё бадий воситалар билан муболаға ишлатиб, ё илмий ҳужжатлардан хулоса қилиб, Баҳорнинг улкан мавқеи ва баракали ижодини васф этадилар.

Баҳор ижоди эрон халқининг миллий мустақиллиги учун ҳамма турдаги мустамлакачиларга қарши курашга хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Баҳорнинг ўзи ҳам «Шикоят ва фаҳрия» шеърида ўз душманларига жавобан, фаҳр билан:

Форс шеър бобида бул кун энг биринчи шахс ўзим,
Ҳамда кўп илму ҳунардан бар фарован зийнатим.
Ўрса ҳам душман менинг қалбимга ёвлик ханжарин
То тирикдир форс тили мен ҳам тирикман, бор отим, —
(38, 544).

деб ёзган эди.

Баҳор ижоди эрон халқининг миллий мустақиллиги учун ҳамма турдаги мустамлакачиларга қарши курашга хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Баҳор ижоди эрон халқи тарихида, Эронда прогрессив фикрнинг тараққиёти тарихида энг жўшқин бир даврни ўзида акс эттиради.

У қолдирган мероснинг Совет Иттифоқида ўрганилиши, уни бутун мураккаблигича олиб текширишга ва сохталаштиришга қарши далил ҳамда исботлар очишга имкон беради. Бу эса бутун умрини халқи учун сарф этган Баҳордек шоир ижодининг энг халқчил томонлари билан мукамаллигича сақлаб, эрон халқи мулкига

айлантиришга ва бу чечаклар атрини бошқа халқларга ҳам туҳфа қилиш имконини туғдиради.

Маликушшуаро Баҳор шеърларидан бирида:

Гар Тохаристон еридан қувсалар душманларим,
Ўзбеку тожиклар олдида менинг бор иззатим.
Хонадоним бор Қўқанд, Фарғонанинг тупроғида,
Сир, Аму қирғоғида бор сувлоғим, хуш лаззатим, — (36, 544).

деган эди.

Баҳор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги биринчи китобнинг Тошкентда чиқиши шоир сўзларига ҳамоҳанг, унинг орзусига жавоб бўлиб, шоир руҳини шод этар.

А Д А Б И Ё Т

Маликушшуаро Баҳор асарлари

آثار بهار

1. „Адабий бозгашт“, „Армуғон“ журнали. 13 давра, 7-8, 11-15-сонлар
 بازگشت ادبی، ارمغان، دوره سیزدهم، شماره
 ۱۵-۱۱، ۸-۷
2. „Баҳорнинг сайланма қасидалари“, Техрон, 1963.
 برگزیده قصائد بهار، تهران ۱۳۴۲
3. „Бальами — тарихи Табарий таржимаси“, нашрга тайёрловчи
 М. Баҳор. تصحيح تاريخ بلعمی
4. „Донишкаде“, адабий, ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ва тарихий
 журнал, Мудир ва раиси М.Баҳор, 1-12-сонлар. 1917-1918.
 دانشکده، مجموعه است ادبی، اجتماعی، اخلاقی،
 فلسفی، تاریخی، مدیر و مؤسس م. بهار شماره
 ۱۲-۱، تهران ۱۳۳۶ قمری
5. „Зарир ривояти“, „Таълим ва тарбия“ журнали
 یادگار زریران، مجله تعلیم و تربیت
6. „Зиндон кундаликлари“
 کارنامه زندان، منظومه، «نوبهار»، سال ۱۳۲۲
7. „Конгресс раисининг нутқи“ (Баҳорнинг Эрон ёзувчиларининг
 1-конгрессида сўзлаган нутқи). „Эрон ёзувчиларининг
 биринчи конгресси“ китобида, Техрон, 1946.
 نطق رئیس کنگره، نخستین کنگره نویسندگان
 ایران، تهران، تیرماه ۱۳۶۵
8. „Моний ҳаёти“, Техрон, 1933. تهران ۱۳۱۴
9. „Муҳаммад ибни Жарир Табарийнинг таржимаи ҳоли“.
 رساله در ترجمه احوال محمد بن جریر طبری
10. „Насихат фойдалиқми?“, „Сухан“ журнали, 1966, 5-сон.

آيا پند سودمند است؟، سخن خرداد ماه ۱۳۴۵،

شماره ۵

11. „Озарнад Марсфанден“, „Меҳр“ журнали
Андروز آفرید مارسفندان، مجله مهر
12. „Сафарим эсдаликлари“, „Паёми нав“ журнали,
1944, 7- сон.
يادداشتهاي مسافرت من، پيام نو، شماره ۷، ۱۳۲۳
13. „Сейстон тарихи“ (XI асрнинг биринчи ярмида ёзилган), Теҳрон,
1935, 2- нашрида йили кўрсатилмаган.
تاريخ سيستان، تاليف در حدود ۷۶۵ — ۴۴۵،
تهران ۱۳۱۴
14. „Сиёсий партияларнинг қисқа тарихи ё Қожорлар сулоласи-
нинг инқирози“, 1- жилд, Теҳрон, 1944.
تاريخ مختصر احزاب سياسى، انقراض قاجاريه،
جلد اول، تهران ۱۳۲۳
15. „Солномалар ва қиссалар мажмуаси“, Теҳрон, 1939.
مجمع التواريخ والقصص، تهران ۱۳۱۸
16. „Суҳан хазинаси, улкан фарсигў шоирлар ва уларнинг асарла-
ридан сайланмалар“, 3- жилд. Фигонийдан Баҳоргача,
тузувчи Забихулла Сафо, 2- наشري, Теҳрон, 1961.
17. گنج سخن، شاعران بزرگ پارسی گوی و منتخب
آثار آنان، جلد سوم، از فغانی تا بهار، تاليف
دکتر ذبیح الله صفا، چاپ دوم، تهران ۱۳۴۱
18. „Танланган шеърҳои Шайх Муҳаммад Ҳасан Шайх Муҳаммад“
Сталинобод, 1958; „Ашъори Мунтахаб“
Сталинобод, 1958.
19. „Тинчликни куйлашман“, русчага таржима, „Бакинский рабочий“
газетаси, 1958 йил 5 октябрь; „Мир воспеваю“, газ.
„Бакинский рабочий“, 5 октября 1958 года.
20. „Тоза Баҳор“ (хафтасига 2 марта чиқади), 1920, 1—8, 11—17,
19—24, 27—30-сонлар. Редактор Муҳаммад Малик-зада.
تازه بهار،
21. „Тонг жарчиси“, русчага М. Ваксмахер таржимаси, „Иностран-
ная литература“ журнали, 1959, 6-сон, 101—104-бетлар.
„Вестник заре“ (стихи) перевод М. Ваксмахера, „Ино-
странный литература“, 1959, № 6, стр. 101—104.
22. „Тўрт хитоб“, Ризо Шоҳ Пахлавийга бағишланади, Теҳрон, 1926.

چهار خطابه، تقدیم به رضا شاه پهلوی، روز
نوروز ۱۳۰۵، تهران

23. „Улуг Ленин“, „Паёми нав“ журнали, 1946, 3-сон.

لنین بزرگ، پیام نو، بهمن، شماره ۳، ۱۳۲۴،
ص ۱-۱۷

24. „У мамлакатда дарбадарликдан нишон йўқ“ („Бокуга ҳақъа“
шеърідан парча) „Мардум“ газетаси, 25 сентябрь
1964 йил.

اندر آن مملکت از درباری نیست نشان،
روزنامه مردم، شماره ۹۰، اول مهر ۱۳۴۳

25. „Уруш бойкуши“, форсчадан Д. Комиссаров ва Ю. Панишев
таржимаси. „Современный Восток“ журнали, 1958, 9-
сон, „Баҳар сова войны“, Стихи, Пер. с персидского
Д. Комиссарова и Панишева. Современный Восток. 1953.

26. Урфоний Абдулҳамид. Баҳор ҳаёти ва ижоди (шеърларидан
биринчи ҷўла), Техрон, 1966.

عرفانی عبدالحمید، شرح احوال و آثار ملک
الشعرا محمد تقی بهار، تهران، ۱۳۳۵

27. „Устоз маликушшуаро Муҳаммад Тағи Баҳорнинг сайланма
шеърлари ва қисқача таржимаи ҳол“, Техрон, 1955.
منتخبی از اشعار استاد بهار محمد تقی ملک
الشعرا، بامختصری از شرح حال، تهران، ۱۳۳۳

28. „Услужунослик ёки форс насрининг тараққиёти тарихи“, 1-жилд
1 - наشري, Техрон, 1942 — 1944; 2 - наشري, Техрон
1958—1959.

سبکشناسی یا تاریخ تطور نثر فارسی، جلد ۱،
چاپ اول ۱۳۲۱-۳ تهران، چاپ دوم ۱۳۳۷ تهران

29. „Услужунослик ёки форс насрининг тараққиёти тарихи“, 2-
жилд, Техрон, 1958 — 1959.

سبکشناسی جلد ۲، چاپ اول ۱۳۲۲، چاپ دوم ۱۳۳۷،
تهران

30. „Услужунослик ёки форс насрининг тараққиёти тарихи“, 3-жилд,
Техрон, 1958 — 1959.

سبکشناسی جلد ۳، چاپ اول، ۱۳۲۳، چاپ دوم
۱۳۳۷، تهران

31. „Услужунослик ё форс шеърининг тараққиёти тарихи“, 1 -

бўлим, 4-дафтар, нашрга тайёрловчи Алиқули Махмудий Бахтиёрӣ, Техрон. 1963.

سبکشناسی یا تاریخ تطور شعر فارسی، بخش یکم دفتر چهارم، اثر شادروان محمد تقی بهار ملک الشعراء، بکوشش علی قلی محمودی بختیاری تهران، خرداد، ۱۳۴۶

32. „Фаҳлавиёт ё ҳалқ тароналари“, Қухӣй Кермонийнииг 700 тарона китобиға кириш сўзи, Техрон, 1939.

فهلویات یا ترانه های ملی، در کتاب کوهی کرمانی - هفتصد ترانه، تهران، ۱۳۱۸

33. „Фирдовсий асрида паҳлавий тили ва ёзуви“, „Фирдавсийнома“, Техрон, 1936.

خط و زبان پهلوی در عصر فردوسی، «فردوسی نامه»، تهران، ۱۳۱۵

34. „Форс тили дарслиги“. Ўрта мактабнинг 1, 2, 3, 4- синфлари учун, 2-жилда. Авторлар — Абдулазим Қариб, Маликушшуаро Баҳор, Бадуиззамон Фарузанфар, Жалол Ҳумоӣй ва Рашид Ёсимий, Техрон, 1949—1950.

عبدالعظيم قریب، ملک الشعراء بهار، بدیع الزمان فروزانفر، جلال همائی، رشید یاسمی، دستور زبان فارسی برای سال اول و دوم و سوم و چهارم دبیرستانها، در دو جلد، تهران ۱۳۲۸—۱۳۲۹

35. „Форс шеърїяти“, „Паёми нав“журнали, 1946, 5-сон, 1—13-бетлар. شعر فارسی، پیام نو، فروردین ماه ۱۹۲۵، شماره ۵، ص ۱—۱۳

36. „Форс шеърининг тараққиёти тарихи“. Тағи Биниш нашрга тайёрлаган, нашр йили кўрсатилмаган, Кириш сўзи тағида 1334 шахривар (сентябрь 1955) деб кўрсатилган. Титул ва муқовада автори кўрсатилмаган.

تاریخ تطور شعر فارسی با حواشی و توضیحات و فهرستهای لازم

37. Шеърлар“ (форсчадан таржима), Бадиий адабиёт нашриёти, М., 1959, Л. Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар автори Г. П. Михалевич, „Бехар“, Стихотворения (перевод с персидского), Составление, предисловие и примечания Г. П. Михалевич, М., 1959, Л.

38. „Шеърлар девони“, 1- жилл, Техрон, 1956.
 دیوان اشعار شادوران محمد تقی بهار «ملک الشعراء» استاد فقید دانشگاه تهران مشتمل بر قصاید مسطرات ترکیببندها و ترجیعبندها، جلد ۱، تهران ۱۳۳۵
39. „Шеърлар девони“, 1- жилл, 2- наشري, Техрон, 1965.
 دیوان اشعار، جلد اول، چاپ دوم، تهران ۱۳۴۴
40. „Шеърлар девони“, 2- жилл, Техрон, 1957.
 دیوان اشعار، جلد دوم، تهران ۱۳۳۶
41. „Шимол Файзи“, ўзбекчага Ш. Шомухамедов таржимаси, „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1966 йил 30 октябрь.
42. „Шимол Файзи“, „Уруш бойқуши“ (А. Рустамов таржималари), „Булоқ ва Тош“, (А. Хайитметов таржимаси); „Эрон шоирлари“, Тўпловчи ва сўз боши автори З. Ризаев, форс тилидан таржима, Тошкент, 1958, 20–26-бетлар.
43. „Эрон подшоҳларининг ва паҳлавонларининг исмлари“, Техрон, 1931.
 نامه‌ای پادشاهان و دلیران ایران، «مهر»، تهران ۱۳۳۳
44. „Эронда шеърят“, Машҳад-Техрон, 1954.
 شعر در ایران، مشهد-تهران ۱۳۱۳
45. „Эронда шеърят“, „Меҳр“ журнали, 5- давра 3 ва 5- сонлар.
 شعر در ایران، «مهر»، دوره پنجم، شماره ۳-۵
46. „Эронда наққошлик ва заҳҳоблик“, Фарруҳий Яздийнинг „Туфон“ газетасида.
 نقاشی و تذهیب در ایران، «طوفان هفتگی»
 فرخی یزدی
47. „Яхши шеър“, „Донишқаде“, 6–7- сонлар.
 شعر خوب، دانشکده، شماره ۶-۷.
48. „Қора найранг“ ё оқ канизлар“, роман „Эрон“ газетасида босилган.
 فیرونک سیاه یا کنیزان سفید، رمان، درپاروقی روزنامه ایران
49. „Ҳаким Абулқосим Фирдавсий таржимаи ҳоли“,
 رساله در شرح حال حکیم ابوالقاسم فردوسی
 طوسی، درمجله «باختر» چاپ اصفهان منتشر شده و بعداً جداگانه انتشار یافته است

50. „Ҳинд адабиёти“, „Меҳр“ журнали, 4- йил чиқиши.

ادبیات ہند، «مهر»، سال چہارم

Баҳор ҳақида асарлар

51. Баҳор Моҳ Малик. Отам Баҳор, „Паёми нав“ журнали, 1965, 5- сон ва „Хонданиҳо“ журнали, 1965, 70- сон.

ماہ ملک بہار، پیرم بہار پیام نوین خرداد
۱۳۴۴، شماره ۵، ص ۶۱-۶۶، خواندنیہا، تیر
۱۳۴۴ شماره ۸، ص ۲۳-۲۵

52. „Баҳорнинг хазони“, „Паёми нав“ журнали, 1951, 11—12-сонлар, 1—13-бетлар.

بزرگ علوی، خزان بہار، پیام نو، ۱۳۳۰، شماره
۱۱-۱۲، ص ۱-۱۳

53. Бўргоня С. Ҳозирги замон машҳур шоирлари, 1- жилд, Техрон, 1950.

جبرقعی سید محمد، سخنو ران نامی معاصر،
جلد ۱، تهران، ۱۳۲۱، ص ۲۵-۳۲

54. Жола Б. Маликушшуаро Баҳор, „Шарқи Сурх“ журнали, 1958, 1- сон, 91- бет.

55. Жола Боди. Маликушшуаро Баҳор, Ҳаёти ва поэтик ижоди (Филология фанлари кандидатлиги диссертациясининг автореферати), М., 1959; Жола Бад Малек-ош-Шо'ара Бахар; Жизнь и поэтическое творчество (Автореферат диссертации представленной на соискание ученой степени кандидата филологических наук), М., 1959.

56. Заҳодер Б. Н. Баҳор (1886—1951), М., 1959; Заҳодер Б. Н. Бахар (1886—1951) доклад, прочитанный на вечере, посвященном 70 летию Бахара. Краткие сообщения ИВАН СССР, XXXVI, Иранский сборник, ИВЛ, М., 1959, стр. 3-

57. Исҳоқ М. Ҳозирги эрон шоирлари, 1- жилд, Деҳли, 1938.

م. اسحاق، سخنو ران ایران در عصر حاضر،
جلد ۱، دهلی، ۱۳۱۲

58. Куҳий Кермоний. Рудакий замонасидан Баҳоргача яшаган форс шеърятининг забардаст шоирлари, Техрон, 1957.

کوهی کرمانی حسین، شاهکارهای شعر فارسی
از رودکی تا بہار، تهران، ۱۳۳۶

59. „Маликушшуаро Баҳор“, Эрон ва Совет Иттифоқи маданий алоқалар жамияти нашри, Техрон, йили кўрсатилмаган, 1951 йилдан кейин.

ملك الشعراء بهار، انتشارات انجمن فرهنگی
ایران و شوروی، تهران

60. „Марҳум Маликушшуаро Баҳор рафиқасининг мактуби“, „Хонданиҳо“ журнали, 1966, 36-сон, 34-бет.
نامه ای از همسر مرحوم ملك الشعراء بهار،
خواندنیها، سال ۱۳۴۴، شماره ۳۶، ص ۳۴
61. Михалевич Г. П. Баҳор, Шеърлар китобиға сўз боши, М., 1959, Л., Михалевич Г. П. Предисловие к книге Бахар, Стихотворения (перевод с персидского), Госполитиздат, М., 1959, Л.
62. Нафисий С. Маликушшуаро Баҳор (вафотиға бир йил тўлиши муносабати билан), „Кабутари Сулҳ“ газетаси, 1952, 11 (23)-сон.
نفیسی سعید، ملك الشعراء بهار، کبوتر صلح،
۱۳۳۱، شماره ۱۱ (۲۳)
63. Нику Ҳиммат А. Баҳор ҳаёти ва ижоди, 1-жилд, Кермон, 1955
نيكو همت احمد، زندگانی و آثار بهار، کرمان،
جلد ۱، ۱۳۳۴
64. Нику Ҳиммат А. Баҳор ҳаёти ва ижоди, 2-жилд, Кермон, 1956.
نيكو همت احمد، زندگانی و آثار بهار،
کرمان، جلد ۲، ۱۳۳۰
65. „Охирги асрлар энг буюк шоирининг вафоти“, „Паёми нав“ журнали, 1951, 8-сон, 1—2-бетлар.
در گزشت بزرگترین شاعر قرون اخیر،
پیام نو، اردی بهشت، ۱۳۲۰ شماره ۸۵، ص ۲۱
66. Пейсиков Л. С. Маликушшуаро Баҳор, „Паёми навин“ журнали, 2-сон, 1961, 1—7-бетлар.
پيسيكوف ل، ملك الشعراء بهار، پیام نوین،
آبان ۱۳۴۰، شماره ۲، ص ۷۱
67. Пейсиков Л. С. Баҳор филолог олим сифатида; Пейсиков Л. С. М. Бахар как учёный филолог, „Краткие сообщения ИВ АН СССР“, XXXVI, ИВЛ, М., 1959, стр. 9—22.
68. Урфоний Абдулҳамид, Баҳорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди, Техрон, 1956.
عرفانی خواجه عبد الحمید، شرح احوال و آثار
ملك الشعراء محمد تقی بهار، تهران،
شهریور ماه ۱۳۳۵

69. Шомухамедов Ш. М., Асалий А., Тинчлик куйчиси, „Шарқ юлдузи“ журнали, Тошкент, 1957, 123—126-бетлар.
70. Шомухамедов Ш. М. Баҳор—тинчлик учун курашчи, „ТошДУ илмий ишлари мажмуасида“, Янги серия, 25-китоб, Тошкент, 1962;
Шамухамедов Ш. М. Баҳар — борец за мир, „В. И. Ленин номидаги ТошДУ илмий ишлари“, 214-чиқиш, янги серия, филология фанлари, 25-китоб, Тошкент, 1962.
71. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, Эрон филологиясидан IV Бутуниттифоқ конференцияси тезислари китобида, Тошкент, 1964, 60-бет.
72. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, „ТашГУ им. В. И. Ленина“, Научные труды, выпуск 247, Ташкент, 1964, стр. 3—18.
73. Шомухамедов Ш. М. Улкан ҳаёт якуни, „Шарқ юлдузи“ журнали, 1965, 1-сон.
74. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, Иранская филология, „Материалы IV Всесоюзной межвузовской научной конференции по иранской филологии“, Ташкент, 1966, стр. 183—195.
75. Шомухамедов Ш. М. Баҳор—филолог олим, „ТошДУ ўқитувчилари конференцияси материаллари“, Тошкент, 1967;
Шамухамедов Ш. М. Баҳар—ученый филолог, „Материалы научной конференции проф. преподавательского состава ТашГУ“, Ташкент, 1967.
76. Яғмоий Ҳабиб. Устод Баҳорнинг таржимаи ҳоли ҳақида, „Паёми нав“ журнали, 1953, 2, 3, 4-сонлар.
يغمائى حبيب، احوال و آثار ملك الشعراى بهار،
پيام نوين، ۱۳۳۷، شماره‌هاى ۲—۳—۴
77. Яғмоий Ҳабиб. Баҳор вафотининг 7 йиллиги, „Яғмо“ журнали, 1958, 4-сон, 168—169-бетлар.
يغمائى حبيب، هفت سالگى در گذشت بهار،
«يغما»، ۱۳۳۷، شماره ۴، ص ۱۶۸—۱۶۹
78. Хошим Р. Маликушшуаро Баҳор, Танланган шеърлар китобига сўз боши, Сталинобод, 1958, 3—11-бет.; Хошим Р. Сарсухан дар китоби малекушшуаро Муҳаммад Тақий Баҳор, Ашъори мунтахаб, Сталинобод, 1958, сах. 3—11.
79. Хусейнов Б. Тараққийпарвар форс поэзиясида совет мавзуи, Боку, 1961; Хусейнов Б. Мутэарзги фарс поэзиясында совет мавзусу, Баку, 1961.
80. Хусейнов Б. Эрон шоирлари Совет Иттифоқи ҳақида, М., 1965.
81. Гусейнов Б. Поэты Ирана о Советском Союзе, М., 1965.
Умумий адабиёт
82. Ленин В. И. Осиёнинг уйғониши, Асарлар, 19-том, 70—71-бетлар.
83. Ленин В. И. Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида, Асарлар, 21-том, 363—367-бетлар.
84. Ленин В. И. Ҳозирги аҳвол ва Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари ҳақида, Асарлар, 29-том, 472—487-бетлар.

85. Алавий Б. Ҳозирги замон форс адабиёти тараққиёти тарихи, Берлин, 1964;
Alavi B. Geschichte und entwicklung der modernen persischen literatur, akademie-verlag, Berlin, 1964.
86. Афшор Ираж. Ҳозирги замон форс насри, Техрон, 1951.
ایرج افشار، نشر فارسی معاصر، تهران، ۱۳۳۰
87. Бертельс Е. Э. Форс адабиёти тарихи очерки, Л., 1928;
Бертельс Е. Э. Очерк истории персидской литературы, Л., 1928.
88. Бертельс Е. Э. Форсий-дарий-тожикий, Советская этнография 1950, 4-сон.
Бертельс Е. Э. Персидский-дари-таджикский, Советская этнография, 1950, № 4.
89. Брагинский И. С. Тожик халқ шеърнати тарихидан, М., 1956.
Брагинский И. С. Из истории таджикской народной поэзии, М., 1956.
90. Брагинский И., Комиссаров Д. Форс адабиёти, Қисқача очерк, М., 1963;
Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература, Краткий очерк, М., 1963.
91. Броун Э. Ҳозирги Эрон матбуоти ва шеърнати, Комбриж, 1924.
Browne E. The press and poetry of Modern Persia, Cambridge, 1924.
92. Валиева Д., Маннонов Б. Эрон, тарихий иқтисодий очерк, "Фан", Тошкент, 1966.
93. Виноградов В. В. Стилистика, шеърнат назарияси, поэтика М., 1963;
Виноградов В. В. Стилистика, история поэтической речи, поэтика, М., 1963.
94. Донишпур. Ярим асрли иқтисодий куллик, Техрон, 1949.
دانش‌پور، نیم قرن بردگی اقتصادی، تهران، ۱۳۲۸
95. Жамолзода М. Арзирли хазина ва Эроннинг иқтисодий аҳволи, Берлин, 1956.
جمالزاده محمد علی، گنج شایگان واوضاع اقتصاد ایران، برلین، ۱۳۳۵
96. Иванов М. С. 1905—1911 йиллар Эрон революцияси, М., 1957
Иванов М. С. Иранская революция 1905—1911 годов, М., 1957.
97. Иванов М. С. Эрон тарихи очерки, М., 1952;
Иванов М. С. Очерк истории Ирана, М., 1952.
98. Кляшторина В. Б. Ҳозирги замон форс поэзиясидан очерклар, М., 1962;
кляшторина В. Б. Современная персидская поэзия. Очерки, М., 1962.
99. Мирзоев А. М. Рудакӣ ва X—XV асрларда ғазал тараққиёти, Сталинобод, 1957;

میررایف عبدالغنى، رودكى و انكشاف غزل

در عصرهای X—XV، استالین آباد ۱۹۵۷

Мирзоев А. М. Рудаки и развитие газели в X—XV вв. Сталинабад, 1958.

100. Носир Хисров. Сафарнома, Е. Э. Бертельс таржимаси, М., 1933, Л.; Насир-и Хусрау, Сафар-намэ, Книга путешествия, Перевод и вступительная статья Е. Э. Бертельса М., 1933, Л.

101. Ризаев З. Г. Ҳозирги замон Эрон демократик шоирлари тинчдик ва ўз ватанларининг мустақиллиги учун курашда, Тошкент, 1954; Ризаев З. Г. Демократические поэты современного Ирана в борьбе за мир и независимость своей Родины, стр. 3—24, „Труды Института востоковедения“, выпуск 2, Ташкент, 1954, стр. 3—24.

102. Поризий Бостоний. Мушириддовла (Хасан Пирниё)нинг ҳаёти ва сиёсий муҳити, Техрон, 1962.

پاريزى باستانى، محيط سياسى و زندگانی

مشردالدوله (حسن پيرنيا)، تهران، مهرماه ۱۳۴۱

103. Смирнова Л. П. „Сейстон тарихи“нинг тили (Грамматик тавсиф), Стаинобод, 1959; Смирнова Л. П. Язык „Тарихи систан“ (Грамматическое описание), Сталинабад, 1959.

104. Сафо Забихулла. Эрон адабиёти тарихи, 1-жилд, 4-нашри, Техрон, 1963.

صفا ذبيح الله، تاريخ ادبيات ايران، جلد اول،

چاپ چهارم، تهران، ۱۳۴۲

105. „Совет-Эрон ал қалари шартнома, битим ва конвенцияларда“, М., 1946; „Советско-иранские отношения в договорах, конвенциях и соглашениях“, изд. МИД СССР, М., 1946.

106. Тагирджанов А. Г. Рус илғор фикри, 1905—1907 йиллар рус революциясининг форс адабиётига таъсири, „Ленинград Давлат университети илмий ишлари“, Тарих фанлари серияси, 26-чиқиши, Л., 1956, № 220, 129—140-бетлар; Тагирджанов А. Влияние демократической мысли и русской революции 1905—1907 гг. на персидскую литературу, „Ученые записки ЛГУ“, Серия исторических наук, вып. 26, 1956, № 220, стр. 129—140.

107. Тагирджанов А. Форс тараққийпарвар шоири Ашраф Гилоний ижоди, Илмий ишлар, XXV том, Ленинград Давлат университети, Л., 1960, 353—376-бетлар.

Тагирджанов А. Творчество персидского прогрессивного поэта Ашрафа Гиляни, „Ученые записки ЛГУ“ т. XXV, Л., 1960.

108. Таботабой. А. Боку ёдгори, Техрон, 1946.

طباطبائی احمد، یادگار باکو، تهران، ۱۳۲۵

109. Устивар А. Чехов асарлари форс тилида, „Ўзбекистон мала-нияи“, 20 март 1957 йил.

ملک الشعرا بهار، انتشارات انجمن فرهنگی
ایران و شوروی، تهران

60. „Мархум Маликушшуаро Баҳор рафиқасининг мактуби“, „Хон-
даниҳо“ журнали, 1966, 36- сон, 34- бет.

نامه ای از همسر مرحوم ملک الشعرا بهار،
خواندنیها، سال ۱۳۴۴، شماره ۳۶، ص ۳۴

61. Михалевич Г. П. Баҳор, Шеърлар китобига сўз боши, М.,
1959, Л., Михалевич Г. П. Предисловие к книге Бахар,
Стихотворения (перевод с персидского), Госполитиздат,
М., 1959, Л.

62. Нафисий С. Маликушшуаро Баҳор (вафотига бир йил тўлиши
муносабати билан), „Кабутари Сулҳ“ газетаси, 1952,
11 (23)- сон.

نفیسی سعید، ملک الشعرا بهار، کبوتر صلح،
۱۳۳۱، شماره ۱۱ (۲۳)

63. Нику Ҳиммат А. Баҳор ҳаёти ва ижоди, 1-жилд, Кермоч, 1955
نيكو همت احمد، زندگانی و آثار بهار، کرمان،
جلد ۱، ۱۳۳۴

64. Нику Ҳиммат А. Баҳор ҳаёти ва ижоди, 2-жилд, Кермон, 1956.
نيكو همت احمد، زندگانی و آثار بهار،
کرمان، جلد ۲، ۱۳۳۰

65. „Охирги асрлар энг буюк шоирининг вафоти“, „Паёми нав“
журнали, 1951, 8-сон, 1—2-бетлар.

در گزشت بزرگترین شاعر قرون اخیر،
پیام نو، اردی بهشت، ۱۳۲۰ شماره ۸۵، ص ۱—۲

66. Пейсиков Л. С. Маликушшуаро Баҳор, „Паёми навин“ жур-
нали, 2-сон, 1961, 1—7-бетлар.

پيسيكوف ل، ملک الشعرا بهار، پیام نوین،
آبان ۱۳۴۰، شماره ۲، ص ۱—۷

67. Пейсиков Л. С. Баҳор филолог олим сифатида; Пейсиков
Л. С. М. Бахар как учёный филолог, „Краткие сооб-
щения ИВ АН СССР“, XXXVI, ИВЛ, М., 1959, стр. 9—22.

68. Урфоний Абдулҳамид, Баҳорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди,
Теҳрон, 1956.

عرفانی خواجه عبد الحمید، شرح احوال و آثار
ملک الشعرا محمد تقی بهار، تهران،
شهریور ماه ۱۳۳۵

69. Шомухамедов Ш. М., Асаий А., Тинчлик куйчиси, „Шарқ юлдузи“ журнали, Тошкент, 1957, 123—126-бетлар.
70. Шомухамедов Ш. М. Баҳор—тинчлик учун курашчи, „ТошДУ илмий ишлари мажмуасида“, Янги серия, 25-китоб, Тошкент, 1962;
Шамухамедов Ш. М. Баҳар — борец за мир, „В. И. Ленин номидаги ТошДУ илмий ишлари“, 214-чиқиш, янги серия, филология фанлари, 25-китоб, Тошкент, 1962.
71. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, Эрон филологиясида IV Бутуниттифоқ конференцияси тезислари китобида, Тошкент, 1964, 60-бет.
72. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, „ТашГУ им. В. И. Ленина“, Научные труды, выпуск 247, Ташкент, 1964, стр. 3—18.
73. Шомухамедов Ш. М. Улкан ҳаёт якуни, „Шарқ юлдузи“ журнали, 1965, 1-сон.
74. Шомухамедов Ш. М. Баҳор ва Совет Иттифоқи, Иранская филология, „Материалы IV Всесоюзной межвузовской научной конференции по иранской филологии“, Ташкент, 1966, стр. 183—195.
75. Шомухамедов Ш. М. Баҳор—филолог олим, „ТошДУ ўқитувчилари конференцияси материаллари“, Тошкент, 1967;
Шамухамедов Ш. М. Баҳар—учёный филолог, „Материалы научной конференции проф. преподавательского состава ТашГУ“, Ташкент, 1967.
76. Яғмоий Ҳабиб. Устод Баҳорнинг таржимаи ҳоли ҳақида, „Паёми нав“ журнали, 1953, 2, 3, 4-сонлар.
يغمائى حبيب، احوال و آثار ملك الشعراى بهار،
پيام نوين، ۱۳۳۷، شماره‌های ۲—۳—۴
77. Яғмоий Ҳабиб. Баҳор вафотининг 7 йиллиги, „Яғмо“ журнали, 1958, 4-сон, 168—169-бетлар.
يغمائى حبيب، هفت سالگى در گذشت بهار،
«يغما»، ۱۳۳۷، شماره ۴، ص ۱۶۸—۱۶۹
78. Хошим Р. Маликушшуаро Баҳор, Танланган шеърлар китобига сўз боши, Сталинобод, 1958, 3—11-бет.; Хошим Р. Сарсухан дар китоби малекушшуаро Муҳаммад Тақии Баҳор. Ашъори мунтахаб, Сталинобод, 1958, саҳ. 3—11.
79. Хусейнов Б. Тараққийларвар форс поэзиясида совет мачзуи, Боку, 1961; Хусейнов Б. Мутэрэгги фарс поэзиясында совет мавзуси, Баку, 1961.
80. Хусейнов Б. Эрон шоирлари Совет Иттифоқи ҳақида, М., 1965.
81. Гусейнов Б. Поэты Ирана о Советском Союзе, М., 1965.
Умумий адабиёт
82. Ленин В. И. Осненинг уйғониши, Асарлар, 19-том, 70—71-бетлар.
83. Ленин В. И. Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида, Асарлар, 21-том, 363—367-бетлар.
84. Ленин В. И. Ҳозирги аҳвол ва Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари ҳақида, Асарлар, 29-том, 472—487-бетлар.

85. **Алавий Б.** Ҳозирги замон форс адабиёти тараққиёти тарихи, Берлин, 1964;
Alavi B. Geschichte und entwicklung der modernen persischen literatur, akademie-verlag, Berlin, 1964.
86. **Афшор Ираж.** Ҳозирги замон форс насри, Техрон, 1951.
ايرج افشار، نشر فارسی معاصر، تهران، ۱۳۳۰
87. **Бертельс Е. Э.** Форс адабиёти тарихи очерки, Л., 1928;
Бертельс Е. Э. Очерк истории персидской литературы, Л., 1928.
88. **Бертельс Е. Э.** Форсий-дарий-тожикий, Советская этнография 1950, 4-сон.
Бертельс Е. Э. Персидский-дари-таджикский, Советская этнография, 1950, № 4.
89. **Брагинский И. С.** Тожик халқ шеърятит тарихидан, М., 1956.
Брагинский И. С. Из истории таджикской народной поэзии, М., 1956.
90. **Брагинский И., Комиссаров Д.** Форс адабиёти, Қисқача очерк, М., 1963;
Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература, Краткий очерк, М., 1963.
91. **Броун Э.** Ҳозирги Эрон матбуоти ва шеърятит, Комбриж, 1924.
Browne E. The press and poetry of Modern Persia, Cambridge, 1924.
92. **Валиева Д., Маннонов Б.** Эрон, тарихий иқтисодий очерк, „Фан“, Тошкент, 1966.
93. **Виноградов В. В.** Стилистика, шеърят назарияси, поэтика М., 1963;
Виноградов В. В. Стилистика, история поэтической речи, поэтика, М., 1963.
94. **Донишпур.** Ярим асрли иқтисодий қуллик, Техрон, 1949.
دانش‌پور، نیم قرن بردگی اقتصادی، تهران، ۱۳۲۸
95. **Жамолзода М.** Арзирли хазина ва Эроннинг иқтисодий аҳволи, Берлин, 1956.
جمالزاده محمد علی، گنج شایگان و اوضاع اقتصاد ایران، برلین، ۱۳۳۵
96. **Иванов М. С.** 1905—1911 йиллар Эрон революцияси, М., 1957
Иванов М. С. Иранская революция 1905—1911 годов, М., 1957.
97. **Иванов М. С.** Эрон тарихи очерки, М., 1952;
Иванов М. С. Очерк истории Ирана, М., 1952.
98. **Кляшторина В. Б.** Ҳозирги замон **форс** поэзиясидан очерклар, М., 1962;
Кляшторина В. Б. Современная персидская поэзия. Очерки, М., 1962.
99. **Мирзоев А. М.** Рудакий ва X—XV асрларда ғазал тараққиёти, Сталинобод, 1957;

میررایف عبدالغنی، رودکی و انکشاف غزل
در عصرهای XV—X، استالین اباد ۱۹۵۷

Мирзоев А. М. Рудаки и развитие газели в X—XV вв. Сталинабад, 1958.

100. Носир Хисров. Сафарнома, Е. Э. Бертельс таржимаси, М., 1933, Л.; Насир-и Хусрау, Сафар-намэ, Книга путешествия, Перевод и вступительная статья Е. Э. Бертельса М., 1933, Л.

101. Ризаев З. Г. Ҳозирги замон Эрон демократик шоирлари тинчлик ва ўз ватанларининг мустақиллиги учун курашда, Тошкент, 1954; Ризаев З. Г. Демократические поэты современного Ирана в борьбе за мир и независимость своей Родины, стр. 3—24, „Труды Института востоковедения“, выпуск 2, Ташкент, 1954, стр. 3—24.

102. Поризий Бостоний. Мушириддовла (Хасан Пирниё)нинг ҳаёти ва сиёсий муҳити, Техрон, 1962.

پاريزی باستانی، محیط سیاسی و زندگانی
مشرالدوله (حسن پیرنیا)، تهران، مہرمہ ۱۳۴۱

103. Смирнова Л. П. „Сейстон тарихи“нинг тили (Грамматик тавсиф), Стаинобод, 1959; Смирнова Л. П. Язык „Тарихи систан“ (Грамматическое описание), Сталинабад, 1959.

104. Сафо Забихулла. Эрон адабиёти тарихи, 1-жилд, 4-нашри, Техрон, 1963.

صفا ذبیح اللہ، تاریخ ادبیات ایران، جلد اول،
چاپ چہارم، تهران، ۱۳۴۲

105. „Совет-Эрон ал қалари шартнома, битим ва конвенцияларда“, М., 1946; „Советско-иранские отношения в договорах, конвенциях и соглашениях“, изд. МИД СССР, М., 1946.

106. Тагирджанов А. Г. Рус илғор фикри, 1905—1907 йиллар рус революциясининг форс адабиётига таъсири, „Ленинград Давлат университети илмий ишлари“, Тарих фанлари серияси, 26-чиқиши, Л., 1956, № 220, 129—140-бетлар; Тагирджанов А. Влияние демократической мысли и русской революции 1905—1907 гг. на персидскую литературу, „Ученые записки ЛГУ“, Серия исторических наук, вып. 26, 1956, № 220, стр. 129—140.

107. Тагирджанов А. Форс тараққийпарвар шоири Ашраф Гилоний ижоди, Илмий ишлар, XXV том, Ленинград Давлат университети, Л., 1960, 353—376-бетлар. Тагирджанов А. Творчество персидского прогрессивного поэта Ашрафа Гиляни, „Ученые записки ЛГУ“ т. XXV, Л., 1960.

108. Таботабоний. А. Боку ёдгори, Техрон, 1946.

طبباطبائی احمد، یادگار باکو، تهران، ۱۳۲۵

109. Устивар А. Чехов асарлари форс тилида, „Ўзбекистон маданияти, 20 март 1957 йил.

110. **Фахроний Иброҳим.** Ўрмон сардори, Техрон, 1965.
 قهرائى ابراهيم، سردار جنگل، تهران، ۱۳۴۴
111. **Хатибий Хусейн.** 6-7 хижрийда бадий наср тараққиёти тарихи, Техрон, 1965.
 خطيبى حسين، تاريخ تطور نثر فنى قرون ششم و هفتم هجرى، تهران، ۱۳۴۴
112. **Чайкин К.** Энг янги фозс адабиётининг қисқа очерки, М., 1928;
 Чайкин К. Краткий очерк новейшей персидской литературы, М., 1928.
113. „Эрон ёзувчиларининг биринчи Конгресси“, Техрон, 1946.
 نخستين كنگره نويسندگان ايران، تهران، ۱۳۲۵
114. „Эрон адабиёти тарихи“, Ян Рипка таҳрири остида. Лейпциг, 1959. *Iranische Literaturgeschichte*, von Jan Rypka, Leipzig, 1959.

Журналлар

115. „Дунё“, 1965, 1-сон. ۱۳۴۴, ۱, ۱-сон
116. „Ковиён“, 1951, 24-сон (25 апрель) ۱۳۳۰, ۲۴, ۱-сон
117. „Паёми нав“, 1941, 7-сон. ۱۳۲۰, ۷, ۱-сон
118. „Паёми нав“, 1945, 3-сон. ۱۳۲۵, ۳, ۱-сон
119. „Паёми нав“, 1945, 7-сон. ۱۳۲۴, ۷, ۱-сон
120. „Паёми нав“, 1946, 3-сон. ۱۳۲۵, ۳, ۱-сон
121. „Паёми нав“, 1946, 5-сон. ۱۳۲۵, ۵, ۱-сон
122. „Паёми нав“, 1947, 11—12-сон. ۱۳۲۵, ۱۱—۱۲, ۱-сон
123. „Паёми нав“, 1951, 11—12-сон. ۱۴۲۹, ۱۱—۱۲, ۱-сон
124. „Паёми нав“, 1954, 3-сон. ۱۳۲۳, ۳, ۱-сон
125. „Паёми навин“, 1958, 2-сон. ۱۳۳۷, ۲, ۱-сон
126. „Паёми навин“, 1958, 3-сон. ۱۳۲۷, ۳, ۱-сон
127. „Паёми навин“, 1958, 4-сон. ۱۳۳۷, ۴, ۱-сон
128. „Паёми навин“, 1961, 2-сон. ۱۳۴۰, ۲, ۱-сон
129. „Паёми навин“, 1965, 3-сон. ۱۳۴۴, ۳, ۱-сон
130. „Хонданиҳо“, 1966, 36-сон. ۱۳۴۴, ۳۶, ۱-сон
131. „Хонданиҳо“, 1965, 80-сон. ۱۳۴۵, ۸۰, ۱-сон

132. „Хонданихо“, 1965, 65-сон. خواندنيها، شماره ۱۳۴۴ ،
133. „Суҳан“, 1965, 5-сон. سخن، شماره ۵، ۱۳۴۵

Газеталар

134. „Донишжу“, 1951 йил 20 март. دانشجو، ۲۹ اسفند، ۱۳۲۹
135. „Жоҳони тобон“, 8 март 1951 йил. جهان تابان، ۱۸ اسفند، ۱۳۲۹
136. „Кобутари Сулҳ“, 1952, 21--22-сонлар. کبوتر صلح، شماره 21-22، ۱۳۳۱
137. „Маслаҳат“, 1951, 22-сон. مصلحت، شماره ۲۲، ۱۳۳۰
138. „Маслаҳат“, 1952, 78-сон. مصلحت، شماره ۷۸، ۱۳۳۲
139. „Маслаҳат“, 1952, 216-сон. مصلحت، شماره ۲۱۶، ۱۳۳۲
140. „Маслаҳат“, 1953, 123-сон. مصلحت، شماره ۱۲۳، ۱۳۳۲
141. „Раҳо“, 1951 йил 23 апрель. رها، شماره ۲۵۵، ۱۳۳۰
-

МУНДАРИЖА

Эроннинг охирги маликушшуароси	.	.	.	.	.	.
Инқилоб қозонида	.	.	.	.	.	.
Баҳор — олим	.	.	.	.	.	.
Баҳор — шоир	.	.	.	.	.	.
Қамолот	.	.	.	.	.	.
Хотима ўрнида	.	.	.	.	.	.
Адабиёт	.	.	.	.	.	.

На узбекском языке

МАЛЕК-ОШ-ШОАРА БАХАР

(Жизнь и творчество)

Изд-во «ФАН» УзССР
Ташкент — 1967

Муҳаррир Д. Муминова
Техмуҳаррир Х. Қорабоева
Корректор Л. Эркинова

Р-14744. Теришга берилди 5/IX-1967 й. Босишга рухсат этилди 17/XI-1967 й.
Формати 84×108¹/₃₂, -1,81 қоғоз л.—6,09 босма л. Ҳисоб-нашриёт л.б. 6 Нашриёт № 2135.
Тиражи 15000. Баҳоси 20 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Чирданцев кўчаси, 21. Заказ 248.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

دانشمند بزرگ ملک الشعرا بهار کلاسیک ادبیات

ایران و شخصیت برجسته‌ی ادب دوران کنونی است. او سراسر زندگی خویش را همچون رجل پیکارگر اجتماعی وقف آزادی خلق خود، وقف راه صلح و دموکراسی نموده است. بهار ادیب نوجو و استاد نو آور بوده در نظم فارسی مکتب خاصی ایجاد کرده است.

آثار پر ارج او نه تنها در میان آثار عصر حاضر بلکه در مقیاس اثرهای ایجاد گرانه و ارزنده‌ی سه چهار قرن اخیر مقام شامخی دارد. در این کتاب برای بار نخست بزبان ازبکی آثار و زندگی بهار چاپ میشود و پیرامون حیات پر مضمون و آثار گرانقدرش اطلاعاتی داده شده خلایقیت رنگارنگ ادبی اش مورد تحلیل و ارزیابی قرار میگیرد.

کتاب مزبور بمنظور استفاده‌ی عموم - دوستداران ادبیات نگارش یافته است.

شاه اسلام شاه محمدف

ملک التبراجہ

(زندگی و آثارش)

مداره می نشریات فن - آکادمی علوم اوزبکستان، تاشکند

سال ۱۹۶۷